

ТОПИЛДИЕВ ОДИЛЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

ЁПЛАР - КЕЛАЖАҚ БУНЁДКОРЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Топилдиев Одилжон Рахимжонович

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

(Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида ёшларнинг
тутган ўрни. 1991 – 2008 йй.)

«Наманган» нашриёти

2013 йил

УДК: 9 (575.1)

Мазкур монографияда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни 1991 йилдан 2008 йилгача таҳлил этилган бўлиб, уларнинг демографик ҳолати, мустақил Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилган давлат сиёсати, республикада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни янада ривожлантириш имкониятлари, илм-фан ва таълим соҳасидаги ёш қадрлар ҳамда ташаббускор, фидойи, иқтидорли ёшларга қаратилган алоҳида эътибор, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маданият, санъат ва спорт бўйича кўрик танловларнинг ташкил этилганлиги, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид қонунлар ва давлат дастурларининг кенг амалга оширилиши, мамлакатда ислоҳотларни амалга оширишда ёшларни кўллаб-куvvatловчи асосий ҳаракат “Камолот” ЁИХнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари тадқиқ этилган, илмий-назарий хуносалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Монография олий ўкув юртлари талабалари, магистрант, аспирант ва тадқиқотчилари ҳамда ёшлар муаммоларини ўрганувчилар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Маъсул мухаррир:

т.ф.д., проф. Р.Х. Муртазаева

Такризчилар

т.ф.д., проф. А.Н. Расулов


т.ф.д., проф. Б.Ж. Эшов

Наманган Давлат университети Илмий-техникавий кенгашининг 2012 йил 26 майдаги 5-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

НГ 114-3545.25-1576790 2013
1115-(2.5)-(04)

ISBN 978-9943-4057-6-9

21157/1



© Топилдиев О.Р. 2013 йил

© “Наманган” нашириёти,

КИРИШ

Юксак маънавиятли, дунёкараши кенг қамровли, билимли баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кундаги долзарб масалалар қаторига киради. Жамият тараккиётининг ҳозирги боскичида шахсни ҳар томонлама камолга етказиш ва ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам мустақиллик Йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсати туфайли Ўзбекистонда баркамол авлод шаклланиши масаласига зътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларга оид давлат сиёсати изчил равишда амалий ҳаётта татбиқ этиб келинмокда. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва хукукий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги конунида (конун 1992 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган) белгилаб кўйилган¹. Конунга кўра, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини тўлат-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, хукукий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатdir. Бу конуннинг қабул қилиниши ўсиб келаётган ёш баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан “Таълим тўғри-сида”ни, “Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури”ни, “Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури” каби бир қатор хужжатларнинг ишлаб чиқилишида пойdevор сифатида хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Биз фарзандларимизнинг нафакат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга этиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимишга мақсад қилиб кўйганмиз”². Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда 1991–2008 йиллардаги ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча жабхаларини модернизациялаш ва янгилаш масаласи, мамлакатда ёшларнинг ахоли таркибидаги салмоғи 64 фоизни³ ташкил этишини зътиборга олинган ҳолда амалга оширилди.

¹ “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Конун 1991 йил, 20 ноябр // Халқ сўзи, 1992, 8 январь.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккнётӣ ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 74–75.

³ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. – 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163.

Юкоридаги мuloҳаза Ўзбекистон ёшлар давлати эканлигини яна бир карра тасдиклайди.

Ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари Ўзбекистонда хукукий демократик давлат қуриш, фукаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мухим аҳамият касб этади. Шу боис, ҳам мазкур жараёнларни замонавий талаблар асосида тадқиқ этиш, воқеъликнинг тарихийлик жихатини ёритиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон ёшлари ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Шу даврда ёш авлод таълим-тарбияси ва бошқа масалаларга бағишлиган қонун, давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда уларга алоҳида эътибор берилди. Баркамол авлодни тарбиялаш учун “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаклланди ва у республика ёшларини бирлаштириб, кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни кўллаб-кувватлаш, уларнинг истеъодини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб бераётган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Истеъдод” жамғармалари фаолияти ҳам мухим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, уларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга қаратилган давлат сиёсатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. Чунки, мамлакатдаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатларни шакллантиришда ёшлар асосий етакчи куч бўлмокда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёшлар-нинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, республика ёшларининг интилишлари, муаммолари ҳамда Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда уларнинг иштирокини ёритиш масаласи долзарблик жиҳатини кўрсатиб беради. Айнан шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг ижтимоий, сиёсий, мъянавий соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда тутган ўрни масаласини аниқ тарихий фактлар асосида ёритиб бериш долзарб масала ҳисобланади.

Монографияда 1991 йилдан 2008 йилгача бўлган давр таҳлил этилган бўлиб, айнан мана шу давр оралиғида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни юксалиб, миллий ўзликни англаш, инсон хукукларини қарор топтириш, демократия ва хукукнинг ривожланиши, мамлакат ҳаётида ёшлар фаоллигининг ошиши учун эътибор янада кучайди.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари сиёсатшунос, хукуқшунос, фалсафа, педагогика, иқтисод, социология, тарих ва бошқа гуманитар фан вакилларининг ёшлар масаласига оид кенг қамровли тадқиқотларни олиб борища хизматлари

кatta бўлди. Бу ўринда мавзуни тадқик этишда адабиётларни уч гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гурухга мустақиллик йилларида мавзуга оид масаланинг тарихий жиҳатлари тадқикот обьекти сифатида таҳлил этилган илмий тадқикотлар киритилган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўрта-маҳсус таълим ва мутахассис кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, саноатни ривожлантиришда ишчи ёшлар, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки масалаларини муайян бир жиҳатларини тадқикотчи-лардан А.Р. Ҳакимов, С.У. Сулаймонова, Р.Н. Толипов, И.Ю. Иноятов, А.С. Татибоев, Р.Б. Сиддиков кабилар тарих фани нуқтаи-назаридан таҳлил килганлар¹. Шу билан бирга, Д. Ғуломова, Р.Х. Муртазаева, О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Д. Бобожонова, А. Маврулов, Т. Маҳмудов, Д. Раҳимова, И.С. Саифназаров, Э.Э. Каримов, Х. Самибоев, Х. Тожибоева каби олимларнинг илмий ишлари ёшларда тарихий хотиранинг ривожига, сиёсий, маънавий, маърифий омиллар таъсири, демографик ҳолати масалаларини ўрганишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилмокда².

Бироқ, мазкур гурухга киритилган адабиётлар мустақиллик даврида ёшлар таълим-тарбияси масаласига эътиборни караттанига қарамай, уларда келтирилган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш давомида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий хаётида ёшларнинг тутган ўрни масаласи тўла ёритилмаганини кузатиш мумкин.

¹ Ҳакимов А.Р. Ўзбекистон саноатни ривожлантиришда ишчи ёшлар. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ФА Тарих институти, 1993. – 164 б.; Сулаймонова С.У. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 1994. – 165 б.; Толипов Р.Н. Ўзбекистонда ўрта-маҳсус таълим ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш: тажриба ва муаммолар. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 1994. – 168 б.; Иноятов И.Ю. Из истории развития многонациональной школы в Узбекистане: опыт и проблемы (1980–1990 гг.). дисс. ...канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1995. – 162 с.; Татибоев А.С. Историография участия молодежи Узбекистана в экономическом развитии республики 60-е-80-е годы XX века. дисс. ...канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1996. – 155 с.; Сиддиков Р.Б. Совет тоталитаризмы ва мустақиллик даврларида ўрта маҳсус қасб-хунар таълими. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 170 б.

² Ғуломова Д. Тарихий хотира ва ёшлар // Fidokor. – Тошкент, 2001. 18 октябрь.; Гулямова Д. Об изучении исторического сознания студенческой молодежи на современном этапе // Ўзбекистон тарихи – Тошкент, 2001. – №4. – Б. 48–55.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко – демографический аспект. – Ташкент: Абу Али Ибн Сино, 1998. – 160 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002. – 125 с.; Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда демографик жаҳаёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 80 б.; Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 124 б.; Саифназаров И.С. Иктиносидий ва маънавий манфаатлар уйгунилиги ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 166 б.; Тожибоева Х. “Ватан тарихи”ни ўқитиш жараённида талабаларни маънавий тарбиялаш воситалари. // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. – Тошкент, 2001. – №2 – Б. 34.; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.

Иккинчи гурухга масаланинг турли хил жиҳатларини таҳлил килган ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари тадқиқотлари киритилган. Жумладан, жамиятдаги кенг микёсли ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва мафкуравий ислохотлар жараённида ёшлар фаоллигини ошириш, ёшлар онгига миллый истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни, ёшларни ижтимоий ҳаётида кечеётган ўзгаришларга эътибор қараттан тадқиқотчилар М. Маматов, М.М. Йўлдошев, О.М. Файбулаев, Т.Х. Курбонов, Н.З. Сайдалиева, Г.Ж. Туленова, Д.Б. Раҳимова, З. Қодирова, Э.Х. Бабамуратов, Т. Курбонов, Ш. Гаюпова, Х. Шайхова, Г. Тиллаева кабилар масалани фалсафий жиҳатдан таҳлил килган¹.

Ёшларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг бандлик масаласи ҳамда жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги муносабатлари каби масалаларга С.А. Жўраев, Б.Х. Жўраев, Л.Х. Тангриев, Ш.А. Эрматов, Д. Бўронова кабилар ўз тадқиқотларида эътибор бериб сиёсат-шунослик нуктаи-назаридан таҳлил қилганлар².

¹ Маматов М. Қишлоқ ёшларининг маънавиятини шакллантириш, унга миллый ва диний кадриялларнинг тасири. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 1998. – 141 б.; Йўлдошев М.М. Мустакил Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараённида хулк-одоб маданийти ва сиёсий маданийтини шакллантириш муаммолари. Фалсафа фан. докт. дисс. ... – Тошкент: ЎзРФА фалсафа ва хуқуқ институти, 1998. – 260 б.; Файбулаев О.М. Ўзбекистон мустакиллиги шароитида ёшлар эстетик тафқурийнинг ривожланиши масалалари. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Самарканд: Самарканд Давлат университети, 2005. – 159 б.; Курбонов Т.Х. Ёшларда миллый гуруннинг шаклланнишида маданий мероснинг роли. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 139 б.; Сайдалиева Н.З. Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 165 б.; Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли. Фалсафа фан. док. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2006. – 317 б.; Раҳимова Д.Б. Ўзбекистонда талаба ёшларни ижтимоий химоя килиш масалалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Самарканд: Самарканд Давлат университети, 2008. – 162 б.; Бабамуратов Э. Духовное обновление общества и изменение психологии молодежи Узбекистана (социально-философский анализ) Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент: ЎзРФА Фалсафа ва хуқуқ институти, 1997. – 28 б.; Қодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Автореф. дисс. ... док. филос. наук. – Ташкент: ЎзРФА Фалсафа ва хуқуқ институти, 2000. – 36 с.; Курбонов Т.Ёшлар онгига миллый истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни. Фалсафа фан. номз. дисс. ... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 28 б.; Гаюпова Ш., Қалонов К., Исламлова Р. Ўзбекистон ёшларида дунёкароша уйгулугининг шаклланиши муаммолари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 112 б.; Шайхова Х., Тиллаева Г. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ, 2008. – 60 б.; Тиллаева Г. Ижтимоий химоя – долзарб масала. // Фалсафа ва хуқуқ. – Тошкент, 2007. – №2 – Б. 30.

² Жўраев С.А. Ўзбекистон Республикасининг ўтиш даврида шаклландиган давлат ёшлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Политология фан. док. дисс. ... – Тошкент: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 1994. – 279 б.; Жўраев Б.Х. Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараённида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси. Сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖКА, 2004. – 149 б.; Тангриев Л.Х. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси. Сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖКА, 2001. – 145 б.; Эрматов Ш.А. Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки: ютуклар, муаммолар ва ечимлар. сиёсий фан. номз. дисс. – Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖКА, 2007. – 150 б.; Бўронова Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида): сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖКА, 2009. – 172 б.

Ёшларни ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ёшлар хукуқий онги ва майданиятини юксалтириш масалаларини Э.М.Абзалов, Р.Э. Турдибоева, Й. Джамбакиев, М. Тўляганова каби тадқиқотчилар хукукшунослик нуқтаи-назардан ўрганган¹ бўлсалар, ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, ёшлар онгидаги миллий истиқол гоясини шакллантиришнинг педагогик асосларини ва ижтимоий фаолликни маънавий асосларини тадқиқотчилардан К.Куранбоев, А.Д.Реджабов, Б.Ш.Мирзалимов ва бошқалар педагогика фани нуқтаи-назардан тахлил килганлар².

Шу билан бирга, ҳозирги бозор иктиносидиёти муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш муаммоларини иктиносидий жиҳатларини тадқиқотчи И.М. Ҳасанова тахлил қилган³ бўлса, тадқиқотчи Н. Ҳасанов мустақиллик йилларида ёшларни хукукий майданиятини шакллантириш жараёнларини социологик нуқтаи назардан ёритиб берган⁴. Лекин, мазкур тадқиқотларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни тўлақонли ёритишига эришилмаган, айрим манбаларда эса бу масала, умуман четлаб ўтилган.

Учинчи гурӯхга хорижлик тадқиқотчилар томонидан ёшларни ўзига хос ижтимоий қатлам сифатидаги ва улар муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар киритилган. Бундай тадқиқотлар XX аср бошидан бошлиб Германия, АҚШ, Англия, Франция, Россия каби мамлакатларда фаол олиб борилган.

Хусусан, XX асрнинг 20-йилларида ёшларнинг муаммолари илк бор илмий асосда К. Мангеймнинг “Авлодлар муаммоси” асарида ўрганилган бўлса, ёшларни ўзига хос ижтимоий қатлам ҳамда ёшлар муаммоларини мустақил йўналиш сифатида тахлил килган тадқиқотчилардан

¹ Абзалов Э.М. Ёшларнинг хукукий майданиятини шакллантириш муаммолари. Юридик фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ИИВ Академия, 2000. – 153 б.; Турдибоева Р.Э. Талаба ёшларда хукукий майданиятини шакллантириш муаммолари. Юридик фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ФА фалсафа ва хукуқ институти, 2000. – 185 б.; Джамбакиев Б. Ёшларга оид давлат сиёсатининг хукукий асосларини такомиллаштиришининг айрим масалалари // Фалсафа ва хукуқ. – Тошкент, 2007. – №2 – Б. 57–58.; Тўляганова М. Хукукий фуқаролик жамиятида талаба ёшларни тарбиялаш масалалари. // Ўзбекистонда фалсафа ва хукуқ фанлари ривожининг истиқболи. – Тошкент, 2007. – Б. 94.

² Куранбоев К. Педагогические основы развития духовной и социальной активности студентов. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент: К. Ниёзий номли педагогика илмий тадқиқот институти, 2000. – 28 б.; Реджабов А.Д. Ёшларни миллий истиқол гояси асосида ҳарбий ватанпарварлик рухида тарбиялаш (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Куролли Кучлари Олий Бош кўмандони, академик Каримов И.А. асарларида илгари сурилган ҳарбий ватанпарварлик гоялари асосида). Пед. фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ИИВ Тошкент Олий Ҳарбий Техника билим юрти, 2004. – 201 б.; Мирзалимов Б.Ш. Ёшлар онгидаги миллий истиқол гоясини шакллантиришнинг педагогик асослари (“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти мисолида). Пед. фан. номз. дисс. ... – Тошкент: К. Ниёзий номли педагогика илмий тадқиқот институти, 2005. – 158 б.

³ Ҳасанова И.М. Бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш муаммолари: иктиносидан фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ФА Иктиносидиёт институти, 2002. – 166 б.

⁴ Ҳасанов Н. Истиқол даврида ёшлар хукукий майданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик тахлили. Социология фан. номз. дисс. ... авт. – Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖКА, 2007. – 28 б.

яна бири Маргарет Мид хисобланади. Тадқиқотчи И.С. Кон ёшлар масаласининг илмий-назарий жиҳатларини ёритишга алоҳида эътибор қаратди. Кейинги йилларда С.Н. Иконникова, П.И. Бабочкин, А.Д. Плотников С.А. Быков, Ю. Зубок, А.И. Ковалёва, В.А. Луков, В.В. Павловский каби тадқиқчилар томонидан ёшлар социологияси, уларнинг эстетик қарашлари ва мағкуралари, ёшларга оид давлат сиёсати, ёш оиласар муаммолари, ёшлар наркоманияси, ёшларни жамият ижтимоий фаолиятига жалб этиш каби масалалар чукур тадқиқ этилган¹.

Хозирги кунда ёшлар масаласининг турли кирралари ва жиҳатларини ўзига мужассам килган “Ювентология”² фани ривожланиб бормоқда.

Мазкур гурухга мансуб адабиётларни ўрганиш ва тахлил килиш давомида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни масаласи ўрганилмаганини кузатиш мумкин. Ушбу тадқиқотлар мазкур мавзуни ёритишида назарий жиҳатдан ёрдам беради. Бироқ ўрганилаётган мавзуга оид барча адабиётлар тахлили Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991–2008 й.) масалалари мустакил тадқиқот обьекти сифатида тарихийлик нуқтаи назардан ўрганилмаганини кўрсатади.

Ушбу монографияда мустакиллик даврини ўзида ифода этган тарихий адабиётлар, архив хужжатлари ва матбуот нашрлари, статистик маълумот-ларининг умумлашган тахлили натижасида қуидаги янгиликлар илмий муомалага киритилган:

– манбалар, илмий адабиётлар ва статистик маълумотларни қиёсий тахлил этиш орқали Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-демографик ҳолати ёритиб берилган ва мустакил Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилган давлат сиёсати тахлил этилган;

– “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларга нисбатан ўзига хос фаолияти аниқ илмий далилларга таянган ҳолда ўрганилган ҳамда илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрлар масаласидаги амалий

¹ Мангейм К. Проблема поколений. – Москва: Новое литературное обозрение, 1928. – 300 с.; Margaret Mead. People and places. Florida: Bentain Books, 1959. – 190 p.; Margaret Mead. Continuities in Cultural Evolution. – New York, 1964. – 240 p.; Margaret Mead. Culture and Commitment. – New York, 1970. – 238 p.; Кон И.С. Социология молодежи. Краткий словарь по социологии. – М.: Политиздат, 1967. – С. 22-51.; Иконникова С.Н. Молодежь: социологический и социально-психологический анализ. – Л.: ЛГУ, 1974. – 53 с.; Ковалёва А.И., Луков В.А. Социология молодежи: теоретические вопросы. – М.: Социум, 1999. – 98 с.; Быков С.А. Наркомания среди молодежи как показатель дезадаптированности. // Социс, 2000. – № 4 – С. 45-47.; Зубок Ю.А. Молодежь в общественном воспроизводстве, проблемы и перспектив. – М., 2000. – 122 с.; Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. – М.: Академический проект. 2001. – 136 с.; Бабочкин П.И., Плотников А.Д. Положение молодой семьи в Российской Федерации. – М., 2002. – 156 с.; <http://www.regioncentre.ru/obzor28/>

² Скворцова М.Б. Ювентологические конференции // Регион: Политика. Экономика. Социология. СПб., 1999. – №5–6. www.regioncentre.ru/obzor28/.

ишиларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган давлат сиёсати ёритилган;

– Ўзбекистон маданияти, санъати ва спортининг ривожланишида ёшлиарнинг қўшган хиссаси илмий жихатдан очиб берилган;

– мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон ёшлиарининг тадбиркорлик фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар тадқик этилган;

– ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган ҳамда кучли ижтимоий сиёсат асосида давлат томонидан ёшлиарни ижтимоий қўллаб-кувватлаш масаласида олиб борилган амалий ишлар ёритиб берилган;

– Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшлиарнинг иштирокини тақомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига оид масалалар тадқиқ этилган.

I. БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲВОЛИ

1.1.

1.2. Ўзбекистоннинг ижтимоий-демографик ҳолати

Ўзбекистонда замонавий демографик вазиятнинг характерли кирраларидан бири, меҳнатга лаёқатли аҳолининг мутлок юкори даражада ўсиши бўлиб, бу унинг бандлигини таъминлаш муаммосини оширади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг демографик ҳолати бўйича ўзига хос жиҳатга эга. Ўрта Осиёда Ўзбекистон аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат бўлиб, унинг 36 фоиз аҳолиси шаҳарларда ва 64 фоиз аҳолиси кишлопкларда истиқомат қилади. Аҳолининг 39 фоизини меҳнатга лаёқатли давргача ёшдагилар, 54 фоизини меҳнатга лаёқатли ва 7 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ташкил этади. Аҳоли сони 1991 йилда 20857,0 млн., 1995 йилда 22684,0 млн., 2000 йилда 24650,4 млн., 2005 йилда 26167,0 млн. киши бўлган бўлса, 2008 йилга келиб 27302,7 млн. киши бўлган ҳолда, 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 13417656 нафарни ташкил қилди (1.1.илова)¹.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2008 йилда 27302700 кишини ташкил этган бўлса, шундан хотин-кизлар сони 13732064 кишини ташкил қилди. Аҳолининг 1 дан 30 ёшгача бўлган ёшлари сони 17080000 минг нафар бўлиб, шундан қарийб 9 млн. нафарини хотин-кизлар ташкил этди. Ёшларнинг 6 миллиондан ортиғи шаҳарларда, 11 миллионга яқини эса кишлопкларда истиқомат қилади². 2011 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 28,5 миллион кишини³ ташкил килаётгани ва ёшлар асосий куч экани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ўринда Президент И.А. Каримовнинг қуидаги фикрларини таъкидлаш ўринлидир “Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Ўз-ўзидан аёнки аҳолининг аксарият кисмини ташкил этадиган ёшларнинг ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳакиқатдан ҳам ҳал килувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчиликнинг дикқат марказида туриши шарт”⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига багишлиланган тантанали маросимдаги табриқ нутки. // Халқ сўзи, 2011, 1 сентябрь.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иктисадиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163.

Бундан кўриш мумкинки, жамият ижтимоий демографик холатида ёшлар катта ва шижаотали кучдир. Бу кучни мамлакатнинг чинакам суюнчи ва таянчига айлантириш учун ёшларга ғамхўрлик ҳамда эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Мустакиллик даврида ўзининг тарихий-маданий ўрни, демографик хусусиятлари ва ижтимоий ҳаракатчанлиги нуктаи-назардан ёшлар катлами жамиятда алоҳида ўрин тутаётганлиги ижобий холдир. Ёшларнинг бугунги жамиятдаги ўз ўрнини белгилаши, мақсад ва орзуларини аниқлашида миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар мезони мухим аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг мақсад ва орзуларини тўғри белгилаб олишга ёрдам бериш, бу жараённи илмий ва режали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

“Ёшлар” тушунчасини В. Павловский куйидагича таърифлайди “Ёшлар бу ўсмир ва катта, балоғат ёшидаги инсонларнинг умумийлиги ўртасидаги ўтиш ҳолатини эгалловчи 13–14 ёшдан 29–30 ёшгача бўлган кишиларнинг алоҳида биосоциал ёш гурӯҳидир”¹.

ЮНЕСКО томонидан 17–25 ёшдаги шахслар, социолог олимлар ва иқтисодчилар эса 16–30 ёшгача бўлган шахсларни ёшлар жумласига киритадилар².

С.Н. Иконникова эса “Ёшлар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни ўз ичига олувчи синфий ва бошқа белгилари, жамиятда уларнинг роли, фаолият турлари, шунингдек маънавий қиёфаси, дунёкараши, кизикишлари, ижтимоий-рухий хусусиятларига мувофиқ бўлинган ижтимоий-демографик гурух хисобланади” деган фикрни билдиради³.

“Ёшлик” социологик энциклопедияда ёшлар инсоннинг ёш боскичи сифатида таърифланади⁴.

Демак, ёшлар – бу ўзларининг жамиятдаги мавқеи, ёши, ижтимоий-рухий хусусиятларига караб фарқланадиган ижтимоий демографик гурух хисобланади. Умуман олганда, ёшларнинг ёш жиҳатидан тавсифланиши дунё мамлакатларида турлича хисобланади. Масалан, Ўзбекистонда ёшлар 30 ёшгача деб белгиланган бўлса, 18 ёшгача вояга етмаган шахс сифатида эътироф этилади. МДХ давлатлари ва Россиянинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ёшлар 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролардир. Европанинг аксарият мамлакатларида, АҚШ ва Японияда қабул қилинган “ёшлар” тушунчаси 13–14 ёшдан то 29–30 ёшгача белгиланади. Испанияда эса ёшлар 14–30 ёшдагилар, Люксембургда 15–25 ёшдагилар, Англия ва Голландияда ёшлар алоҳида

¹ Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. – Москва: Академический проект, 2001. – С. 74.

² Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. – Тошкент, 2008. – Б. 11.

³ Иконникова С.Н. Молодежь: Социологический и социально-психологический анализ. – Ленинград: ЛГУ, 1974. – С. 53.

⁴ Социологическая энциклопедия. // Гл.ред. В.Н. Иванов. Т/1. – Москва: Мысль, 2003. – С. 230.

гурухга ажратилмасада 25 ёшгача белгиланган¹. Демак кўриш мумкинки, ёшларнинг ёш жихатидан тавсифланиши турли мамлакатларда хар хил даражада белгиланган.

Ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни ўз ичига зарурий равишда ёшларнинг жамиятта қўшилиши, уларнинг ижтимоий ҳаёт муносабатларга мослашуви ҳамда ижтимоий тараккиётта таъсири кабиларни камраб олади. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий, сиёсий омиллар билан ифодаланадиган ўзига хос демографик ҳолат юзага келди. Унга мувофик, 30 ёшгача бўлган фукаролар ёш тоифаларининг куйидаги чегараларини белгилаб олиш мумкин:

1. 0–6 ёш-мактабгача бўлган ёш;
2. 7–17 ёш-мактаб ёши;
3. 18–30 ёш- фукаролик ёшидан иборат.

Ёшлар ижтимоий йўналашларини, муаммоларини тадқик этиш ушбу ўзига хос ижтимоий гурухни бошқалардан фарқлашни назарда тутади.

Демограф олимларнинг маълумотларига қараганда, республикада туғилиш суръати ҳозирги даражада қолса, 2025 йилга бориб аҳоли сони 34,7 миллион кишини ташкил қиласди². 2008 йилда Ўрта Осиёдаги меҳнат ресурсларининг 40 фоизи Ўзбекистонга тўғри келиб, аҳоли сони бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринни эгаллади. Ҳолатнинг камдан-кам учрайдиган томони шундан иборатки, аҳолининг 36,7 фоизи 16 ва унгача бўлган ёш гурухига киради. Солиширадиган бўлсак, АҚШда бундай категориядаги аҳоли 24,3 фоиз, Россияда эса 18,1 фоизни ташкил этади³.

Тадқикотчи И.М. Ҳасанованинг фикрича, “Ўзбекистонда эркакларнинг ўртача ёши – 23, аёлларнинг ўртача ёши – 24,4 ни ташкил этган, нисбатан ёш аҳолига эга бўлган мамлакатdir. Аҳолининг бошқа гурухлари ичida ёшлар алоҳида ўрин тутади, чунки, у меҳнат ресурслари шаклланишининг асоси хисобланади. 1999 йилда меҳнатга лаёкатли аҳолининг 44–45 % ни 16–29 ёшлилар ташкил этган”⁴.

1991–2008 йиллар давомида Ўзбекистонда мавжуд аҳоли сони, аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий кўпайиши ўзига хос кўрсатгичга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Кўрсаткичининг даврлар бўйича қиёсий таҳлили мамлакатда мавжуд аҳоли сони, туғилиши, ўлими ва табиий кўпайишининг нисбатан барқарор бўлганлигини кўрсатади.

¹ Субхонов Н. Ёшларнинг ижтимоийлашуви муаммолари (Жаҳон тажрибаси ёки қиёсий таҳлил). // Фукаролик жамиятини шакллантирища ёшларнинг роли. – Бухоро, 2010. – Б. 51.

² Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 59.

³ <http://www.yandex.ru/news/>

⁴ Ҳасанова И.М. Бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш муаммолари. Иктисод фан. номз. дисс.; – Тошкент, 2002. – Б.33.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 1991–2005 йиллар давомида республикада туғилиш кўрсаткичи мунтазам камайган ва бу кўрсаткич 1991 йилда 723,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 1995 йилда 677,7 минг киши, 2000 йилда 527,6 минг киши, 2005 йилда 533,5 минг кишига тенг бўлган ёки 26,3% га камайган. 2008 йилда эса 646 минг кишини ташкил этган (1.2.илова)¹. Бу тенденцияни туғилишнинг умумий, маҳсус ва йигинди коэффициентларида ҳам кузатиш мумкин. Агар, 1991 йил республикада туғилишнинг умумий коэффициенти 34,5% ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 20,3% га, туғилишнинг йигинди коэффициенти эса 4,19% дан 2,16% га камайган². Таъкидлаш лозимки, туғилиш кўрсаткичининг камайиш тенденцияси республиканинг шаҳар жойларига нисбатан кишлопларида юқори суръатда бўлган. Жумладан, 1991–2005 йиллар мобайнида шаҳарда туғилишнинг умумий коэффициенти 9,4 % га камайган бўлса, кишлопда эса 17,7 % га камайган³.

Умуман олганда, туғилиш кўрсаткичининг камайиши республиканинг барча вилоятларида ҳам кузатилган. Агар 1991–2005 йилларда туғилишнинг умумий коэффициенти республикада 14,2% га камайган бўлса, бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 4,4% га, Хоразм, Фарғона, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Ташкент ва Андижон вилоятларида 10,8–14,9% га, Қорақалпогистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Кашқадарё вилоятларида 16,2–18,9 % га, туғилиш кўрсаткичи доимо юқори бўлиб келган Сурхондарё вилоятида эса 20,6 % га камайган (1.3. илова)⁴.

Киёсий таҳлиллардан кўриниб турибдики, янги иқтисодий муносабатлар шароитида республика ва унинг барча худудларида туғилиш кўрсаткичи кескин камайган.

Аҳоли сони туғилиш ва ўлим хисобига доимо ўзгариб боради. Туғилиш жараёни аҳоли сонининг кўпайишига олиб келса, ўлим унинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Туғилиш ва ўлим жараёнлари асосида аҳолининг табиий ўсиши содир бўлади. Агар туғилганлар сони ўлганлар сонидан юқори бўлса, аҳоли кўпайиб боради, аксинча, ўлганлар сони туғилганлар сонидан кўп бўлса, аҳоли камайиб боради. Жамиятдаги ўлган аҳоли ўрни, янги туғилганлар хисобига кўпайиб тўлиб боради ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари асосида хисоблаб чиқилган.

² Манбалар: Численность населения в Узбекистане. 2001; Статистический сборник. Миниатюра. Республики Узбекистан. Государственный статистики. Ташкент 2001; Демографический Ежегодник Узбекистана. 1991–2003 годы. Ташкент 2004; Численность населения в Узбекистане. 2006; Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>

³ Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.15.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>

авлодлар алмашади. Ана шу жараён ахоли тақрор барпо бўлишининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида табиий ўсиш Украина ва Болтиқбўйи республикаларига қараганда ўн баравар, Россияга қараганда олти баравар юкори. Республикада туғилиш кўплиги сабабли кўп болалик оиласларнинг мутлақ сони кўпайиб бормоқда¹. Ахоли саломатлигини яхшилашда, оналар ва болалар ўлимини камайтиришга эришида демографик холатни мувофикалаштириш мухимдир. Демографик холатни мувофикалаштириш икки мақсадни:-болалар соғлигини мустаҳкамлаш ва улар ўлимини камайтиришни назарда тутади.

Аҳолининг тақрор барпо бўлиши, кенг маънода табиий ўсиш, ўлим, миграция-аҳолининг худудлар бўйлаб ҳаракати, бир ижтимоий гурӯхдан иккинчи бир ижтимоий гурӯхга ўтиши, маълумот олиши, меҳнат фаолиятининг бошланиши ва ҳоказолар натижасида ахоли таркибининг янгиланиб туришини билдиради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ахолиси 7 миллион кишига кўпайди ва 2009 йил охирида 27767,1 миллион кишини² ташкил этди. Шу давр мобайнида аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,8 фоизни, ўртача мутлақ кўпайиши сони эса 400 минг кишини ташкил килди.

Ўзбекистон Республикасида 1991–2008 йиллар мобайнида жами ахоли сони 1,2 марта кўпайган бўлса, қишлоқ ахолиси 1,3 марта, шаҳар ахолиси эса 1,1 марта кўпайган. Шу давр ичидаги қишлоқ ахолисининг мутлақ сони 5 миллионга, шаҳар ахолисининг сони эса 2 миллион кишига кўпайган. Шаҳар ахолисининг ўртача йиллик ўсиш суръати 0,9 фоизга, қишлоқ ахолисининг эса 2,5 фоизга тенг бўлган (1,4. илова)³.

1991–2005 йилларда Ўзбекистонда шаҳар ахолисининг ўртача йиллик ўсиш суръати 0,9 фоиз бўлгани ҳолда Сурхондарёда бу кўрсаткич 3,2 фоизни, Жizzахда – 2,8 фоизни, Қашқадарёда – 2,4 фоизни, Наманганда – 2,3 фоизни, Сирдарёда – 0,6 фоизни, Бухорода – 0,7 фоизни, Хоразмда – 0,8 фоизни ташкил этди⁴. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пойтахт Тошкент шаҳри ахолиси кейинги ўн йилликда кўпаймади, балки унинг сони 2,1 миллион киши атрофида мувозанатлашди.

¹ Инсон тараккиёти тўғрисида маъруза. – Тошкент, 2008. – Б. 38.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>

³ Манбалар: Численность населения в Узбекистане. – Ташкент, 2001; Статистический сборник. Минэкономстат Республики Узбекистан. Государственный статистики. – Ташкент, 2001; Демографический Ежегодник Узбекистана. 1991–2003 годы. – Ташкент, 2004; Численность населения в Узбекистане. – Ташкент, 2006; Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>

⁴ Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари. – Ташкент: Университет, 2006. – Б. 9–10.

Ҳар бир давлат туғилиш муаммосига бефарқ муносабатда бўла олмайди, бу муаммо муайян давлатнинг келажакдаги ривожланишига китта таъсир кўрсатади. Ҳар бир давлат ўз минтақаси хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзининг демографик сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Фикримизча, улар ўз хусусиятларига кўра оиласа болалар туғилиши сонини чеклайдилар ёки туғилишнинг кўпайишини қўллаб-куниватладилар.

Ўзбекистонда туғилиш жараёнининг нисбатан юкорилигига иносий сабаблардан бири оила қадриятлари ҳамда никоҳдан ўтиш жиҳаёнининг юкорилиги сабаб бўлмоқда. Оиланинг ташкил топишида ўса, ўз навбатида, никоҳ ва ажралиш жараёнлари мухим омилдир. Никоҳ эркак билан аёлнинг тарихан таркиб топган, жамият томонидан муайян тартибга солиб турадиган ўзаро ҳамда болаларига нисбатан муносабатлари шаклидир. Никоҳланиш жараёни турли хил мамлакатларда ўзига хос бўлиб, ҳар бир миллатнинг миллий қадриятларини акс ттиради. У инсоният ижтимоий тараккиётининг турли даврларида ҳар хил кўринишларга эга бўлиб, давлатларнинг қонунлари асосида асрлар давомида ўзгариб, такомиллашиб келган. Натижада, ўртacha турмуш куриш жаҳоннинг турли мамлакатларида 12-14 ёшдан то 21-22 ёшгача белгиланган, баъзи давлатлар эса бундан мустасно¹.

Никоҳни қайд этиш, рўйхатга олиш фукаролар тартиби қонун-коидалар ва диний урф-одатларга кўра, амалга оширилади. Никоҳланувчиларнинг сони авваламбор оилаларнинг сонига таъсир килади. Никоҳланувчиларнинг сони бўйича республика вилоятларидан 1991 йилда Фарғона – 31 минг, Самарқанд – 28,8 минг, Тошкент – 25,1 минг никоҳ кўрсаткичи билан, 2000 йилда Самарқанд – 19,2 минг, Фарғона – 17 минг, Қашқадарё – 16,1 минг никоҳ кўрсаткичи билан, 2008 йилда Самарқанд – 30,5 минг, Фарғона – 26,4 минг, Андижон – 23,7 минг никоҳ кўрсаткичи билан олдинги ўринларда келмоқда. Ҳар минг кишига тўғри келадиган никоҳлар сони 1989 йили 10 кишини ташкил этган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич бироз пасайиб, 2006 йили 8–9 кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича Бухоро вилояти 9,4 %, Хоразм вилояти 9 %, Жizzах вилояти 8–9 % да олдинги ўринда туради². Никоҳланувчиларнинг сони ўз навбатида туғилиш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Никоҳланиш даражаси ҳар 1000 кишига мустакиллик йилларида ўртacha 7,8% (2000–2008 йиллар) атрофида баркарорлаши ёки ҳар йили республикада ўртacha 150–200 мингтагача никоҳлар қайд этилди. 1991 йилда республика бўйича никоҳлар сони 270,3 мингтани, 1995 йилда

¹ <http://www.ziyonet.uz/oila/news>

² <http://www.ziyonet.uz/oila/news>.

170,8 мингтани, 2000 йилда 168,9 мингтани, 2005 йилда 184,0 мингтани, 2008 йилда эса 250,2 мингтани ташкил қилди(1.5. илова)¹.

Ёш оиласар фарзандларнинг сони нечта бўлиши кераклиги масаласига турлича ёндошадилар. Бундай ёндашув эр-хотиннинг маълумот даражасига ва ижтимоий мавкеига боғлик. Агар эр-хотин олий ва тугалланмаган олий маълумотли бўлсалар, 2–3 фарзанд бўлишини, уларнинг маълумоти ўрта ёки тўлиқсиз ўрта бўлса, оиласада 4–5 фарзанд бўлишини мақбул деб билганлар².

Оиласи режалаштиришни тарғиб этганда, Шарқ мамлакатлари тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Дин оиласининг иқтисодий аҳволи, яшаш шароити яхши бўлсагина фарзандларни кўпайтиришни тавсия килади, шароит бўлмаса, фарзанд туғилишининг олди олинса, гуноҳ хисобланмайди. Аммо, хомилани сунъий равиша йўқ қилиш гуноҳ хисобланади. Туғилишни чеклаш эмас, балки туғишдаги оралиқ муддатни узайтириш, оила маданиятини шакллантириш, соғлом авлодни вояга етказиш, оналар соғлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўртасидаги ўлимни камайтиришдан иборатдир. Асосий мақсад фарзандлар миқдорига эмас, сифатини яхшилашга қаратилган.

Фикримизча, оиласи мустаҳкамлаш масаласини ечишда куйидаги ларга эътибор бериш керак:

- ёш келин-куёвларга келажак авлодни вояга етказиш масъулиятини англатмоқ, уларга иқтисодий мустақиликка эришгандан кейин-гина оила куришни тарғиб этиш лозим;

- оиласарга туғиш оралиғидаги муддат 3–4 йил бўлиши аёл ва фарзанд саломатлигини сақлаш аҳамиятини тушунтириш лозим;

- оила қураётган ёшлар фактат оила олдида эмас, келажак авлод олдида ҳам жавобгар эканлигини англаши ва балоғатта етмасдан оила куриш заарлигини англашлари лозим.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг асл максади инсонга муносиб турмуш тарзи ва фаолият кўрсатиш шароитларини яратишидир. Оила маблагини оила аъзоларининг эҳтиёжларига қараб, зарур-ларини ажратиб олиб, тўғри таксимлаш давр талабидир. Киши бошига 9 м² ва ундан кўпроқ турар жой тўғри келадиган оиласардаги болаларнинг согломлиги 5 м² турар жой тўғри келган оиласарга нисбатан 7–8 баровар юқоридир³. Ҳозиргача оиласада энг катта хона болаларга эмас, меҳмонларга ажратилади. Энг яхши, кулай шароит болалар учун яратилиши керак, деган кўнинма айрим оиласарда хали шаклланмаган. Оиласарда болалар учун энг яхши шароит яратилишини

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. 1991–2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>.

² <http://www.zarnews.uz/cgi-bin/main>.

³ <http://www.tashkent.uz/uz/news>.

тарғиб этишга аҳамият бериш лозим. Бу эса соглом турмуш тарзини ишқилантиришнинг муҳим омилидир.

Жисмоний тарбия билан шуғулланиш кишиларни, айниқса ёш инволидни соглом, баркамол бўлиб вояга этишига, саломатлигини мустахкам, руҳиятини яхшилашга олиб келишидан ташқари, кишиларга ҳиётда тўлароқ ва фаолроқ иштирок этишга, ўзларининг бўш вакътларидан унумли фойдаланишларига имкон беради. Ёшларни оиласвий ҳиётта тайёрлаш билан бирга, уларнинг олдиларига кўйилган аниқ ижтимоий максадга эришиш руҳида тарбиялаш керак. Ўзининг гигиеник буюмларига эга бўлиш, ундан тўғри фойдалана олиш, оиласдаги широит ҳам мана шу санитария-гигиена талабларига жавоб берishiغا пришиш лозим бўлади. Атрофдаги яқинларининг саломатлигини муҳофаза килиб бориш хусусидаги вазифаларни радио-телевидениеда ишматбуотда тарғиб килишни янада кенгайтириш керак.

Хулоса киладиган бўлсак, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистонда ёшларга доир сиёsat ва бу борада давлат томонидан самарали ишлар амалга оширилганлиги долзарб аҳамият касб этди. Президент И.А. Каримов ташаббуси билан 2000 йилни “Соғлом авлод Йили”, 2008 йилни “Ёшлар Йили”, 2010 йилни эса “Баркамол авлод Йили” деб эълон килиниши ва давлат дастурларининг қабул килиниши муҳим аҳамиятта эга бўлди. Натижада ёшларнинг хуқук ва манфаатларини химоялаш, ҳар қандай заарли таъсир, оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир, хушёр бўлиб яшаши, жамият ижтимоий ҳаётида муносабиб ўрин ўгаллаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини таъминлашга қаратилган амалий ишларга эътибор янада кучайтирилди.

Демак, Ўзбекистонда бутун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини ўзи яратишга ҳаракат килаётган, жамиятда демократик қадриятларни мустахкамлаш билан, давлатнинг таракқиётига ўзига хос муносабиб ҳисса қўшаётган янги авлод вакилларининг ижтимоий ҳаётида кириб келиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг ижтимоий демографик ҳолати ва муаммоларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган амалий ишларда ўз ечимини топиб бормоқда. Ўзбекистон ижтимоий демографик аҳволининг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакат аҳоли таркибида ёшлар кўпчиликни (64%) ташкил қилади. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам ёшлар асосий етакчи куч бўлиб, улар иқтисодий-маданий таракқиётда муҳим роль ўйнамоқда.

1.3. Мустақил Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилган давлат сиёсати

Ўзбекистон Республикасида ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, мустакилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб уларга оид давлат сиёсати изчил рӯёбга чиқариб келинмоқда. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хуқукий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Конунда¹ белгилаб кўйилган. Конуннинг қабул килиниши ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ташкилий тадбирларни ҳам кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати ўзига хос кўйидаги қоидаларга асосланади:

- 1) Миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавкеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан катъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- 2) Ёшларни хуқукий ва ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш;
- 3) Ёшларнинг ташаббусларини кўллаб-кувватлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари доирасида ёшлар манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига кафолат бериш;
- 4) Жамиятни ривожлантиришда, айникса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда уларнинг бевосита иштирок этиши; бешинчидан, хуқук ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлигини таъминлаш.

Ёшларга оид давлат сиёсати ўз мазмунини доимий такомилаштириш, мунтазам равишда ўз эътиборини жамият ҳаётининг энг мураккаб жиҳатларига қаратиш йўналишларида кенг ривожлантирилмоқда. Демак, ёшлар ўзининг таълим, согликни саклаш, меҳнат, уйжойга нисбатан бўлган эҳтиёжларини таъминлашда давлат сиёсатига мухтож бўлади, давлат эса ўз тузилишида сиёсий-хукукий, ижтимоий-иктисодий тараққиёт ҳамда ўсишли таъминлаш учун ёшлар қатлами ва уни максадли шакллантиришга эҳтиёж сезади.

Ўзбекистон Республикасида ёш авлодга қаратилган давлат сиёсатининг бош тамоиллари даврга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб, ўз мазмунини бойитиб ҳамда ички суръатини намоён этиб бораётир. Бунинг натижасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширилиши соҳасида Ўзбекистон Республикасида мухим вазифалар белгиланди². Жумладан, биринчидан, республика худудида ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-иктисодий, хукукий ва ташкилий асосларини

¹ “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги конун 1991 йил 20 ноябр. // Халқ сўзи, 1992, 8 январь.

² “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Конуни. 20 ноябрь 1991 йил //Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси конунларининг тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 8–9.

белгилаш; иккинчидан, ёшларни ижтимоий ҳимоя килиш чорагидбирларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш; учинчидан, ёшларга оид давлат сиёсати бошқарув идораларини тузиш; тўртингидан, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида республикада аниқ мақсадли дастурларини ишилаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; бешинчидан, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган молиявий маблағларни тисарруф этиш; олтинчидан, республика ёшларининг манфаатларини Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари доирасида ифодалаш; еттингидан, республика худудида ёшлар ва улар бирлашмаларининг ижтимоий муносабатларини хукукий жиҳатдан тартибга солиш; саккизинчидан, республика ёшларининг, ёшлар жамоат уюшмаларининг ташаббусларини ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий ва ташкилий жиҳатдан кўллаб-куватлаш; тўққизинчидан, барча хукук субъектларининг Ўзбекистон Республикаси конунларида ёшларга нисбатан белгилаб кўйилган мажбуриятларига риоя этишларини назорат килиш, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда ималга оширишнинг бошқа масалалари.

Юкорида белгиланган вазифалар асосида Ўзбекистонда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ислоҳ килиш бўйича узокни кўзлаган дастурлар 1992 йилдан бошлаб изчил амалга ошириб келинмоқда. Чунки, жамият келажаги ёшларнинг тарбияси ва таълим олишлари, олий инсоний қадриятларни ўзлаштиришлари, ижтимоий фаолиятга тайёрлиги билан белгиланади.

Умуммиллий дастурлар доирасида ўтган давр мобайнида мамлакатдаги таълим муассасалари: мактаб, лицей, колледжларнинг замонавий моддий-техник ва ўкув базасини шакллантириш, мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илфор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби янгидан бунёд этилди, реконструкция килинди ва замонавий ўкувлаборатория жиҳозлари билан таъминланди¹.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятнинг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рӯёбга чиқиши учун ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. Ёшларни хукукий муҳофаза килиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг ёшларга нисбатан хукукий жиҳатдан мустаҳкамлаб кўйилган

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация килиш ва иктисолётимизни барқарор ринкожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 231.

вазифаларини шахснинг қадр-кимматини оилада, меҳнат ва ўкув жамоасида, турар жойда ҳар томонлама ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар учун тиббий хизмат, таълим олиш, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга имтиёзли шартларда қатнаш, уй-жой куриш, рўзгор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар олиш, дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминланиш ёки амалдаги қонунларга мувофиқ моддий ёрдам олиш хукуки, ижтимоий инфраструктура обьектларини лойихалаш ва қуриш чорига ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини хисобга олиш, ўкувчилар, талаба ёшлар ҳамда вояга етмаган фукаролар учун транспортда юриш имтиёzlари, вояга етмаганларга компенсация тўловларини кафолатловчи ижтимоий таъминланиш минимуми белгиланган.

Вояга етмаганларни, ёш фукароларнинг айрим тоифаларини (ногиронлар, уй бекалари, болалар уйида тарбияланадиган ва тарбияланиб чиққанлар, ўкувчилар, талабалар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳарбий хизматчилар, захирадаги ҳарбий хизматчилар кабиларни) ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган маҳсус чора-тадбирлар, шунингдек, уларнинг хуқукларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президент И.А. Каримов томонидан 1992–1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъодини камол топтириш мақсадида 14 та Фармон қабул қилинди². Уларда ёшларнинг моддий ахволини яхшилашдан тортиб, ёшлар истеъодини моддий ва маънавий рағбатлантиришгача бўлган тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Натижада ёшлар ижтимоий кафолатига доир жойларда маълум тажрибалар амалга оширила бошланди. Масалан, Коракалпогистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил январь ойида Ёшлар сиёсати бўйича Конун қабул қилди³. Вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1992 йил 4 декабрдаги 568-сонли Қарори асосида вилоятларда ва туманларда “Ёшлар ишлари бўйича ҳокимлар раислигида Кенгашлар” тузилди. Ҳокимликлар томонидан давлатнинг ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди ва бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Масалан, Тошкент вилоятида ёшлар сиёсатига оид дастур қабул қилинди ва ёш ижодкорларнинг уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳокимлик 82 хонали уйни ёш ижодкорларга фойдаланишга берди⁴. Коракалпогистон Республикаси, Хоразм,

¹ “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Конуни 1991 йил 20 ноябр. //Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 10.

² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустакил Ўзбекистон тарихи. З-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 486.

³ http://lex.uz/guest/its_html.winLAV/pID=140894

⁴ Тошкент вилояти ҳокимлиги жорий архиви маълумотлари. 1992 йил хисоботлари.

Кашқадарё, Бухоро, Андижон, Наманган, Фаргона вилоятла-рида ҳам ғиб ижодкорларга уй-жойлар берилди¹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жирафининг барчаси ёшларни қўллаб-кувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига қаратилганини кўриш мумкин. Мамлакатда ғибларга оид давлат сиёсати амалга оширилар экан, улар жамиятнинг исосий бунёдкор ва харакатлантирувчи кучларидан эканлиги алоҳида и.тиборга олинмоқда. Бу даврда пухта ўйланган маънавий-маърифий тарбия тизимининг яратилиши, миллий ўзликни англаш, ёшлар онгига кўн асрлик маънавий қадриятлар, анъаналарнинг қайта тикланиши, унумли меҳнат килишлари ва самарали билим олишлари учун ижтимоий-сиёсий, ташкилий ҳамда хуқуқий чора-тадбирларни яратди.

Давлат сиёсатининг яна бир муҳим устувор йўналишидан бири 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”²га асосан, ёш баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда юкори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Таълим ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида” 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сон Фармони³ “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” исосида миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини яратишга и.тибор қаратилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармасини тузиш тўғрисида” 1998 йил 11 марта даги 109-сон қарори⁴ педагог кадрлар тайёрлаш сифати ва ўкув жараёни самарадорлигини холисона баҳолаш, педагогларни аттестациядан ўтказиш ҳамда таълим муассасаларининг рейтингини аниклаш бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2004–2009 йилларда мактаб таълим тизимини ривожлантириш тўғрисида”ги давлат умуммиллий дастури⁵ тўғрисидаги фармойишининг қабул килиниши, ўрта мактабларни қайта рўйхатдан ўтказишга, моддий техника базасини

¹ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустакил Ўзбекистон тарихи. З-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 486.

² “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. 1997 йил 29 август, // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида” 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сон Фармони. <http://lex.uz>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармасини тузиш тўғрисида” 1998 йил 11 марта даги 109-сон қарори. <http://lex.uz>.

⁵ 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури. <http://lex.uz>.

мустаҳкамлашга, мактабни замонавий ўкув лаборатория ҳамда компьютер техникаси билан таъминлашга замин яратиб берди. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурига мувофиқ, Республика бўйича :

- 2006 йилда 61 та янги мактаб курилиб, фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди¹;

- 2007 йилда 336 минг нафар ўкувчига мўлжалланган 558 та умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди²;

- 2008 йил давомида Республикада умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблаг сарфланиб, 1875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳам келажак ёш авлод учун самарали ишларнинг намунаси хисобланади³.

Ўрта мактабларнинг 9-синфини битирган ўкувчилар учун 3 йиллик касб-хунар таълим тизимини ташкил этилиши мамлакатда таълим тизими ривожланишининг аҳамиятли босқичи хисобланади.

2006 йилда Республика бўйича 8 минг ўкувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-хунар коллежи куриб фойдаланишга топширилди, 8,7 миллиард сўмлик ҳамда 15 миллион АҚШ доллари микдоридаги ўкув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди⁴.

2007 йилда Республика бўйича барча таълим муассасаларида янги қурилиш ҳамда реконструкция килиш хисобидан энг замонавий ўкув лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 169 та касб-хунар коллежи, 18 та академик лицей фойдаланишга топширилди⁵.

2008 йилнинг ўзида 370 миллиард сўмдан ортик маблаг сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилди⁶. Шу билан бирга, Ўзбекистонга олиб борилаётган якин ҳамкорлик натижасида бир катор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам катта ёрдам

¹ Каримов И.А. Жамиятнимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятнимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 167.

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация килиш ва иқтисодиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 210.

³ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 51.

⁴ Каримов И.А. Жамиятнимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятнимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 167.

⁵ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация килиш ва иқтисодиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 210.

⁶ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 51.

бормоқда. Жумладан, 2008 йили Саудия Тараккиёт жамғармаси ва ОИЕК жамғармаси томонидан Ўзбекистондаги 28 та янги мактаб курилишига 21 миллион АҚШ доллары, Ислом тараққиёт банки томонидан 5 та касб-хунар колледж қурилиши учун 10 миллион АҚШ доллары, Бирлашган Араб Амирликлари Томонидан янги мактабларни, комп'ютерлар билан жиҳозлаш учун 16 миллион АҚШ доллары министрида маблағлар ажратилганини қайд этиш лозим. Ўзбекистонда йўта-максус таълимни ривожлантиришга ажратилган хорижий сирмоялар 2008 йилда 150 млн. АҚШ долларини ташкил этди¹.

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини имилга ошириш натижасида 1997 йилдан бўён касб-хунар колледжлари иш академик лицейларда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари учун 600 минг нафар малакали кадрлар тайёрланди. Бугун касб-хунар колледжлари ва академик лицейларни битирган ёшлар нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Олий таълим тизимида 2 босқичли бакалавр ва магистратура таълим тизими ташкил этилган. Бугунги кунда юқори малакали, билимли мутахассис ёш кадрлар олий таълим муассасаларида тайёрланмоқда. Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилиб, олий таълимнинг бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги таъриф килинди, ўрта міхсус касб-хунар таълими ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликарининг янги классификаторлари жорий этилди².

Ўсиб келаётган ёш авлод жисмонан ва маънан етук бўлиб вояга стишиши учун Ўзбекистонда З босқичли спорт мусобақалари ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”³ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги фармонлари бу борада дастуриламал бўлмоқда. Бунинг натижасида “Болалар спортини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамғармаси” тузилди. Дарҳа-

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 52-57

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация килиш Йўлуни изчили давом эттириш-тараккиётимизнинг мухим омилидир. Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул килинганининг 18 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутки. // Халқ сўзи, 2010, 7 листябр.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ти фармони. 2002 йил 24 октябр. // Халқ сўзи, 2002, 26 октябрь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармони. 2004 йил 29 август. // Халқ сўзи, 2004, 30 август.

киқат, спорт – соглом авлодни тарбиялашнинг мухим воситаси бўлиб, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Шу билан бирга 1991–2008 йиллар давомида мамлакатда ёш оиласлар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига. 1998 йилни мамлакатда “Оила Йили” деб эълон қилиниши ва Президент И.А. Каримов томонидан 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон¹ ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг изчил давомига айланди.

2008 йилга келиб мамлакатда 950 мингдан ортиқ ёш оиласлар истиқомат килаётганлигини эътиборга олсак, мазкур фармоннинг ахамияти накадар мухим эканлигини чукур хис қилиш мумкин. Ўтган даврда, бир томондан, ана шу ёш оиласлар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди ва уни амалга оширишнинг зарур бўлган хуқуқий асослари яратилди, иккинчи томондан, ёш оиласларни моддий қўллаб-кувватлаш тизими шаклланди, учинчи томондан эса, ёш оиласларнинг хукуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларнинг хукукий онги ва маданиятини янада юксалтириш йўлида қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга, демографик нуқтаи-назардан дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон оила ва оиласларни кадриятлар борасида ҳам ўз ўрнига эга.

Ўзбекистонда ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш масаласида бир қатор эътиборга лойиқ самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, Республиканинг турли худудлари бўйлаб ёш оиласлар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди². Шу билан бирга 2008 йилда Мехрибонлик уйлари битирувчиларини оиласларни тураржой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартиralар берилди, 14 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи ҳисобидан 15 мингдан зиёд оиласла қорамол берилгани, кам таъминланган ёш оиласларга шахсий чорвачилик билан шуғулланиш учун 6,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани, ёрдам ва қўмакка муҳтоҷ ёшларни қўллаб-кувватлаш бўйича қилинган амалий ишлардан нишонадир³. Давлат томонидан берилган бундай моддий ва маънавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2007 йил 18 май. // Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси конунларининг хужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16–18.

² Каримов И.А. Ватанимизнинг боскичма-боскич ва баркарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 58.

³ Каримов И.А. Ватанимизнинг боскичма-боскич ва баркарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 59.

күмак натижасида эндиғина турмуш курган ёш оиласарнинг моддий муммомларини ечиш, уй-жой сотиб олиш, иморат қуриш, уй-рӯйгорларини бутлаш учун тижорат ва ипотека банкларидан имтиёзли кредитларни берилиши ёшларнинг оёққа туриб олиши ва баҳтли ҳаёт көчиришлари учун кенг имкониятлар яратди.

Президент И.А. Каримов томонидан 2008 йилни “Ёшлар”¹ йили леб ўлон қилиниши ва давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам, республика умумий ахолисининг 64 фоизини ташкил этаётган ёшларга шигарни янада кучайтириди. Бунинг натижасида қуйидаги долзарб мигифалар белгиланди:

- ёшларнинг манфаатларини янада тўлик таъминлаш ва хукуклирини химоя қилишга йўналтирилган хукукий базани такомиллаштириш ҳамда мустахкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-хукукий ҳужжатларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими даражаси ҳамда сифатини ошириш;

- ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган заарли таъсиirlар ҳамда оқимларга қарши турғи оладиган миллӣ, умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тирбиялаш;

- ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш ва үннинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- ёш оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, үннрга муносиб уй-жой ҳамда ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, ҳамда кучли ижтимоий сиёsat юритиш тараққиётнинг устувор тамойилларидан бири этиб белгиланди.

“Ёшлар йили” Давлат Даствури доирасида белгиланган чорагидбирларни амалга ошириш учун барча манбалар хисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблаги, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблаги сарфланди².

Бунинг натижасида мамлакатда ёшларнинг манфаатларини янада тўлик таъминлашга қаратилган кенг камровли амалий ишлар бижарилди.

1991–2008 йиллар давомида ёшлар ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан анча ўсади. 1998 йилдан бошлаб мамлакатдаги мавжуд сиёсий партиялар фаолиятида ҳам ёшлар билан ишлаш тизими

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини келингти билан давом эттиришdir. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 15 Ноябринага багишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2007, 7 декабрь.

² Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 59.

яратилди. “Ёшлар қаноти” атамаси илк бор “Фидокорлар миллий демократик партияси” томонидан 1998 йилда илгари сурилди ва 1999 йилда партия биринчи бўлиб “Ёшлар қаноти”га асос солди¹. Аввало, ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятида, ўзини-ўзи бошқариш ва жамоат ишларида, сиёсий бошқарув жараёнларида фаол иштирок этишлари, ўз жамоат ташкилотлари ва харакатларини тузишлари, уларда ўз манфаатларини ифода этган холда иштирок этишлари учун барча хукукий асослар яратилгани инобатта олинди.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган мавжуд тўртта партия айни вактда, ёшларга оид ўз сиёсатини “Ёшлар қаноти”, “Ёшлар кенгаши”, “Истиқбол” ёшлар кенгаши, ёшлар харакати каби тузилмалар воситасида амалга ошириб келмоқда. “Агар статистик маълумотларга мурожаат қиласиган бўлсак”- деб фикр билдиради тадқиқотчи Г. Туленова – “Ўзбекистон Халқ демократик партияси” ва “Адолат” социал демократик партиясида ёшлар 30 фоизни, “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси” ва “Миллий тикланиш” демократик партиясида ёшлар сони 39 фоизни ташкил этади². Бундан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда ёшлар сиёсати мустаҳкам хукукий базага эга бўлиб, ўсиб келаётган баркамол авлодни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишида ўз исботини топиб бормоқда.

Мамлакат ёшлари ичida эътибор ва хурматга сазовор бўлган “Фидоий ёшлар клуби”, “Бунёдкор ёшлар” телеклуби, “Истеъдод”, “Илхом” каби клублар, “Келажак бунёдкорлари”, “Ёш ватанпарварлар”, “Истиқлол келажаги” ташкилотлари, Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият олиб бораётган “Ёшлар маркази” ёшларни сиёсий жараёнларга тайёрлаш ва тарбиялаш ишлари билан шуғулланмоқда³. Бундан ташқари, мамлакат ёшлари ичida экологик мухитни химоялаш, экологик тафаккурни шакллантириш, фуқаролик онгини ўстириш ва шакллантириш, тиббий тарғибот ишлари билан шуғулланиш, ёшлар муаммоларини ўрганишни ўз фаолиятларига мақсад килиб олган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳам ёшлар тузилмаларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг республика вилоятларида маҳсус ёшлар учун ишлаб чиқилган хукукий саводхонликни ошириш ва тафаккурини

¹ Бўронова Д. Мустакиллик йилларида ёшлар сиёсатининг баъзи масалалари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 147–156.

² Туленова Г. Ёшлар мамлакат таянчи // Жамият. – Тошкент, 2007, 28 сентябрь.

³ Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ЁИХнинг жорий архиви. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йилдаги фаолияти тўгрисидаги хисоботи. – Б. 51.

Ўтириш борасидаги семинар тренинглари ҳамда ҳалқаро конференциялари¹ мухим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилинадиган бўлинса, Ўзбекистонда бугун давлат ва жимиятининг тарақкиётiga ўзига хос муносиб хисса қўшаётган биркамол авлод вакилларининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши мухим аҳамият касб этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йил охирига келиб Ўзбекистонда амалдаги қонун хужжатлари миқдори 5091 тини, яъни 307 та қонун, 465 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Үзбекистон Республикаси Президентининг 145 та Фармонлари, 308 та қарор, 14 та фармойиш, 2328 та Ҳукумат қарорлари, 1124 та вазирлик ва давлат органлари хужжатларини ташкил иди².

Бу ўринда чиқарилган қонун хужжатларидан мамлакатда ёшларга доир 100 га яқин қонун хужжатлари, 10 дан ортиқ қонунлар, 30 дан ортиқ Президент қарорлари ва фармонлари, 40 дан ортиқ Вазирлар Міхкамаси қарорлари давлат сиёсати йўналишидаги қонунчиликка бу қидар жиддий муносабат Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътибордан ғиблият беради. Бугунги ёшларнинг маънавий қиёфаси, билими эртага жимият манфаати, юрт тараққиёти учун хизмат қиласди. Давлат томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани келажаги порлоқ Ўзбекистонни ривожига катта хисса қўшмоқда. Шу билан бирга жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг роли ва масъуллиги ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати йўналишидаги қонунчиликка жиддий эътибор берилиши, мамлакатда ёшларга доир ғибли борилаётган давлат сиёсати уларни тарбиялашда ва ҳар томонлама биркамол инсон бўлиб вояга етишишида мухим аҳамият касб этмоқда.

1.3. “Камолот” ёшлар ижтимоий харакатининг Ўзбекистондаги ислохотларни амалга оширишда тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин собиқ комсомол ташкилотини ислоҳ қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ёшларини бирлаштириш учун “Ёшлар иттифоки” ташкилоти тушлди. Ташкилот ёшларни ўз плenуми ва конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларда ёшларнинг минифаатлари ва эҳтиёjlари тўла акс этмаганлиги натижасида 1996 йилида “Ёшлар иттифоки” ташкилоти тугатилиб, шу йилнинг 17 инчерида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси

¹ Чинқаро илмий-амалий конференция “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли”. Гонкент, 2007 йил 27 сентябрь.

² По данным Информационно-поисковой системы “Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан” LexUz по состоянию на 11 октября 2008 года.

тўғрисидаги Президент фармони асосида янги ёшлар ташкилоти тузилди¹. Бунинг натижасида “Камолот” жамгармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чукур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини хосил килиши, уларнинг истиқтол ишининг изчил давомчилари бўлиб этишишларида кўп киррали ёрдам қўрсатиши ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъкулланди.

Жамгарма ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқукларини тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш вазифаларига эътибор қаратди. Бу ўринда жамғарманинг Коракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят ва туманлардаги бўлимлари, 12 мингга яқин жамоат марказлари фаолият олиб боргани ҳамда амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлар келтириб ўтилган². 1996–2000 йиллардаги “Камолот” жамгармаси бошқаруви мажлислари баённомалари ва қарорларида “Ёшлар муаммолари институти” очилгани, “Камолот ва қонун” корхоналари кенг қамровли фаолият олиб борганлиги қўрсатиб ўтилган³.

Бироқ, жамгарма ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий ишларни олиб боргани билан ҳам ўзининг мақсадларини тўла бажара олмади. “Камолот” жамгармасига ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий бир жамгарма сифатида карашлар асосида фаолият юритишга мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Жамгарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади. У ёшлар ўртасида маънавият ва маърифат ишларини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажара олмади.

Натижада 2001 йил 24 январь куни Президент И.А. Каримов “Камолот— ёшларимизнинг чинакам суюнчи ва таянчи бўлсин”⁴ мавзусида нутк сўзлади ва янги ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш, ташкилотнинг мақсад-вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. 2001 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг⁵ таъсис курултойи бўлиб ўтди. Таъсис

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА). М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йигма жилд, 10- варак.

² ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 3- йигма жилд, 20- варак.

³ ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йигма жилд, 22- варак.

⁴ Каримов И.А. Камолот- ёшларимизнинг чинакам суюнчи ва таянчи бўлсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 25

⁵ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кейинги варакларда “Харакат” деб берилади.

қурултойда харакатнинг Дастири ва Низоми қабул қилинди¹. 2001 йилда Ҳарикатнинг Қоракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят, 199 та туман (шаҳар) бўлимлари Кенгашлари, 17 мингдан ортиқ инвалидларни ташкилотлари фаолият кўрсатди ва 7 млн. 200 минг инвалиддан ортиқ 14 ёшдан 28 ёшгacha бўлган ёшларнинг 4 млн. 600 минг инвалиддан ортиги ёки 64 фоизи харакатга аъзо бўлиб кирган².

“Камолот” ёшлар ижтимоий харакати орқали ёш авлоднинг тарбияси борасидаги сиёсий-хукукий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маврифий, спорт ва жисмоний тарбия, халқаро фаолият соҳаларида ишлана ошириладиган асосий йўналишлар белгилаб берилди.

2001 йил 23 майда ташкил этилган “Камалак” Болалар ташкилоти ҳам Ўзбекистондаги энг нуфузли болалар ташкилоти сифатида самарали фиолият кўрсатиб келмоқда. 2001 йилда “Камалак” болалар ташкилоти 1 ёшдан 14 ёшгacha бўлган ўқувчиларни бирлаштирган бўлиб 4,2 мин.дан ортиқ болалар ташкилотта аъзо³ бўлиб кирган бўлса, 2007 йилда Республикада 10–14 ёшгacha бўлган ўқувчилар сони 3039943 нафарни ташкил этиб, “Камалак” болалар ташкилоти аъзолари сони 4624877 нафарини ташкил этди (7–10 ёшгачалар - 1599212, 10–14 ёшгачалар - 3025665), 2008 йил охирида 10–14 ёшгacha бўлган ўқувчилар сони - 3761145 нафарини ташкил этди⁴.

Ҳаракатнинг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Гонкент шаҳар бўлими “Камалак” болалар ташкилоти томонидан болаларни мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгаракларга биринчирил-ганлиги яхши йўлга қўйилган. Тўгаракларга жалб ишлантар сони – 543346 нафар, Болалар ташкилоти томонидан жалб ишлантар – 157707 нафарни ташкил этган (1.6. илова)⁵.

Болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашувни усулларидан фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратган.

“Камалак” Болалар ташкилоти тизимида сардорлар Кенгашининг фиолияти йўлга қўйилган бўлиб, 2001 йил республикадаги 9702 та умумтаълим муассасалари ва улардаги 290 дан ортиқ синфларда болалар ташкилотининг сардорлари фаолият олиб борди. 2008 йилга

¹ Узбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатнинг жорий архиви (ЎзР “Камолот” ЄИХ ЖА). “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. 1.

² УзР “Камолот” ЄИХ ЖА. “Камолот” ЄИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. 1.

³ УзР “Камолот” ЄИХ ЖА. “Камолот” ЄИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. 2.

⁴ УзР “Камолот” ЄИХ ЖА. “Камолот” ЄИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 4.

⁵ УзР “Камолот” ЄИХ ЖА. “Камолот” ЄИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 55.

келиб 300 мингдан ортиқ сардорлар фаолият олиб борди. “Камалак” Болалар ташкилоти ўзининг фаолиятини “Олтин мерос”, “Маънавият ва маърифат”, “Умид”, “Соғлом авлод”, “Ватанпарвар”, “Мехр-шавқат” каби йўналишларда ташкил этган¹.

Ҳаракатнинг негизи-бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар мамлакатдаги барча ўкув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, Куролли кучлар, хукуқ-тартибот органлари тизимларида ёшларнинг хошиш-иродасига асосан тузилади. Ҳаракат Низомига асосан Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ёшларнинг ўкиш, иш ва хизмат жойларида ташкил этилади.

Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ва аъзолари сони бўйича ўтган давр билан таққослаганда қуйидаги ҳолат вужудга келди:

2005 йил якунига кўра-17654 та бошланғич ташкилот ва 4183409 нафар аъзолар;

2006 йил якунига кўра-16581 та бошланғич ташкилот ва 3849494 нафар аъзолар².

2007 йилга келиб ҳаракатга бўйсунувчи бошланғич ташкилотлар сони жами 15801 тани ва улардаги аъзолар сони 4561265 нафарни ташкил этди.

2008 йилда эса 15392 та бошланғич ташкилот ва улардаги аъзолар сони 5010996 нафар ташкил этди. Шундан саноат, курилиш, транспорт, алоқа соҳасидаги 1829 та бошланғич ташкилотларда 289995 нафар, кишлоп хўжалик соҳасидаги 618 та бошланғич ташкилотларда 166337 нафар, Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларидағи 1184 та бошланғич ташкилотларда 1088311 нафар, умумтаълим мактаблардаги 9561 та бошланғич ташкилот-ларда 2613553 нафар, ҳарбий қисм ва ҳарбий ўкув юртлардаги 250 та бошланғич ташкилотларда 63733 нафар ва бошқа ташкилотлардаги 2359 та бошланғич ташкилотларда 339336 нафар ёшлил Ҳаракат сафига бирлаш-ганлар³.

Демак, “Камолот” ЁИҲнинг асосий мақсади – Ўзбекистон ёшларининг озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг хукуқ-манфаатларини химоялаш, соглом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, маънан етук, дунёкараши теран, мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган ёш йигит-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шароит яратиб беришдан иборат.

Ҳаракат 2001–2008 йиллар давомида Республика миқёсидаги иирик ёшлил ташкилоти сифатида шаклланиб, ўзининг атрофида

¹ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. З.

² ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 43.

³ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 4.

миллионлаб соглом фикрли ёшларни бирлаштириди ва уларнинг ҳаётида муҳим ахамият касб этмоқда. Ҳаракатнинг бевосита ёрдами билан Шиннирги турли муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган Республика мінкөсіндеги ўнлаб күрік танловлар, конференциялар, семинарлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Бу ўринда ҳаракат томонидан турли жарніжада ўтказиб келинаётган танловлар ҳам ёшларнинг ўзлигини намоён қилишига катта ёрдам бермөкда.

“Камолот” ЁИХ нодавлат жамоат бирлашма сифатида ёш Пиркимол авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, ёшларда чукур биіншім, юксак маданиятни шакллантириш, ватанпарварлик, меҳнатсерурик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармөнлик, тәлбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун шарт-шароит қартиши мақсадида ташкил этилди. Ёшларни иқтисодий, сиёсий, миһнавий, маданий, хуқукий манбаатлари ва эхтиёжларини ўрганиш, үліүрни қондириш юзасидан дастурлар тузиш, ҳаётта тадбиқ этиш, ғанаңшыл, хукумат дастурлари, ислоҳотларни бажаришда күмаклашиш, Шиннири Конституция, қонунлар, давлат ва хукумат қарорларини күрмәт қилиш, уларга амал қилиш рухида тарбиялаш, ёшлар учун янги иш жойларини яратиши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини Үргишиш ҳамда мазкур масалаларни бартараф этишда хукумат ишоралари хокимліклар, бошқа манбаатдор вазирліклар, жамоат тишкилілтери билан ҳамкорлик қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида “Камолот” ЁИХ ижтимоий-сиёсий қиётула қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ёшларнинг сиёсий фикр ва иродасини шакллантириш борасида, ишк мақсадлар сари күчларни сафарбар этишга таъсир ўтказади, яъни Шиннирги демократик зәтиқодларини ифода этади ва тарқатади;
- ёшларнинг манбаатларини бирлаштиради, улар фаолиятини ижтимоий-сиёсий жараёнларда намойиш қиласади;
- ёшлар учун ижтимоий-сиёсий ҳаракат дастурларини ишлаб чыкади, мамлакат истиқболига доир инновацион характерга эга бўлган риножжаланиш йўллари ва имкониятларини таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсатида ёшлар орасидан энг иктидорли, салоҳиятлиларни танлаб олиб, уларнинг илмий, маданий-миһнавий жиҳатдан камолотга эришишлари, замонавий фан-техника иосларини чукур ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилиш катта Үрни тутади.

Ҳаракат томонидан миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштыриши, замон талблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон индозалари ва қўникмалари даражасига чиқариш мақсади босқичмабосқич амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар муаммосини

ўрганишда “Камолот” ЁИХ томонидан анчагина хайрли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, илмий-амалий конференциялар үтказилмоқда¹.

“Камолот” ЁИХ ва Жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан “Ёшлар - Камолот тұғрисида” мавзусида 2006 йил июль ойида үтказилган социологик тадқықот натижаларига биноан: “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тұғрисида биласизми?” деган саволға 64,4% ёшлар “Ха, биламан”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини кузатасизми?” деган саволға 53,9% ёшлар “Ха кузатаман”; “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида шахсан иштирок этасизми?” деган саволига 39,2% ёшлар “Ха, иштирок этаман”, 36,1% ёшлар эса “Ха, иштирок этаман, бирок, доимо эмас”; “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги кунда ёшларнинг манфаатларини химоя киладиган ҳақиқий кучга айландими? деган саволға 40,3% ёшлар “Ха”, 43,5 фоиз ёшлар “Ха, лекин тұлғык равишида эмас”; “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги кундаги ишлари Сиз күттән ишлар билан ҳамнафасми?” деган саволға 29,0% ёшлар “Ха”, 49,9% ёшлар “Ха, лекин барчаси эмас”; “Сиз үзингиз “Камолот”нинг фаолиятига ҳисса құшиш мақсадида жамоатчилик асосида ишлашга тайёрмисиз?” деган саволға 38,9% ёшлар “Ха”, 51,6% ёшлар турли сабабларни құрсатып “Йүк” деб жавоб бергандар². Бундан күриш мүмкінки, ҳаракат бошланғыч ташкилотлари ва ёшлар етакчиларининг үқув юртлари, ташкилот, корхона, муассасалар хәётидаги ролини оширишга алохида әзтибор қаратилмоқда.

Ҳаракат тизимлари томонидан маҳаллалардаги 14670 нафар кам таъминланған оила фарзандлари, ногирон болалар, вояга етмаганлар нозирлиги хисобида турған үсмирларга белгілі дарсліклар ва китoblар, үқув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари ва болаларнинг ёзғи дам олиш оромгоҳларига белгілі, имтиёзли нархдаги йүлланмалар олиб берилди³.

Ҳаракатнинг туман (шаҳар) бўлимлари меҳрибонлик, ногиронлар уйларига оталикка бириктирилиб, улардаги тарбияланувчи ёшларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга китoblар, үқув қуроллари ва бошка анжомлар тақдим қилиш, байрам дастурхони ёзиш, маънавий-маърифий тадбирлар уюнтириш каби 3739 та турли хайрия тадбирлари, әзтибор ишлари ҳомийларни жалб этган ҳолда ташкил этилди. Шунингдек,

¹ “Ёшлар муаммолари ва уларнинг счими” мавзуудаги Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий маколалар тўплами. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 6.

² ЎзР. “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2006 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. З.

³ ЎзР. “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 4.

шона етмаган ёшларни қайта тарбиялаш колонияларида 1435 та
нкорилиши каби тадбирлар ўтказилди¹.

Хиракат тизимлари томонидан ёш йигит-қизларнинг ўз ахлатчилик шундай түла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари умум шароит яратиш, бўш вактларини мазмунли ташкил этишга мурасланган “Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази”²нинг иши йўлга шундай (1.7. илова)³.

Ёшларни касбга йўналтириш, тўғаракларга жалб қилиш, ўқитишка мурасланган ташкилий ва молиявий ёрдамлар, яъни ЁИХМларга шундай жалб этиш бўйича кўрсаткичлар динамикаси 2006 йилда 16800 шинни, 2007 йил 25260 кишини, 2008 йил 40400 кишини ташкил оғизан⁴.

2007 йилдан бошлаб ижтимоий хизматлар марказлари кошида “Ёшлар” клублари ҳам очилди⁵. 2008 йилдан хар бир вилоятда биттадан шундай клублар фаолият олиб бормоқда.

“Ёш оила” клубларининг асосий вазифаси ёш оиласлар дучканиниг турли муаммоларни ечиш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва турли мухим маслаҳатлар беришдан иборатдир.

ЕИХМ кошида хукукий, тиббий, спорт тўғараклари, дебат таъбиғарининг иш олиб бориши фаолият турлари нақадар кенг ва ранг-боннигигини кўрсатади, ёшларни касб-хунар ўрганишга бўлган шундиехи ҳам баланд бўлиб, бу йўналишда республика бўйича 20 дан ортик тўғараклар ёшларга касб-хунар сирларини ўргатиш билан шуғулланмоқда. Тадбиркорлик йўналишидаги 20 та тўғарак ҳам шинни тадбиркорликка оид бўлган қизиқишлиарини шакллантириб келмоқда. 2007 йил бошида “Камолот” ЁИХнинг куйи тизимлари “Камолот” фермер хўжалиги ва корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ташабуси билан чиқдилар. 2008 йил бошига келиб “Камолот” кўмагида 51 та фермер хўжаликлари ва корхоналар ташкил этилди. Уларда 656 инифир ёшлар иш билан таъминланди. Шунингдек, ушбу корхоналарда 1014 та мавсумий иш ўринлари ҳам яратилди. “Камолот” ЁИХ ва Узбекистон фермерлар уюшмаси ҳамкорлик дастурлари асосида республика бўйича 30 ёшгача бўлган ёш фермерларнинг маълумот банки яратилди⁶.

¹ Узр “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи - Б. 5.

² Ўзбек ижтимоий хизмати маркази” бундан кейин ЁИХМ деб берилади.

³ Узр “Камолот” ЁИХ ЖА. 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 24.

⁴ Узр “Камолот” ЁИХ ЖА. 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 25.

⁵ Узр “Камолот” ЁИХ ЖА. 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 28.

⁶ Узр “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи – Б. 29.

Республика миқёсида ёш фермер ва тадбиркорлар ўртасида 2007 йилда “Мустақиллик нихоллари” танлови үтказилди¹. Мазкур танлов намунали тадбиркор ёшларни излаб топиш, уларни рағбатлантириш, тажрибаларини оммалаштиришда мухим аҳамият касб этди.

Ёшларни ҳар томонлама муҳофаза килиш, уларнинг бандлик масаларини ҳал этиш борасида ҳаракатнинг худудий ва маҳаллий бўлимлари томонидан ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан республика бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳаракатнинг худудий ва маҳаллий бўлимлари томонидан республика бўйича 2001 йилда 25026 нафар, 2002 йилда 14512 нафар, 2003 йилда 32981 нафар, 2004 йилда 35815 нафар, 2005 йилда 19084 нафар, 2006 йилда 17470 нафар, 2007 йилда 23123 нафар ёш йигит-кизлар ишга жойлаштирилди. 2008 йилда эса 450 дан ортиқ бўш иш ўринлари ярмаркалари үтказилиб, унда 32102 нафар ишсиз ёшлар иш билан таъминланди. Шундан бевосита ҳаракат томонидан 21102 нафар ёшларга ишга жойлашишида кўмаклашилди².

Республика миқёсида бевосита ҳаракат тизимлари ёрдами билан ишга жойлаштирилган ишсиз ёшлар сони: 2001 йилда 3486 нафар, 2002 йилда 731 нафар, 2003 йилда 3713 нафар, 2004 йилда 6951 нафар, 2005 йилда 1443 нафар, 2006 йилда 1454 нафар, 2007 йилда 2450 нафар, 2008 йилда 2584 нафарни ташкил этди³.

Ҳаракатнинг Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шахри, вилоятлар бўлимлари томонидан ёш тадбиркорларнинг манфаатларини химоя қилиш, уларни имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлаш ҳамда ёшларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш максадида берилган амалий ёрдам ва тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида жойлардаги тижорат банклари томонидан республика бўйича 2001 йилда жами 95 нафар, 2002 йилда жами 413 нафар, 2003 йилда жами 632 нафар, 2004 йилда жами 593 нафар, 2005 йилда жами 188 нафар, 2006 йилда жами 142 нафар, 2007 йилда жами 637 нафар, 2008 йилда жами 1192 нафар ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларига мустакил равишда тадбиркорлик билан шугулланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилган⁴.

Ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларига ер олиш, рўйхатдан үтказиш ва бошқа манфаатларини химоя қилишда кўрсатилган ёрдамлар сони: 2001 йилда 257 марта, 2002 йилда 348

¹ ЎзР“Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2007 йилдаги фаолияти юзасидан и хисоботи.–Б.22.

² ЎзР“Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи.– Б. 17.

³ ЎзР“Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи.– Б.18.

⁴ ЎзР“Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи.– Б.13.

марта, 2003 йилда 1391 марта, 2004 йилда 1186 марта, 2005 йилда 522 марта, 2006 йилда 292 марта, 2007 йилда 663 марта, 2008 йилда 655 марта ижобий амалга оширилди¹.

Бундан кўриш мумкинки, маблағлар 30 ёшгача бўлган ёш фермерни тадбиркорларга ажратилиб, бу уларнинг ўз бизнесларини ташкил этиш хамда ривожлантириш имконини яратди. Бундан ташқари Узбекистон “Камолот” ЁИХ Марказий Кенгашининг 2008 йил 6 мартдаги “Микрокредитбанк” Акционерлик тижорат банки хамда 2009 йил 6 марта гаги Узбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлик битимиға асосан, ёш тадбиркорларнинг манфаатларини химоя килиш, уларни имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлаш хамда ғулларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Ёш тадбиркор – юрга мададкор” лойихаси эълон қилинди. Ушбу лойиха доирасида Республика ҳудудида бўйлаб ишчи гурухлар фаолияти шакллантирилди. Ҳудудий ишчи гурухлар томонидан ёш тадбиркорларга “Камолот” тавсияномалари асосида имтиёзли микрокредитлар ажратиш йўлга кўйилди.

2008 йилда ушбу лойиха доирасида “Микрокредитбанк” АТБнинг хамда Узбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда жойларда ташкил этилган ишчи гурухларга мурожаат этган 1253 нафар ёш тадбиркорларнинг 1192 нафарига тавсиялар берилди ва жами: 2383,7 млрд. сўм микрокредитлар ажратилди. Бундан ташқари, ҳаракатнинг Қоракалпо-ғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туманлар бўлими Кенгашлари томонидан янги тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ва бошламокчи бўлган ёш тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш хамда тижорат банкларидан кредит олиш ва меъёрий ҳужжатларини тайёрлашда хам амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 2006 йилда 336 нафар, 2007 йилда 450 нафар, 2008 йилда 510 нафар ёш тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тижорат банкларидан кредит олишда ёрдамлар кўрсатилди².

Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2005 йил 11 октябрдаги “Узбекистон Республикасининг қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-213-сон қарори билан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ғулов-контракт шакли бўйича ўкишга қабул килинган талабаларга, улар ўкиш даврида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизини тўлов

¹ Узр“Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б.13.

² Узр“Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 14.

тариқасида моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди¹.

Республика худуди бўйича 2006–2007 ўкув йилида 2731 нафар, 2007–2008 ўкув йилида 6478 нафар, 2008–2009 ўкув йилида 9628 нафар муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича Олий таълим муассасаларида ўқиган талабаларга тўлов пулининг 35 фоизи тўланди (1.8.илова)². Бунинг натижасида ҳам ўсиб келаётган ёшларнинг маълум бир муаммолари ҳал этилди ва уларга янги имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги “Камолот” ЁИХни қўллаб-куватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-486-сонли қарори³ нинг жойлардаги ижро-сини ўрганиш, ёшлар билан олиб борилаётган ишлар даражасини, мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этиш ахволини таҳлил этиш мақсадида 84 нафар кишидан иборат маҳсус ишчи гурухлари шакллантирилди⁴. Натижада ишчи гурух аъзолари ҳар бир вилоятларда Ҳаракат Васийлик Кенгашининг сайёр йигилишларни ўтказиб, ўрганишлар давомида қайд этилган муаммо ва камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан қарорлар қабул қилдилар.

Марказий Кенгашининг 2007 йил 30 мартағи йигилиши 01-03/7-сонли “Камолот” ЁИХ қуий бўғин ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, Ҳаракатнинг худудий ва маҳаллий бўлими Кенгashi аппарати масъул ходимлари 2007 йил 14 майдан 15 июнгача Аттестациядан ўтказилди⁵. Шунингдек, Ҳаракат тизимларида фаолият кўрсатаётган ёш ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг 10 ойлик курсларида ўқитилди. Жумладан, 2003 йили 4 нафар, 2004 йили 3 нафар, 2005 йили 3 нафар, 2007 йили 8 нафар ёш ходимлар Академияни битирдилар. 2007–2008 ўкув йилида 6 киши Академия тингловчилари сафида ўз билимларини оширди⁶.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг қуролли кучлари сафиди муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомилластириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-213-сонли қарори. 2005 йил 31 октябр. // Халқ сўзи, 2005, 1 ноябр.

² ЎзР“Камолот”ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 30.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-куватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-486-сонли қарори. 2006 йил 10 октябр. “Камолот”ЁИХ ЖА. 2006 йилдаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 11.

⁴ ЎзР“Камолот”ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 27.

⁵ ЎзР“Камолот”ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2007 йил давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б.25.

⁶ ЎзР“Камолот”ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2007 йил давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б.26.

Ёшлар масалани доимий тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни тиҳлил этиб, уни бартараф этиш чораларини кўришгина ишда ўз симарасини беради. Ҳаракат томонидан ёшлар манфаатларини химоя килиши 2008 йилда ҳам мухим аҳамият касб этди (1.9.илова¹).

Хулоса килинадиган бўлинса, бугунги давр мамлакат ва ёшлар интилига улкан вазифалар кўяётган экан, уни ёшларга факат уқтириш ёки тилиб килиш билан амалга ошириб бўлмайди. Унга дахлдор бўлган интилим-тарбия, маданият ва маънавий-маърифий муассасалар, мураббийлар, оила, меҳнат жамоалари бу борада узлуксиз ва мунтазам ишланиши керак. Бу ёшларга муносабатни, ёшларнинг эса ҳаётга кирашларини ўзгаришига олиб келади. Ҳаракатнинг бу даврдаги асосий интифаси кабул килинадиган ёшларга оид конунлар, фармонларда ёшларнинг кизикишлари, ташаббуслари ва манфаатларини акс интиришдан иборат бўлиши лозим. Давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва унинг амалга оширилишидан бевосита ҳаракат энг кўп минифаатдор ташкилот саналади. 2001 йилдан 2008 йилгача бўлган либрда Ҳаракат ёшлар орасига чукуррок кириб боришни, чекка ҳулудлардаги ёшлар билан ишлашни ўз олдига максад килиб кўйган бўлиб, керакли натижаларга эришилди. “Камолот” ЁИҲ факатгина марказлардаги ёшлар билан чегараланиб колмасдан, кишлоклардаги ёшларнинг ҳам кизикишлари ва таклифларини инобатта олиб, уларни ҳим бирластира олди.

“Камолот” ЁИҲ бошлангич ташкилотларида етакчилик килаётган ёшлар кадрлар фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни кўйидагиларга қаратиш керак:

Биринчидан, “Камолот” ЁИҲнинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлигига номзод кўрсатаётганда бошқаларга ўrnak бўла оладиган, ҳиккӣ етакчилик хусусиятига эга, маънавий етук, муносиб ёшларни тавсия этиш;

Иккинчидан, худудда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган ёш раҳбарларни “Камолот” ЁИҲ негизида бирластириш, келгусида турли соҳалар бўйича тегишли идораларга кадрларни тавсия этаётганда “Камолот”да шаклланган захирадан муқобил сифатида фойдаланиш, шунул орқали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Ҳаракатнинг ўз ўринига эга бўлишига эришиш;

Учинчидан, худуддаги “Камолот” ЁИҲ раҳбарини ўз лавозимида ишлашининг муддатини белгилаш ва вактида муносиб кадрни тайёрлаб бориш. Бошка соҳалардан жалб этилган, янги тайинланган ёшлар етакчиси, ташкилот тизими ва фаолияти ҳақида етарли маълумот олиб, ишни бир маромда ташкил этиши учун кўпроқ вақт талаб этилади;

¹ УзР“Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. Минифаатлар – Б. 1–10.

Тұртингидан. “Камолот” ЁИХ тизимиға ишга жалб этилған ҳар бир етакчи-рахбар ҳокимликнің тегишли бўлимлари эътиборидан четда қолиши керак эмас. Яъни, бир кадрни танлаб, тайёрлаб, лавозим бериб, уни турли ҳолатларда тоблаб, тажрибасини ошириш учун камида икки-уч йил вақт кетади. Шундай жараёнлардан ўтган кадрни назоратта олиб, уларни тарбиялашни кейнинг босқичга ўтказиш мухимдир.

“Камолот” ЁИХ Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда тутган ўрни ниҳоятда бекиёс бўлиб, Ўзбекистон ёшларини озод ва обод ватан қуриш йўлида бирлаштира олди. “Камолот” ЁИХ чин маънодаги ёшларнинг суюнчи ва таянчига айланган ташкилот сифатида эътироф этилди.

Демак, мустакиллик даврида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, жамият ҳаётидаги тутган роли ва масъуллиги ошди. Мамлакатда демократик тафаккурга ва ўз мустакил фикрига эга бўлган ёшларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши мухим аҳамият касб этди. Бу даврда ёшларнинг ижтимоий демографик ҳолати ва муаммоларини тахлил этиш, Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган амалий ишларда ўз ечимини топиб бормоқда. Айниқса, 20 ёшгача бўлган ёшлар янги даврда, мамлакат мустакиллиги йилларида ўсди ва тарбия олди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, мустакиллик тафаккури билан шаклланди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ОИД ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

2.1. Илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрлар масаласи

Таълим – мамлакат ижтимоий-иктисодий, сиёсий, ғоявий, маданий ҳизбетининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 1992 йилда мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки “Таълим тўғрисида”ги Қонунинг қабул килиниши таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг леъбочаси бўлди¹. Бу конуннинг асосий вазифаларидан бири – собиқ итифок мағфурасидан ҳалос бўлиш ва унинг ўрнини янги дунёқараш билан тўлдириш ҳамда жаҳон андозаларига асосланган таълим тизимини яратишдан иборат эди. Таълим тизими ходимлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга қонун таълим соҳасини барча йўналишларини тикомиллаштириш, ривожлантириш ишларига катта йўл очиб берди.

Республика худуди бўйлаб мактабларга, ўқитувчи-мураббийларга молидий ва маънавий рағбатлантиришлар, ижтимоий ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди². Шу билан бирга Олий таълим тизимини ҳам ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар қўрила бошланди. Қонун талабларидан келиб чиқиб, янги ихтисос-циклар, мутахассисликлар, олий ўқув юртлари ташкил этилди (давлат ва жамият курилиши, ҳарбий, ички ишлар, солик, банк-молия академиялари, жаҳон иктиносидиёти ва дипломатияси университети, Тошкент шигардия институти, Навоий кон-металлургия институти ва бошқалар). Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юртлари очилди.

Президент И.А. Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан 8 та вилоят педагогика институтларига университет макоми берилди³. Бу республика ҳукуматининг изчил маданий-маърифий сиёсатининг яна бир далили бўлди. Бундай янгиланишдан максад, вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш, илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларини маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди.

Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар таънёрашни замон талаблари даражасига кўтариш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда мактаб ва лицейдан тортиб академиягача бўлган замонавий, янги таълим тизими нужудга келтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил 2 июл. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997.

² УМР МДА. Р-94- фонд, 7-рўйхат, 7002- йигма жилд, 75- варак.

³ Жўрасев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. З-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 416.

йил 28 августдаги “Ўзбекистоннинг ёш ижодкорларини давлат йўли билан кўллаб-кувватлаш чоралари тўғрисида”ги 461-сонли Фармони асосида 1992–1993 ўкув йилида мактаб ўкувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика фан олимпиадаларини ўтказиш хақида бўйруғи эълон қилинди¹. Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида 1428 та ўкувчи иштирок этиб, шундан 128 таси ғолиб бўлди ва фахрли ўринларни эгалладилар². 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон ўкувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 555-сонли Президент фармони ўқишида аъло натижалар кўрсатган олий ўкув юртларининг талабалари учун давлат стипендияларини таъсис этиш масалаларини тартибга солди³. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўкувчи ёшларни мукофатлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 1993 йил 25 марта 157-сонли қарори чиқарилди⁴. Бунинг натижасида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларининг талабалари ва аспирантларини мукофотлашга, моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида” 1993 йил 8 майдаги 208-сонли қарорида Корақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ижодкор ёшларни уй-жой билан таъминлаш ва шароитларни яхшилашга эътибор қаратилди⁵. Бундай амалга оширилган чора тадбирлар ижодкор ёшларга янада кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон таълим тизимида тест синов усулининг 1993 йилдан кўлланилиши мазкур тизимдаги ўзига хос инкилоб бўлди дейиш мумкин. Таълим тизимида тест адолат мезони ўрнатилди. Вақт ўтгани сайин тест тизими такомиллашиб бормокда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасалари хақидаги норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 1995 йил 21-ноябрдаги 444-сонли қарори натижасида таълим тўғрисидаги идоравий норматив хужжатларни тавсиялар асосида тасдиқлаш вазифаларини белгилади⁶.

Ўзбекистон хукумати таълимга ислоҳотларнинг барча боскичлари учун устувор соҳа деб қараб, мактаб ва таълим масаласини давлат ҳамда жамият назоратида бўлиши конституцияда ҳам белгилаб берилди. Натижада таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти профессионал билимларни эгаллаш, имкониятларни кенгайтириш, янги замонавий технологияларда ишлашга қодир ёш мутахассис кадрларни

¹ ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 53-варак.

² ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 64-варак.

³ ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 65-варак.

⁴ ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 69-варак.

⁵ ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 70-варак.

⁶ ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 71-варак.

тайёрлашни йўлга кўйиш лозим эди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Ўзбекистонда 1997 йил амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан тиатроф этилган Таълим тўғрисидаги Конун¹ ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури² ёшларнинг хар томонлама камол топишида алоҳида Үрин үгаллади.

1997 йил “Таълим тўғрисида”ги конун қабул қилинди ва таълим-тарбия соҳаси янгича демократик мезонлар асосида ислоҳ этила бошилди. 1997–1998 ўкув иилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбо-лотин алифбосида олиб борилди. Таълим тўғрисидаги конун мактаблар, олий ва ўрта маҳсус таълим мусассасаларида таълимнинг барча соҳаларида ўқитиш сифатини кескин Ҳигартириди ва тубдан янгилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида эса қобилиятли ёш замонавий миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди³.

Таълим-тарбия борасидаги ислоҳотлар босқичлари қуидагicha:

– биринчи босқич - ўтиш даври, у 1997–2001 йилларни ўз ичига олии. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, үнинг ривожланиши учун хукукий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моулий шарт-шароитлар яратишга каратилди;

– иккинчи босқич - 2001–2005 йилларни ўз ичига олиб, унда асосий эътибор, Миллий дастурдаги вазифаларни кенг миқёсда амалга оширилишга йўналтирилди;

– учинчи босқич - 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида Ҳигарувчан ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш устувор максад хисобланади.

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор бўлиб, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

– таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

– таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

– умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

– ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик нишоида ёки касб-хунар коллежида ўқишни ташлашнинг ихтиёрийлиги;

– таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

¹ Таълим тўғрисидаги конун. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 67–80.

² Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 80–94.

³ УзР МДА. М-66-фонд, 1-рўйхат, 87-ийғма жилд, 107-варак.

- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш¹.

Ўзбекистонда таълим-тарбия тизими билан боғлиқ яратилган хукукий база кейинги йилларда ўз натижаларини кўрсатди. Ўзбекистон ёшлари ривожланган мамлакатлар ёшлари билан бир қаторда, дунёнинг иирик ўкув юртларида таҳсил олмокда. Мамлакат олий ўкув юртлари чет эл олий ўкув юртлари билан узвий ҳамкорликни йўлга кўйган, ўзаро тажриба ва талаба алмашиш изчил давом этмоқда. Ўзбекистон талабаларининг илмий ишлари чет эл мутахассислари томонидан ижобий баҳоланмокда. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда талабаларнинг чет элда олган билимлари ва малакаларига ҳам катта аҳамият берилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони билан 1997 йил 7 январда тузилган “Умид” жамгармаси ҳам бу борада ўтган йиллар мобайнида ўз олдига кўйган мақсад ва вазифаларни бажариб келди. Жумладан, 1997 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда жамгарма грантлари асосида жами 828 нафар талаба ёшлар чет мамлакатларнинг нуфузли олий ўкув юртларида бакалавриат ва магистратура бўйича турли йўналишларда таълим олдилар². Масалан, АҚШда-343 нафар, Буюк Британияда-329 нафар, Германияда-84 нафар, Францияда-33 нафар, Японияда-20 нафар, Канадада-11 нафар, Италияда-8 нафар талаба ёшлар таълим олиб қайтдилар.

“Умид” жамгармаси грантлари асосида ёшлар тараккий топган давлатларнинг илғор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётининг замонавий йўналишлари бўйича ўкиш, малака ошириш ҳамда мақсадли тажриба ортиришига, Ўзбекистоннинг баркарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чукурлаштиришига, илмий изланишлар олиб боришларига алоҳида эътибор берилди.

1997 йилда асос солинган “Устоз” жамгармаси орқали ҳам 2003 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ишлайдиган 935 нафар профессор-ўқитувчилар жамгарма гранти совриндорлари бўлиб, улардан 750 нафарини ёш ўқитувчилар ташкил

¹ Таълим тўғрисидаги конун. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 67–80.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамгармаси жорий архиви. 1997–2003 йил маълумотлари.

иши¹. Улар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Франция, Жанубий Корея, Россия, Голландия, Дания, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия каби давлатларнинг нуфузли олий ўкув ютлари ва илмий мирқағларида малака ошириб келдилар.

2003 йилнинг 1 июлида Президент Фармонига мувофиқ, “Умид” ия “Устоз” жамғармалари ўзаро бирлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог, илмий кадрларнинг миликасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси ташкил этилди².

“Истеъдод” жамғармаси томонидан дунёнинг Harvard, Cambridge, Sorbonne, Waseda, Maryland каби нуфузли таълим муассасалари ва АССЕЛС, IREX, EUROPA HOUSE, JICA, DAAD, CNOUS каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзаро манфаатли илмий таълимотлар, изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш илмий кадрлар истеъдодининг очилишига ва юксалишига кўмак бериб келинмоқда.

2003–2008 йилларда жами 837 нафар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари иқтидорли ёш педагог-ўқитувчилари Буюк Британия, Белгия, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Болгария, Дания, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларнинг нуфузли таълим муссасалари ва илмий марказларида малака ошириб қайтишди³.

2003 йилнинг 26 августидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси қошида Масофали ўқитиш маркази ташкил этилди. Масофали ўқитиш маркази фаолияти Ўзбекистон Республикасида фан ва маориф тизимини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш, жамият эҳтиёжларини қондириш, ахборот технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш учун шароит яратиш ҳамда малакали, етук ёш кадрлар тайёрлаш мақсадида амалга оширилади. Жумладан, Республикада фаолият кўрсатаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 633 нафар директорлари, 780 нафар захирадаги раҳбар кадрлари, “Таълим муассасаларини бошкаруви” мавзусида малака оширилар. Шу билан бирга, 2003–2009 йиллар оралиғида 1195 нафар ёш профессор-ўқитувчилар, мураббийлар малака оширилар⁴. Жамғарманинг масофали ўқитиш маркази базасида хар йили 700 дан ортиқ истеъдоли ёш ўқитувчиларни ўқитиш режалаштирилган, уларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви маълумотлари. 1997–2003 йил маълумотлари. <http://www.frc.uzsci.net>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272 сонли Фармони. 2003–2008 йил хисоботлари.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви. 2003–2010 йил хисоботлари. Пресс-релиз, Б. 1-4.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви. 2003–2010 йил хисоботлари. Пресс-релиз, – Б. З.

чет элга чиқмасдан гувохнома ва диплом берилиши мұлжалланған¹. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ёш кадрларни тарбиялаш ва улар онгидა замонавий билим-күнімаларни шакллантиришда мухим ақамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси таълим даражаси бўйича дунёning ривожланган мамлакатлари билан бир қаторда туради. Дунё миқёсида ўртача таълим индекси кўрсаткичи 0,77 га teng бўлган ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,99 ни ташкил этади². Таъкидлаш жоизки, 1991–2007 йилларда 7–15 ёшдаги болаларнинг 96,8 фоизи бошлангич мактабларда умумтаълим билан қамраб олинган. 2007 йилда 15–18 ёшдаги болаларнинг 33 фоизи умумтаълим мактабларига қатнаган ва 41,6 фоизи ўрта-маҳсус таълим муассасаларида таълим олган (2.1. илова)³.

Демак, ёш авлодга таълим бериш жараёнини самарали ташкил этишда, таълим мазмунини интеграциялашнинг зарур шарт-шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Таълим соҳасининг юксак даражада ривожланиши, таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш имконини ҳам берди. Ўзбекистонда рўй берәётган ўзгаришлар “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” йўналишидаги бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, мактабнинг асосий вазифаларини мазмунан янгилашиб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қиласди.

Мактабгача таълим Ўзбекистон таълим тизимида биринчи босқичдир. Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда “болалар боғчаси-мактаб” мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга 2005–2008 йилларда чет тилларни, хореографик, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гурӯҳ ташкил этилган. 2008 йилда 9467 та мактабгача тарбия ва таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 1,3 миллион кичкинтойлар тарбия олди⁴. Бу ўринда мактабгача таълим олишнинг ўзига хос ўрнини кўриш мумкин.

Мустакилликнинг ilk йилларидаёт И.А. Каримовнинг ташаббуси билан янги мактаблар қурилиши авж олдирилди. Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўкув юртлари тармоғи тобора ривожланиб борди. Агар 1991 йилда мамлакатда 799 та айрим фанлар чукур ўргатиладиган мактаб бўлган бўлса, 1995 йилга келиб бундай мактаблар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви. 2003–2008 йил ҳисоботлари. <http://www.istedod.uz/?page&submenu=8&pid=2?=>1>

² Субхонов Н. Келажак олдидаги масъулият: статистик тахлил ва маълумотлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 23.

³ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 93.

⁴ Jo rayev N., Fayzullayev T. Mustaqil O'zbekiston tarixi. O'zbekistonning yangi tarixi. 3-kitob. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2009 – B. 466.

сони 3120 тага етказилди¹. 1993 йил 1 январь ҳолатига республикада умумтаълим мактабларининг сони 8963 тага етди. Республика миқёсида 1994 йилда 79296 ўринли 209 та мактаб, 1995 йил 54732 ўринли 134 та мактаб, 1996 йил 63622 ўринли 198 та мактаб, 1997 йил 63911 ўринли 192 та мактаб, 1998 йилда ҳам 63911 ўринли 192 та мактаб², 2006 йилда 61 та янги мактаб курилди ва 385 та мактаб капитал реконструкция килинди, 530 та мактаб эса таъмирланди. 2007 йилда 336000 нафар ўкувчига мўлжалланган 558 та умумтаълим мактаби ишга туширилди, 2008 йилда 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция килинди³. Ўзбекистонда мавжуд 9792 та умумтаълим мактабларида 2007–2008 ўкув йилида ўкувчилар сони 5 миллион 394,1 минг нафарни (шундан 2654411 нафар – 49,2% кизлар) ташкил этди (2.2. илова)⁴. Бундан кўриш мумкинки, янги умумтаълим мактабларини бирор этилиши ёшлиарни замонавий таълим олишларига янада кенг имкониятлар яратди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Таълим тўғрисидаги Қонун ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида 2009 йилга келиб Ўзбекистондаги таълим муассасалари – мактаблар, лицей ва коллежларни замонавий моддий-техник, ўкув бальзасини шакллантириш, мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик, ахборот технологияларни жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2008 йилда замон талабларига жавоб берадиган академик лицей ва касб-хунар коллежларида 1.1 млн. ўкувчи таълим олиш имконига эга бўлди. 1999–2008 йиллар оралиғида ўрта маҳсус касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига яна бўлган 1 миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрлан-ди⁵.

1999–2000 ўкув йилидан бошлаб Республикадаги барча таълим муассасаларида ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинмоқда. Лйникса, ёш педагог кадрларни танлашда “Таълим тўғрисида”ги Қонунни “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига риоя қилинмоқда.

¹ Жураев Н., Файзулаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. З-китоб. Мустакил Ўзбекистон тарихи. – Гоникент: Шарқ, 2000. – Б. 420.

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация килиш йўлини изчил давом эттириш-тараккиётимизнинг мухим омилидир. Ўзбекистон Республикаси конституцияси кабул килинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутки. // Халқ сўзи, 2010, 7 маъбаръ.

³ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 94.

⁴ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ундиришларимизнинг бош максалидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 39–40.

Республика умумтаълим мактабларида 2007–2008 ўкув йили бошида 463,3 мингдан ортиқ ўқитувчи ишлади, уларнинг 73 фоизи олий маълумотли бўлиб, уларнинг 40 фоизини ёш кадрлар ташкил этди¹. Таълим ва тарбия инсонни маънавий ривожланишини белгилашидан ташкари, унинг хаётининг моддий асосини ҳам яратишда асосий ўринни ташкил этади.

Ҳар қандай таълим хаётда қўлланиши билан қимматлидир. Ҳаётда таълимни қўлланиш соҳаси бу касбdir. Касбий таълим биринчи касбни берувчи, бошланғич касбий таълим бўлиб, бу хакда Президент И.А. Каримов: “Янги ўзимизга хос миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, таянч умумтаълим босқичини тутгатган ўкувчига ўзининг ҳоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўрта маҳсус ўкув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришига имконият яратишидир,”² - деган эди.

Энг муҳими, қиска фурсатда янги моделдаги ўрта-маҳсус касбхунар таълими йўлга қўйилиб, унинг меъёрий хужжатлари, хукукий нормалари ишлаб чиқилди ва моддий техник базаси яратилди. 1998–2000 йиллар мобайнида 160 минг ўкувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 200 та касб-хунар коллежлари курилиб, фойдаланишга топширилди, ушбу мақсадлар учун давлат томонидан 135 млрд. сўм маблағ сарфланди³.

1999 йилда янги турдаги 120 та касб-хунар коллежларига 26841 нафар, 366 та хунар билим юртларига 108910 нафар ёшлар, 2001 йилда эса касб-хунар коллежларига 83700 нафар, хунар билим юртларига 76460 нафар ўкувчilar ўқишига қабул қилинди⁴.

2007 йилда ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимида 1195 та таълим муассасаси ташкил этилган бўлиб, уларнинг 120 таси академик лицей, 1075 таси касб-хунар коллежларидир. Бу ўкув муассасаларида 1 миллиондан ортиқ ўкувчи ёшлар таълим ва тарбия олдилар⁵. Тошкент шаҳрида эса 37 та академик лицей 80 та касб-хунар коллежлари фаолият юритди. Тошкент шаҳрининг ўзида биргина 2007–2008 ўкув йилининг ўзида 9-синфни тутгатиб, ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимида таҳсил олганлар сони 35770 тани ташкил килди⁶. Демак, касб-хунар

¹ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 94.

² Таълим-Бандлик-Каръера. Ёшлар форуми. – Тошкент, 2005. – Б. 22.

³ Ўзбекистон Республикаси ўрта-маҳсус касб-хунар таълими маркази жорий архиви. ЎзР ҮМКХТМ Бошқарув кенгашининг 2001 йил март ойида бўлиб ўтган йигилиши карорлари, З-варак.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ўрта маҳсус касб-хунар таълим маркази жорий архиви. Маълумотлар 1999, 2000, 2001 йиллардаги хисоботлардан олинди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ўрта-маҳсус касб-хунар таълими маркази жорий архиви. 2007 йил хисоботлари.

⁶ Тошкент шаҳар ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви. 2008 йил хисоботлари.

титлими натижасида ўсиб келаётган ёшлар таълим-тарбия олиш билан бирга маълум бир касб-хунарни хам ўрганмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида 1992 йилда 52 та олий ўкув юрти бўлиб, уларда 340 мингдан ортик талабалар таълим оғлан¹. 1997–1998 ўкув йилида 158200 нафар талаба, 2000–2001 ўкув йилида 183600 нафар талаба, 2004–2005 ўкув йилида 263600 нафар талаба, 2007–2008 ўкув йилида 296600 нафар талаба таълим олди². 2008–2009 ўкув йилига келиб Олий таълим тизимида 76 та олий ўкув юрти, шу жумладан, 19 та университет, 2 та академия, 38 та институт ва уларнинг 11 та филиаллари хамда чет эл олий ўкув юртларининг 6 та филиалларини ўз ичига олиб, уларда 285341 нафар талаба таълим олди (2.3. илова)³. Кейинги даврда олий маълумотли мутахассис ёш кадрларни тайёрлашда сонга эмас балки сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни олий таълим тизимида кенг амалга оширилаётган ислохотларда кўриш мумкин.

Демак, олий маълумотли ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасалари-университетлар, институтлар ва бошқа таълим муассасаларида кенг камровда олиб борилмоқда. Шу жумладан: Техника йўналишида 14 та, иктисод йўналишида 3 та, гуманитар йўналишида 15 та, педагогика йўналишида 6 та, тиббиёт йўналишида 6 та, аграр (кишлoқ xўjалиги) йўналишида 4 та, маҳсус (соҳалар бўйича) 13 та, шу билан бирга чет эл олий ўкув юртларининг В.Г. Плеханов номидаги иктисодиёт академиясининг филиали, Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети, Тошкент шаҳрида В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, И.М. Губкин номидаги Россия лавлат нефть ва газ университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети филиали мавжуд. Шулардан 33 та Олий таълим муассасаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасарруфида (ОЎМТВ), колганлари турли соҳалардаги вазирликлар тасарруфида⁴.

1998 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Қонунига мувофик, олий маълумотли мутахассисларни 2 босқич – бакалавриат ва магистратурада тайёрлаш йўлга кўйилди. Талаба-ларни олий ўкув юртларига кабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида амалга оширилмоқда. 2001 йилдан бошлаб ОТМсида ўқиш учун таълим кредитлари берила бошланди⁵.

¹ ЎзАА хабарлари. // Халқ сўзи, 1992, 28 март.

² Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2008 йил хисоботлари.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2009–2010 йил хисоботлари.

⁴ <http://www.edu.uz>

⁵ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2001 йил хисоботлари. – Б. 23.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 31 октябрь 2005 йил ПҚ-213-сон “Ўзбекистон Республикаси куролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹ ижросини таъминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 12 сентябрь 2006 йил 80-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 12 сентябрь 2006 йил 211-сон қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14 сентябрь 2006 йилда 1622-сон билан рўйхатга олинган “Камолот” ЁИХ томонидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори² қабул қилинди. Унга асосан олий ўкув юртида бакалавр йўналишида таълим олувчи юқоридаги имтиёзли талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартиби жорий этилди.

2005 йилдан биринчи босқичгаabitуриентларни қабул қилиш кўрсаткичи ўсаётганлиги кузатилмоқда ва ўртacha ҳар йили 1000 та қабул қилинган талабага 350-400 нафар хотин-қизлар тўғри келмоқда³. Олий таълим муассасаларида дарслар ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида, маҳсус мутахассисликлар бўйича эса қозоқ, тоҷик, туркман тилларида олиб борилмоқда.

2002-2003 ўкув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида “Умид” жамгармаси ва Лондон Вестминстер университети томонидан таъсис этилган Халқаро Вестминстер университети ўз ишини бошлади. Бу университетда ўқиш инглиз тилида олиб борилади. Халқаро ҳамкорлик натижасида 2002 йил 5 сентябрда В.Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ва В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкентдаги филиали 2006 йил 26-февралда Президент Фармони асосида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январда ПҚ-564сон қарорига кўра “И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети”⁴ ва “Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сон қарори⁵ асосида Тошкент шаҳрида филиаллари ташкил топди. Италияning Турин шаҳрида жойлашган Турин политехника университетининг филиали 2009 йил 27-apрелдаги Президент қарори асосида Тошкент

¹ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2005. – №43-44, 328-модда.

² Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2006. – №37-38, 384-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2005 йил хисоботлари.

⁴ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2007. – №3, 23-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008. – №22-23, 203-модда.

шахрида кенг фаолият олиб бормоқда. Бу ерда ҳам ўқиши инглиз тилида олиб борилади. Бундай амалга оширилаётган ҳамкорлик натижасида замонавий талабларга мос келадиган ёш билимли кадрлар шакллантириб борилмоқда.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари, шунингдек, бакалавриатнинг мавжуд 131 йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг 664 намунавий ўқув режалари тасдиқланди. Давлат таълим стандартлари асосида ҳар бир йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқув предметларининг дастурлари ишлаб чиқилган. 1999–2008 йилларда ОТМларни таъминлаш учун адабиётларни нашрдан чиқариш истиқбол режаси ишлаб чиқилди. 1998–2002 йилларда 2927 та дарслек на ўқув кўлланмалари нашр килинди. ОТМларда ўқув амалиётига электрон дарслекларни яратиш ва татбиқ қилиш жараёни бошланди. 2000–2002 йилларда 400 та электрон дарслеклар тайёрланди. 2005 йилда 700 та дарслеклар ва ўқув кўлланмалари, 40 та электрон дарслеклари нашр қилинди¹. Бунинг натижасида олий таълим учун янги, оригинал дарслек ва ўқув кўлланмаларини яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошида фаолият кўрсатаётган ёш олимлар кенгаси низомига биноан, 40 ёшгача ёш олим сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида фаолият кўрсатаётган ёш илмий ходимлар таркибида жами 739 нафар ёш илмий ходимлар бўлиб, улардан 228 нафари фан номзодлари, 12 нафар фан докторлари, 387 нафарини аспирантлар ташкил қилди².

ЎЗРФАнинг ёш олимлари ва аспирантлари кўпгина фундаментал, амалий ва инновацион режали тадқиқотларда, шунингдек, хўжалик шартномалари ишларида ҳамда халқаро фонdlар, ташкилотлар гранти асосидаги халқаро илмий лойиҳаларда қатнашмоқдалар. Иштирокчилар таркибининг 25 фоизини ёш олимлар ва аспирантлар ташкил этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Коракалпогистон бўлимида 245 нафар ходимнинг 45 нафари ёш олимлар ва аспирантлардан иборат³. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси муассасаларида ёш олимларнинг сони ошиб бормоқда. Бунга сабаб давлат томонидан ёш илмий ходимларга алоҳида ўтибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2005 йил хисоботлари. – Б. 23.

² Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий архиви. 2007–2008–2009 йиллар хисоботлари.

³ Айимбетов Н. Юксак довонларни кўзлаб. // Qoraqalpog`iston tongi. – Қоракалпогистон, 2008, 23 нау.

2008 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси аспирантурасига қабул 1,5 маротаба оширилди. 2008 йилда Республикада қарийб 4 минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олди. 2008 йилда ёш олимлар илмий ишларининг республика танлови уюштирилди, галиблар орасида ЎзР ФАнинг ёш илмий ходимлари кўпчиликни ташкил этди. ЎзР ФА ёш олимларининг 12 та энг яхши ишланмалари экспозициялари билан алоҳида бўлимни ташкил килдилар. Иссиклик физикаси бўлимида ёш тадқиқотчилар лабораторияси яратилди, уларнинг ўртача ёши 29 ёшни ташкил этади. Ушбу лаборатория тадқиқотларининг обьекти асосан ресурсларни асрарининг долзарб муаммолари, нанотехнологиялар тараққиёти ва янги материяни яратиш билан боғлиқдир. Шу лаборатория базасида микродунёдаги квант жараёнларга бағишлиган 2 та халқаро илмий конференция ўтказилди¹. ЎзР ФА ёш мутахассисларни илмий муассасалар-даги келгуси ишларга тайёрлашга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси 40 дан ортиқ йирик халқаро илмий форумлар, шу жумладан, ЮНЕСКОнинг қатор турли халқаро конференциялари ва кўргазмалари ташкилотчиси бўлди².

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ёш олимлари 2007–2009 йилларда фан ва техника соҳасидаги мисли кўрилмаган илмий тадқиқотлари учун Ўзбекистон Республикасининг 5 та Давлат мукофоти билан тақдирланди. 2007–2008–2009 йилларда ЎзР ФАнинг ёш олимлари эса TWAS Фанлар академияси (Триест, Италия)нинг 8 та мукофотига лойик деб топилди³. Бундан кўриш мумкинки, ёш олимларга эътибор ўз натижасини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда мактаб, лицей, коллеж ўкувчилари, ОТМ талабаларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама кондириш, шунингдек, миллий сегментдаги Интернет тармоғида ёшларнинг таълим ва илмий маълумотлар заҳирасини ривожлантириш мақсадида уларни виртуал маконда бирлаштирадиган “Ziyo.NET”⁴ тармоғи яратилди. “Ziyo.NET” тармоғининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- ёшларда ватан тарбиясини янада тақомиллаштиришга каратилган миллий ахборот заҳираларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- ўсиб келаётган авлодда Ўзбекистоннинг бой тарихи, миллий урф-одатлари ва халқнинг маънавий қадриятлари асосида Ватанга

¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий архиви. 2007–2008–2009 йиллар хисоботлари.

² http://academy.uz/index.php?mod=sub_narqav

³ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий архиви. 2007–2008–2009 йиллар хисоботлари.

⁴ [http:// www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)

бўлган мұхаббатни, юксак маънавий-маърифий хусусиятларни мустахкамлаш;

- фаол ҳаётий позицияга эга бўлган комил инсонни шакллантириш;

- Ўзбекистоннинг миллий қизиқишиларини эътиборга олган ҳолда фойдаланувчиларнинг кенг оммасига ёшларни маънавий ва интеллектуал ривожланишига ўз хиссасини кўшувчи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, таҳлилий, маънавий, маърифий, илмий ва бошқа ахборотларга киришини таъминлаш;

- ёшлар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ва спортнинг турли хил турларини оммалаштириш;

- Республика ёшлари ва ўқувчилари учун бошқа ахборот-коммуникацион хизматларнинг кенг жамланмасини, таълим тизимида масофавий ўқитиш услубларини киритишда кўмаклашиш.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан “Ziyo.NET” тармоғига уланиш, уни ахборот-таълим ресурслари билан бойитиш ва ривожлантириш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Барча Олий гаълим муассасаларнинг веб-сайтларини, электрон захираларини яратиш ва уларни жойлаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Демак, ёшлар – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг фаол қатлами бўлиб, таълим жараёнидан четда қолсалар “ишлов”га осон бериладилар ва улардан сиёсий максадларда фойдаланиш имконияти юзага келиши габий. Экстремистик ва турли диний секталар қурбонлари асосан маънавияти паст ёшлар экани барчага маълум. Таълим ва илмий изланишларнинг тараққий эттирилиши келажакда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (молия тизими, логистика, консалтинг)нинг ортиб бориши натижасида ўзини тўла оқлади. Чунки аҳолининг катта қисми ёнилар бўлгани, мамлакатда улкан меҳнат ресурслари мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг иш билан таъминланиши иқтисодиёт тараққиётига ижобий таъсир қиласи, акс ҳолда ишсизликдан келиб чиқадиган ижтимоий муаммолардан қочиб кутулиш амри маҳолдир.

Президент И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” иомли асарида “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”¹ - деб, демократик ўзгаришларни миллат ҳаётига самарали татбиқ этиш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бири эканлигини кўрсатиб берди. Шу сабабли таълимнинг сифатини оширишга интилиш, интеграциялашаётган минтақалар учун таълим дастурлари ва андозаларини бир хиллаштириш, “бутун умр мобайнида узлуксиз таълим” тизимини амалга ошириш муҳим омилга айланмоқда.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 62.

Хулоса қилинадиган бўлинса, мустақиллик йиларида Ўзбекистонда таълим-тарбияга давлат томонидан алоҳида эътибор каратилиб, узлуксиз таълимни йўлга кўйиш, соҳа ривожини таъминлайдиган ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан катор тадбирлар ишлаб чикилди. Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини ошириш, ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтираётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларида улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдигидир. Мамлакатда кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро-хуқукий базаси такомиллаштирилмоқда, кўшма таълим тузилмалари ривожлантирилиб кадрлар алмашиш кенг тус олмоқда. Хусусан сўнгги йилларда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстр университети, И.М. Губкин номидаги политехника университети, В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, В.Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Италиянинг Турин политехника институтининг Тошкентдаги филиалларини ташкил қилиниши, таълим давлатлар ўргасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини англатди.

Демак, таълим соҳасида миллий сиёsatнинг белгиланган вазифалари ва мақсадларига эришишнинг асосий воситаси 1997–2009 йилларда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва 2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Миллий дастурини амалга ошириш ишлари билан якунланди. Таълим тизимини модернизациялаш, демократлаштириш, компютерлаштириш тобора кучайиб бормоқда. Таълимни фундаменталлаштириш, маънавий масъул шахсни шакллантириш, билишни эмас, балки фикрлашни ўргатиш зарурлиги яққол кўзга ташланмоқда.

2.2. Ўзбекистон маданияти ва спортининг ривожланишида ёшларнинг хиссаси.

Ўзбекистон хаётида содир булаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёш авлоднинг тарбияси масаласига замонавий ёндошишни тақозо этмоқда. Айниқса, маданият ва спорт соҳасидаги ислоҳотлар узвийлиги, таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини ҳамда умуминсоний, миллий урф-одат ҳамда қадриятларга таянишни таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги муҳимдир. Маданият, санъат, спорт халқ ва давлатни тезлик билан дунёга танитадиган ўзига хос соҳадир. Бу ўринда Ўзбекистонда ҳам маданият, санъат ва спортга алоҳида эътибор берила

Бонниланди. 1992 йил 28 августда “Ўзбекистон ижодкор ёшларини диплат томонидан кўллаб-кувватлаш чора тадбир-лари тўғрисида”ги Президент Фармони¹ чиқди. Натижада минглаб иқтидорли ёшларни кўллаб-кувватлаш, уларни истеъдодини рўёбга чиқаришга алоҳида нитибор қаратилди. 1992 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фаолияти ва тузилишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорни ижросини ташминлаш мақсадида Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳокимлигининг “Вилоят маданият ишлари бошқармасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва фоа-лиятини яхшилаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 1993 йил 14-апрелда Республика Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги санъат, маданият олий ва ўрга маҳсус ўкув юртларининг талаба-ўкувчилари, ҳамда ўқитувчилари иштирокида “Истиклол жилолари” номли йиғма концертини намойиш этди². Бу концертда ёшлар фаоллик билан ўз иқтидорларини намойиш этдилар. 1995 йил декабр ойидан бошлаб мамлакатда “Ўзбекистон-Ватаним маним” мавзуидаги қўшиклар кўрик-танлови эълон қилингандан сўнг кўзлаб янги, мустакиллик даври қўшиклари яратилди. 1996 йил 27 шигустда “Ўзбекистон-Ватаним маним” қўшиқ байрами ҳакида маҳсус Фармон³ қабул қилинди. Бу кўрик-танлов ёшлар маданий-маънавий ҳаётида унитилмас воқеа бўлиб, улар томонидан зўр мамнуният ва кўтариинки руҳ билан кўллаб-кувватланди. Натижада Ўзбекистонда мусика ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси ва “Ўзбекрақс” бирлашмаси ташкил ўтилди.

1997 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳакида”ги ПФ-1701-сонли Фармони⁴ қабул қилинди ва республикада маданият, санъат соҳасидаги юксалиш янада юқори погоналарга кўтарилди.

1998 йил Ўзбекистонда биринчи марта симфоник мусика фестивали ўtkазилди ва дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан ижрочилар катнашди⁵. Шарқ ҳалклари миллий мусика ва қўшиқ санъатининг бетакор намуналарини кенг кўламда тарғиб қилиш, миллий мусикий анъанааларни саклаб қолиш ва ривожлантириш, ёш авлод онгига санъатга муҳаббат, гўзалликни куйлаш, асл инсоний қадриялар ҳиссини шакллантириш, шунингдек, ҳалклар ўртасидаги

¹ Хотамов F. XXI аср: истиқболимиз тимсоллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 188.

² Jo'rayev N., Fayzullayev T. Mustaqil O'zbekiston tarixi. O'zbekistonning yangi tarixi. 3-kitob. – Toshkent: G afur G'ulom, 2009 – В. 484.

³ ЎзР Президенти девони нашри. // Хабарнома. – Тошкент, 1996. – №3. – Б. 35.

⁴ <http://www.lex.uz>

⁵ ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 1-йигма жилд, 43-варак.

ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар кўламини дунё даражасида кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта даги 132-сонли карорига мувофиқ, “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивали таъсис этилди¹. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур фестивал ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Анъанавий “Шарқ тароналари” мусика фестивали беш китъя санъат вакилларини дикқатини ўзига тортиб келмоқда.

Мустақилик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада улкан обрӯ ва эътибор топмоқда. Бунда иқтидорли ёшларнинг хизмати салмоклидир. Истеъоддли ижодкор ёшларни қўллаб-кувватлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатига айлангани мухим ўринда турибди. Ўзбекистонда мусика, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида ҳам катта муваффакиятларга эришилгани тасодифий эмас². Миллий ракс ва хореография санъатини ривожлантиришга ҳам эътибор кучайди. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган.

“Шарқ тароналари”, “Симфоник мусика”, “Тошкент баҳори”, “Шарқ ва Ғарб” каби мусика ва театр фестиваллари, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ҳамда халқаро кўрик танловлар, турли чолгу ва ракс танловлари, мақом оқшомларида республика ёшлари юқори фаҳрли ўринларни эгаллаб келмокдалар. Жумладан, Зиёда Шарипова, Азиза Содикова, Алексей Султонов, Севил Алиева, Станислав Юденич, Ирена Гулзарова, Дилфуз Матбобоева, Гулнора Алимова, Фазлидин Хусанов, Сайёра Фофурова, Лола Расулова, Лола Астанова, Наргиза Алимова, Василя Умарова, Тимур Еникеев, Бекзод Абдуллаев, Малика Шарипова, Рустам Абдуллаев, Беҳзод Абдураимов, Станислав Умаров, Яйра Матёкубова, Комил Мусаев, Анастасия Юденич, Сухроб Кенжаев, Динара Шахиддинова, Азиза Содикова, Суннат Иброхимов, Нодир Хошимов, Атҳам Ҳамроев, Ойбек Исломов, Мадина Толипова, Нурхон Зиёхонова, Иномжон Мамажонов, Малика Қўзиева, Феруза Эркабоева, Артур Немчилов, Комилжон Бобоев, Нигора Мирсолихова, Лайло Бойкенова, Анифа Артикова, Зилола Сулаймонова, Акром Муродов каби иқтидорли ёш бастакорлар, созандалар, рассомлар ва тасвирий санъат намоёндалари турли халқаро танловларда ғолиб бўлдилар³. Бугунги кунда уларнинг истеъодди дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбияси ва спортини йўлга кўйиш, мувофиқлаштириш ва бу борадаги давлат сиёсатини амалга оширишга оид ташкилий-хуқуқий масалалар юзасидан дастлаб, 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг “Жис-

¹ ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 1-йигма жилд, 33-варак.

² ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 1-йигма жилд, 37-варак

³ Хотамов F. XXI аср: истикболимиз тимсоллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 155.

мений тарбия ва спорт тұғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинди ва бугунғы кунда қалам амалда құлланилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993 йил 18 марта “Ўзбекистон Республикаси футболининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”, 1996 йил 17 январда “Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг ташкилий асос-лари ва принципларини түбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” маҳсус қарор қабул қилинди. Мамлакатда “Соғлом авлод” давлат дастури ишлаб чықылды ва көнг күламда амалға оширила бошланди. Дастурга мувофик, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятни тиклашга катта эътибор берилди. Миллий спорт ўйинлари ва спорт турлари бўйича турли хил мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди. 1992 йилдан Гермиз ва Шахрисабз шахрида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва хунар-техника билим юрти ўқувчи-ларининг I Республика спарта-киадаси 1992 йил 9 мартадан 30 апрелгача ўтказилди. Республика бўйича ўтказилган спорт анжуманида 1,8 млн. нафар ўқувчи қатнашиб 500 нафарга яқини фахрли ўринларни эгаллади¹.

1992-2008 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё мусобақаларида муваффакиятли қатнашиб келмоқдалар. 1994 йили Ўзбекистон Республикаси спортчилари биринчи марта Япониянинг Хиросима шахрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффакиятга эришдилар. Улар 42 та медални, жумладан, 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалини кўлга киритдилар. Ўзбекистон футбол терма жамоаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлди².

1996 йил Ўзбекистон спорти тарихида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йўрикчиси Артур Григорян ўз вазни бўйича Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, мутлоқ чемпион “Олтин камарини” кўлга киритди ва 2002 йилгача 17 марта жаҳон чемпиони номини ўзида сақлаб турди. 2002 йилнинг ўзида Ўзбекистон спортчилари турли халқаро мусобақаларда қатнашиб 186 дан ортиқ олтин медални кўлга киритдилар³. Жумладан, теннис маликаси Ирода Тўлаганова, машхур боксчи жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, Олимпия чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ва бошқа ўнлаб спортчиларни таъкидлаш мумкин.

2004 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини

¹ ЎзР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд, 2- варак

² Jo'sraev N. O'zbekiston tarixi. Milliy istiqlol davri. – Toshkent: SHarq, 2006. – В. 187.

³ Jo'sraev N. O'zbekiston tarixi. Milliy istiqlol davri. – Toshkent: SHarq, 2006. – В. 188.

ташкил этиш тұғрисида”ги Фармони эълон килинди ва унга құра, Үзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги хамда Үзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт құмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Үзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил килинди¹.

Вазирлар Махкамасининг 2003 йил июндаги “Ұкувчи ва талаба-әшларни спортта жалб килишга қаратылған узлуксиз спорт мусобакалари тизимини ташкил этиш тұғрисида”ги Карорида умумтағым мектеблари, академик лицей ва касб-хунар колледжлари ұкувчилари хамда олий тағым мұассасалари талабаларининг “Умид ниҳоллари”, “Барқамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобакалари үзаро бөглиқ ҳолда ривожланиши Үзбекистон Республикаси Халқ тағымами, Олий ва ұрта мәхсус тағым, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий Олимпия құмитаси, Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилюятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, давлат құмиталари хамда жамоат ташкилотлари томонидан тағымланиши белгилаб қойылды². Шунингдек, Вазирлар Махкамасининг 2003 йилда қабул килинген “Болалар спортыни тарғиб килиш ва болалар учун спорт аңжомлари ишлаб чыкарыш турларини көнгайтириш бүйіча құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги хамда “Оммавий спорт тарғиботини янада күчтайдырыш чора-тадбирлари тұғрисида”ги карорлари қабул килинди³. Бундай ишларнинг көптегендегі амалга оширилиши ёшларнинг оммавий спортта жалб килишда мұхим ахамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортыни ривожлантириш жамғармасини тузиш тұғрисида”ги ва 2004 йил 29 август ПФ-3481-сонли “Ўзбекистон Болалар спортыни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тұғрисида”ги Фармони хамда Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ тағымами вазирлиги хузуридаги Болалар спортыни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тұғрисида” 2004 йил 29 августдагы 410-сон карори билан Үзбекистон Республикаси Халқ тағымами вазирлиги хузуридаги Болалар спортыни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди⁴.

Жамғарма ўз фаолиятини Үзбекистон Республикаси Конституциясыга, конунларга, Үзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамасининг карор-

¹ Үзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тұғрисида”ги 2004 йил 27 сентябрь Фармони. // Халқ сүзи, 2004, 30 сентябрь.

² Үзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2004–2008 йил хисоботлари.

³ http://bolalarsporti.uz/usb/jamgarma_haqida/

⁴ Үзбекистон Республикаси Халқ тағымами вазирлиги жорий архиви. 2004–2008 йил хисоботлари.

лари ва фармойишларига, шунингдек, низомга мувофиқ амалга оширади.

Оммавий спортни айникса болалар спортини ривожлантириш борасида. 2003 йил Ўзбекистонда 97 та спорт иншооти курилган бўлса, 2008 йили 186 та спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан 162 таси қишлоқ жойларида курилди. 2008 йилда куриб битказилган спорт иншоотининг 166 тасини мактаб спорт заллари ташкил этди¹. Республика бўйича спорт майдончалари сони 25873 та бўлиб, уларда минглаб ёшлар жисмонан чиникиб спорт билан шуғулланишмоқда². 1997 йилда Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳудудида 536 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 259,9 минг нафар бола фиолият олиб борган бўлса, 2000 йилда 530 та мактабда 261,2 минг нафар, 2005 йилда 525 та мактабда 283,1 минг нафар, 2007 йилда 528 та мактабда 305,8 минг нафар бола спорт тўгаракларида шуғулланди³. Ўнинг натижасида мамлакат ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланиши ва уларнинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида птибор қаратилмоқда.

2003 йилда болалар секция ва клубларда спортнинг 8 тури билан шуғулланган бўлса 2008 йилга келиб спортнинг 20 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, секцияларда, клубларда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда⁴.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича маданият ва спорт ишларини яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир катор чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 2006 йил Маданият ва спорт ишлари учун республика бюджетидан 32591,3 млн. сўм маблағ ажратилди⁵. Бундан кўриш мумкинки, ҳар йили маданият ва спорт ишларига давлат бюджетидан катта микдордаги маблағлар ёшлар камолоти учун ажратилмоқда.

¹ Лукмонов В. Соғлом келажагимизнинг муҳим омили. // Qashqadaryo. – Кашқадаре, 2009, 20 yanvar.

² ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. Коракалпогистон республикаси, вилоятлар, тошкент шахри ва барча гўман бўлимлари томонидан республика майқосида ва вилоятлар кесимида тўплланган ёшлар тўгрисидаги статистик маълумотлар 2008 йил. – Б. 3.

³ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 109.

⁴ Лукмонов В. Соғлом келажагимизнинг муҳим омили. // Qashqadaryo. – Кашқадаре, 2009, 20 yanvar.

⁵ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисботи. Манбаатлар – Б. 1–10.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2006 йил хисботлари.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йил 6 июндаги “Ўзбекистон ёшлари-наркоманияга карши” шиори остида, гиёхвандликка қарши кураш ойлиги тадбирларида Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри худудларида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоятлар туманлари ва қишлоқларида ёшлар ўртасида “Биз гиёхвандликка каршимиз” шиори остида ижобий ишлар амалга оширилди¹.

Ўзбекистон учун 2008 йил турли спорт анжуманларига ва ғалабаларга бой йил бўлди. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада йўйинларида фаол қатнашган спортчилар 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритди. 2008 йилда ўтган халқаро мусобақаларда муваффакиятли иштирок этган 423 нафар ёш спортчилар 17 та олтин, 15 та кумуш, 15 та бронза медални қўлга киритди². Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёшлар орасида мамлакатнинг барча худудлари бўйича футбол, мини футбол, тенис, стол тениси, сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, шахмат, бадиий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, юонон-рум кураши, бокс, карате, дзюдо, акробатика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмокда. Жумладан, Тошкент шахри ва вилояти, Андижон, Наманган, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Самарқанд вилояти ёшлари спортнинг барча турлари бўйича кенг шуғулланиб, юкори натижаларга эришмокдалар. Коракалпогистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида спортнинг миллий турларига қизиқиш янада ривожланган³. Кейинги даврда спортнинг нафис тури бўлган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. 2008 йилда Коракалпогистон Республикаси бўйича 259 мингдан зиёд ёшлар спортга жалб этилган бўлиб, уларнинг 129 мингдан ортиғи спорт билан мунтазам шуғулланади. Ёшларни баркамол килиб тарбиялаб вояга етказиша 754 та турли спорт жамоалари самарали фаолият кўрсатмоқда⁴.

Ўзбекистонда 1991 йилдан 2008 йилгача ўзбек спорти юлдузлари дунё бўйича ўtkazilgan мусобақаларда Олимпия йўйинлари, Осиё йўйинларида фахрли ўринларни эгаллаб мутлок голиб бўлиб келмокдалар (2.5. илова)⁵. “Ёшлар йили” Давлат дастурига мувофиқ ўtkazilgan “Соғлом оила” спорт мусобақаларида минглаб ёш оиласлар фаол

¹ Узбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2008 йил хисоботлари.

² Узбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2008 йил хисоботлари.

³ Лукмонов В. Соғлом келажагимизнинг муҳим омили. // Qashqadaryo. – Қашқадарё, 2009, 20 yanvar.

⁴ Ортиқбоев А. Тараккиёт йўлида. // Amu tongi. – Коракалпогистон, 2010, 4 mart.

⁵ <http://madaniyat.sport.uz/uzb/stars.htm> ; http://www.press-service.uz/letopis_nezavisimosti/#ru/content/letopis_nezavisimosti/1991-1999/1997/page/4/ ru/content/

иширик этди¹. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ғомонидан 2008 йилда ўтказилган спорт тадбирларида қарийб бир миллион нафарга яқин ўғил-киз қатнашди². Бундан кўриш мумкинки, Ўзбекистон спорти дунё хамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Зулфия номида-ги Давлат мукофотини таъсис этишга доир таклифларни кўллаб-кувватлаш тўғрисида” 1999 йил 10 июнда ПФ-2326-сонли Фармон чиқарди. Бунинг натижасида ёш иқтидорли кизларга фан, гильим, адабиёт, маданият ва санъат йўналишларида давлат мукофоти берилди. 2000 йилдан 2008 йилгача 126 та ёш иқтидорли кизлардан фан йўналишида 20 нафар, таълим йўналишида 32 нафар, адабиёт йўналишида 28 нафар, санъат йўналишида 24 нафар, маданият йўналишида 22 нафари “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди (2.6. ишова)³. Мазкур кўрик-танлов ёш кизларнинг маънавий жихатдан етук ва ватанпарвар бўлиб тарбияланишларига асос бўлиб, уларнинг иқтидорини намоён этишларида мухим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, санъат соҳасидаги қобилиятли ёшларга тақдим этиладиган Республика “Ниҳол” мукофоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги 334 сонли Қарорига исосан таъсис этилган. Тантанали тақдимот маросими ҳар йили мусиқали концерт кўринишида ўтказилади. Ёш истеъодларни кашф этишда Президент ташаббуси билан таъсис этилган “Ниҳол” мукофотининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Жумладан, 2000 йилда санъаткорлардан Анна Гузирова, Иззатилла Иброхимов, Абдулазиз Каримов, Дилшод Назаров, Тохир Содиков, Дилфуз Рахимова, Севара Назархонова, Нилуфар Раҳматова, Феруза Мирзайдинова, Комила Хўжаева, Лайло Галиева, Гулишода Абдиева кабилар “Ниҳол” мукофоти совриндори бўлган бўлса⁴, 2008 йилда Гулмирахон Абдулаҳатова, Илёс Арабов, Шавкат Эргашев, Азамат Мухаммаджонов, Бехзод Абдураимов, Бунёд Саидов, Саида Саидбекова, Сироғиддин Файзиев, Муҳаббат Мехмонова, Рано Авазова, Сагдулла Бадалов, Ойбек Алимов, Нигора Исмоилова, Дилноза Шерматова, Рашид Ходжасов, Зиёда Кобилова каби санъат намоёндалари танловда галиб бўлди⁵.

Бугун уларнинг сафи анча кенгайиб ҳар йили кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри босқичлари

¹ Йукмонов В. Соғлом келажагимизнинг мухим омили. // Qashqadaryo. – Қашқадарё, 2009, 20 январ.

² Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жорий архиви. 2008 йил хисоботлари.

³ Ўзбекистон Республикаси Хотин-кизлар кўмитаси жорий архиви маълумотлари. 2000–2008 йил хисоботлари.

⁴ Хотамов F. XXI аср: истиқболимиз тимсоллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 142–149.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2008 йил хисоботлари.

юкори савияда, байрамона рухда, катъий бадиий талаб ва мезонлар асосида ўтказилаётгани, унда иштирок этиш истагидаги ёшларнинг кўплиги “Нихол” мукофотининг нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради. Жумладан, 2008 йилги туман, шахар, вилоятлар ва Қоракал-погистон Республикасидаги саралаш босқичларида ўн минг нафарга якин ёш йигит-қиз иштирок этгани бунинг далилидир¹.

Демак, мустакиллик йилларида Ўзбекистонда ўтказилаётган маданият ва санъат соҳасидаги кўрик-танловлар минглаб ёш истеъодд эгаларини кашф этмоқда. “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” давлат дастурлари ижроси доирасида Ўзбекистон ва халқаро микёсда мухим аҳамият касб этган танловлар, фестиваллар, форумлар ҳамда анжуманлар ташкил этилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда иктидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистонда маданият, санъат, илм-фан ва спортни тарғиб этишда 2004 йил март ойида ташкил килинган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси алоҳида ўринда туради. Жамғарма ўз олдига илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдек эзгу максадни кўйган нодавлат ташкилоти бўлиб, ўтган йиллар давомида мамлакат маданий ҳаётида ўзига хос воеа бўлган бир катор йирик лойиха ва дастурларни амалга оширди. Ёшларни қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор қаратган жамғарма жуда тез муддатда тилга тушди. Жамғарма турли кўргазмалар, театр ва кино фестиваллари, халқаро анжуманлар ташкил этиш орқали Ўзбекистон маданияти ва санъатини халқаро майдонда эътироф этилишига муносиб хисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда фонднинг асосий довруги қуйидаги йўналишлардаги лойихаларда ўз аксини топмоқда:

- таълим (таълим грантлари ва стипендиялари дастури, танловлар ва болалар учун фестиваллар ўтказишдан иборат, ижод ва ёшларнинг таҳсили);
- илм-фандада (илмий мақолаларга грантлар ажратиш, илмий-тадқикот фаолияти йўлида грантлар ажратиш);
- спортда (спорт марказларини очиш, муваффакиятга эришаётган ёш спортчиларга грантлар ажратиш);
- иктисодиёт ва халқаро ҳамкорлик (иктисодий ва сиёсий йўналишларда ташкил этилган анжуманлар ва давра сухбатларида иштироки)².

¹<http://www.mashhur.uz/festivallar-va-tanlovlar/721-ozbekiston-respublikasi-prezidentining-yosh-istedodlar-uchun-Iniholr-mukofoti>

² “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси жорий архиви маълумотлари. <http://www.gulnarakarimova.uz/uz/pages/tashkilotlar-uzbekiston-madaniyati-va-sanati-jamgartmasi/>

Жамгарма мамлакатлар ва турли миллий бирлашмалар билан ижтиёмоний-гуманитар ва умуминсоний алоқаларни йўлга қўйини мақсадида дипломатик ва жамоат тузилмалари кучларини бирлаштиришга алоҳида ётибор қаратади.

Жамгарма томонидан ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди. Масални, “Янги авлод” болалар ижоди фестивали, “Навқирон Ўзбекистон” анъанавий ва замонавий санъат фестивали тез фурсатда кенг иммоатчилик эътибиорига тушди. Бутун мамлакат миқёсида ташкил ишлаб ўтган “Келажак овози” мегатанлови эса Ўзбекистоннинг минглаб ёшлиарини бирлаштирумокда. Маданият ва санъатнинг турли йўналишларида ёш иктидор эгаларини кашф этмоқда. Жамгарма концертлар, фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш баробарида Россия, Япония, Іельгия, Люксембург каби давлатларда ўндан ортиқ халқаро лойиҳаларни амалга ошириди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” ўз фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда жамгарма томонидан 2004 йилдан Тошкент шаҳри ва вилоятларда Болалар ижодиётлари марказлари тизими ташкил этилди. Ҳозирги кунда Тошкентда иккита ва Самарқандда битта марказ тўлақонли фаолият юритмоқда. Уларда 2000 нафардан ортиқ болалар компьютер сабоклари, актёрлик маҳорати, чизмачилик, каштачилик, ашула, рақс, шахмат сингари турли йўналишлар бўйича таълим олади¹.

Иктидорли болаларни излаб топиш, болаларнинг ўзига хос кобилияти ва истеъоддларини намоён килишларига имконият яратиш, болаларнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, ўсиб келаётган ёп авлодни санъатга бўлган меҳрини ошириш, миллий санъат анъаналари ва йўналишларини сақлаб қолиш, санъатнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш ҳамда юқори савияга кўтариш мақсадида 2004 йилдан Фонд Форум бошчилигига ҳар йили “Янги Авлод” Болалар ижодиёти фестивали ўтказиб келинмоқда². Фестиваль ёш истеъоддигалари салоҳиятини кашф этади ва уларга ўзларини катта саҳнада синаб кўриш имкониятини беради. Фестиваль иштирокчилари 6 дан 14 ёшгача бўлиб, улар мумтоз ва миллий чолғулар, вокал, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият, адабиёт ва театр сценарийси йўналишлари бўйича ўзаро беллашадилар. Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамгармаси, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2008 йилнинг 20 октябрь – 10 ноябрь кунлари Республика “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичлари, 11–18 ноябрь кунлари Республика босқичи ўтказилди.

¹ “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамгармаси жорий архиви маълумотлари. <http://www.gulnarakarimova.uz/uz/pages/tashkilotlar-bolalar-ijodiyoti-markazlari/>

² <http://www.gulnarakarimova.uz/uz/pages/loyihalar-yangi-avlod-bolalar-ijodiyoti-festivali/>

Фестивалда 6 ёшдан – 14 ёшгача бўлган болалар иштирок этиш учун ариза топширган эдилар, шулардан туман босқичларида сараланиб, 7000 нафардан ортиги вилоят саралаш босқичига йўлланмани кўлга киритди. Республика босқичига жойлардан 552 нафар болалар сараланган бўлиб, шуларнинг 102 нафари фестиваль ғолиблари бўлишиди¹.

Анъянавий тарзда 2005 йилдан бери ҳар йили ўтказиб келинаётган “Келажак овози” Республика кўрик-танловида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар (ўрта таълим мактабларининг юкори синф ўкувчилари, лицей, коллеж, олий ўкув юртлари талабалари ва ёш мутахассислар) иштирок этишлари мумкин. “Келажак овози” Республика кўрик-танлови йўналишлари куйидагилар:

- Архитектура ва дизайн (архитектура, либослар дизайнни, интеръер ва ландшафт дизайнни);
- Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник лойихалар (веб-loyihchalarni, daasturlaash, teknik ishlab chikiш ва racionaliзatorlik takliiflari);
- Анъянавий санъат (амалий санъат, фольклор, ракс);
- Адабиёт ва журналистика (шеърият, наср, публицистика).

Танловда 2005 йилда 3 мингга яқин, 2006 йилда 10 мингга яқин, 2007 йилда 32 мингга яқин, 2008 йилда 54 мингга яқин ёшлар иштирок этди². Жумладан, 2005 йилдан бўён мамлакат миқёсида ўтказиб келинаётган “Келажак овози” кўрик-танловида кўпгина ёшлар ғолибликни кўлга киритиб, ўз иктидорларини намойиш этиб келмоқда³. 2006–2007–2008 йилларда “Келажак овози” кўрик-танловида катнашган бир неча минг ёш йигит-кизлар ҳам ўз иктидоларини намоён этиб ғолиб бўлдилар⁴.

“Келажак овози” танлови доирасида таникли ижод намояндаларининг маҳсус маданий-маърифий тадбирларини ўтказиши юзасидан Ҳаракатнинг Намangan, Xorazm, Samarqand, Qashqadарё, Sirdарё, Жizzax вилоятлари бўлим Кенгашлари томонидан “Тарих миллат маънавиятининг асоси”, “Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан” кўрик-танлови, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда жойларда маданий-маърифий чиқишлир бўлиб ўтди. Ушбу адабий кечаларда 6500 га яқин ўкувчи-ёшлар фаол қатнашиди. “Биз – Ўзбекистон ёшларимиз”, 3 йўналиш бўйича “Биз бир жамоамиз” шиорлари остида бадиий кўргазмалар ташкил қилинди. “Фарзандларимиз,

¹ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 55.

² “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси жорий архиви маълумотлари. <http://www.kelajakovozi.uz>

³ Ахмедов X. Кўрик-танловга тайёргарлик. // Qoraqalpog`iston tongi. – Коракалпогистон, 2008, 5 aprel.

⁴ Mamajonov E. “Kelajak ovozi”ning ovozasi. // Kamolot. – Namangan, 2008, 1–15 aprel.

«Шипаримиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, бугунги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир», “Шу азиз Ватан барчамизники” мавзуларида ёшлар форуми ўтказилди. Форумда 2000 нафар ёшлар иштирок этди¹. “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази Фарғона вилоят вакиллик бўлими 300 нафардан ошик фаол ёшларни бирлаштирган. Еттига йўналиш бўйича анжуманлар, семинар-тренинглар, ижтимоий акциялар ўтказилди. Акция доирасида “Бўш иш ўринлари” ярмакасида 750 нафар ёшлар ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, муассасаларга ишлаш учун йўлланма олди².

Жамғарма томонидан ижтимоий йўналтирилган лойиҳалар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2005 йилдан буён жамгарманинг таълим грантлари дастури амалга ошириб келинади³. 2006 йилдан жамғарма таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлар дастури ҳам қўшилди. Жамғарма маълумотларига кўра, 2006 йилда Таълим грантлари дастури доирасида мамлакат миқёсида 44 нафар талабага ўртача 500 минг сўмдан ҳажмда грант берилди. Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури бўйича эса 100 нафар ғолиб 2006–2007 ўкув йили давомида ҳар ойга 35 минг сўмдан стипендия оладиган бўлди. Умуман олганда, ўтган йиллар давомида жамғарма томонидан амалга оширилган турли лойиҳалар доирасида 256 та грант ажратилди, бу максадда 88 миллион сўм сарфланди⁴. Жумладан, бир неча талаба ёшлар “Таълим грантлари дастури” ғолиби бўлдилар яъни, Шералиева Мухаббат Фарғона Давлат университети талабаси, Шерматов Шерзод Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси, Азиз Шоҳакимов Успенский номидаги лирижерлик мактаби битирувчisi, Волков Данила Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси кабилар ўз иқтидорлари билан юкори чўққиларга эришди⁵. Демак, жамғарма томонидан амалга оширилган турли хил лойиҳалар доирасида иқтидорли ёшлар грантларга эга бўлмоқдалар.

Хаммаси бўлиб, 2005 йилдан 2008 йилгача 496 нафар талаба таълим грантлари лойиҳасининг ғолибларига айланди, уларнинг 243 нафари эса бепул таълим олиш грантига эга бўлди. Дастур эълон қилинганидан бери эса унда 7500 нафардан ортиқ абитуриент иштирок этган. Умумий ҳисобда 720 млн. сўмлик грантлар ёшларга топширилди⁶.

¹ “Ўзбекистон маданийти ва санъати форуми” жамғармаси жорий архиви маълумотлари. <http://www.kelajakovozi.uz>

² Шералиева М. Сенинг ташаббусларинг Ёшлик. // Фарғона ҳакиқати. – Фарғона, 2010, 5 июнь.

³ <http://www.fundforum.uz>

⁴ Маматраимова Ҳ. Буюк келажак бунёдкорлари. – Тошкент, 2008. – Б. 42.

⁵ “Ўзбекистон маданийти ва санъати форуми” жамғармаси жорий архиви. 2007 йил маълумотлари.

⁶ <http://www.gulnarakarimova.uz/uz/pages/grantlar-iqtidorli-talabalar-uchun-stipendiyalar-dasturi/>

Жамғарманинг “Спорт грантлари лойихаси”га 2006 йилнинг март ойида асос солинди ва ҳар йили ундан умидли ёш спортчиларга грантлар ажратилади. Айниқса, республика ва ҳалқаро даражада эндиғина ўз унвонларини кўлга кирита бошлаган ёш спортчиларга алоҳида эътибор қаратилади. 2006 йилнинг март ойидан буён 192 нафар ёш спортчилар спортнинг турили йўналишлари бўйича грантларни кўлга киритишиди. Умумий хисобда 58 млн. сўмлик грантлар топширилди. 2007 йилнинг март ойида лойиҳа доирасида Тошкент шахрида “Чемпионлар форуми” спорт мажмуаси очилди¹. “Спорт грантлари лойиҳаси”нинг энғ ёш ғолиби(18 ёш) Бобур Шокиржонов енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони бўлиб, 2008 йили Пекинда ўтказилган олимпиадада энг ёш иштирокчи сифатида катнашди².

2008 йил март ойида ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий урф-одат, анъяналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш ҳамда болаларнинг баҳорий таътилларини мазмунли ташкил қилиш максадида “Корхона, ташкилот ва маҳаллалардаги ёшлар билан ишлаш бўлими” билан биргаликда “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” лойиҳаси ўтказилди. Шу билан бирга Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Кашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Хоразм вилоятларидағи шаҳар ва туманларда “Ҳар бир ёшга бир ниҳол” акциялари, “Варраклар сайли”, “Урф-одат ва ёшлар”, “Миллий ўйинлар” фестиваллари, миллий дастурхонлар, миллий либослар намойиши, фольклор қўшиқлар, “Наврӯз сайиллари” танловлари ташкил этилиб, жами 1214 та тадбир ўтказилди ҳамда 82000 нафардан ортиқ болалар “Камалак” ташкилоти фаоллари тадбирларга кенг жалб этилди³.

2007 йилда Парижда ЮНЕСКО ва “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди⁴. Бу эса, жамғарма мамлакат маданият ва санъатини ривожлантириш, ёш иқтидорларни кашф қилиш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларнинг ҳалқаро миқёсдаги эътирофидир.

2008 йилга келиб “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Москва, Пекин, Токио, Париж, Вена ва Женева каби шаҳарларда ўз ваколатхоналарига эга бўлди. Буюк Британия, Испания, Бельгия, Болгария, Миср, Люксембург ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро маданий алоқалар ўрнатилди. Маданият, санъат ва илм-фан соҳасида дунё миқёсидаги етакчи ташкилотлардан бири ЮНЕСКО “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан яқин ҳамкорликка киришди.

¹ Мусаев Ж. Ёш истеъодларни қувватлаб. // Наманган ҳакиқати. – Наманган, 2008, 13 февраль.

² <http://www.gulnarakarimova.uz/uz/pages/grantlar-sport-grantlari/>

³ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 54.

⁴ [http:// www.fundforum.uz](http://www.fundforum.uz)

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар шигардасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Хоразм, Андижон, Тошкент вилоятларида туманларда болалар мусикани санъат мактабларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 1997 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳуудудида жами 298 та болалар санъат, мусика ва бадиий мактаблари бўлиб, уларда 76 минг нафар бола фаолият олиб борган бўлса, 2000 йилда 311 та мактабда 70,3 минг нафар, 2005 йилда 306 та мактабда 39,6 минг нафар, 2007 йилда 303 та мактабда 39 минг нафар бола фаолият олиб борди¹. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича маданият ва санъатга бўлган муносабат киёсий таҳлил қилинганда ёшлар ўртасида исосан миллий маданият ва санъат, ҳалқ ижодини ўрганишга бўлган кизиқиши ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Масалан, Фарғона водий-сининг ўзига ҳос санъати бўлса, Қашқадарё ва Сурхон воҳасининг, Хоразм, Самарқанд, Қорақалпоғистон, Тошкент вилояти ва шаҳрининг ҳам ўзига ҳос ракс, қўшиқчилик, мусика санъати бор.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Бадиий академия, “Соғлом авлод учун”, “Sen yolg‘iz emmassan” болалар жамғармаси, “Камолот” ЁИХ ҳамкорликда истеъододли болаларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида, улар ўртасида 2008 йилда “Мафтункор ранглар дунёси” Республика болалар бадиий қўриктанловини Тошкент шаҳрида ўтказди. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари муваффакиятли якунланди. Танлов якунига кўра 12 ёшгача бўлган катнашчилар орасида 1-ўрин Темур Қидирбоев (Қорақалпоғистон), 2-ўрин Ойбек Рокиров (Навоий), 3-ўрин Николай Хван (Тошкент вилояти) галиб бўлди. 12 ёшдан катталар ўртасида 1-ўрин Фарруҳ Жўраев (Тошкент вилояти), 2-ўрин Ёдгора Максудова (Андижон) 3-ўрин Матлуба Эркабоева (Жиззах) сазовор бўлди. “Энг матонатли иштирокчи” номинацияси Музаффар Кўчкоровга (Қашқадарё) берилди².

Иктидорли ёшларни излаб топиш, истеъододларини намоён килишларига имконият яратиш, уларни қўллаб-куватлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни санъатга бўлган меҳрини ошириш, миллий санъат анъаналари ва йўналишларини сақлаб қолиш, санъатнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш ва юкори савияга кўтариш мақсадида Республика Байналминал маданият маркази қошидаги Миллый

¹ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 109.

² Усмонова Н. Истеъододларнинг ижодий танлови. // Тошкент ҳакиқати. – Тошкент, 2008, 9 август.

маданият марказларида фаолият кўрсатаётган тўгараклар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, маданият, санъат ва спорт мамлакат ёшларини эзгу мақсадлар атрофида жипслаштириш асосида жамият тарақкиётига катта таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўсини юксалтиришда маданият, санъат ҳамда спортнинг аҳамияти бекиёс. Зеро, илғор маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни юкори босқичга кўтармай янги жамиятни, янгиче ижтимоий-тариҳий муносабатларни ва дунёкарашни шакллантириш мушкул. Шу боис Президент И.А. Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби маданият, санъат ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Маънавий қадриятларнинг қайта кўз очиши, урф-одатларни, тарихий, илмий, маданий меросни тиклаш айникса, ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат килмоқда. Бу борада муҳим фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил тадбиқ этилаётгани давлат томонидан маданият, санъат, спорт ривожига қаратилаётган улкан ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Ҳеч нарса мамлакатни маданият, санъат, спортчалик дунёга машҳур ва таникли кила олмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон буюк келажак сари дадил олға бораётган хозирги даврда, маданият, санъат ва спорт соҳасида ёшларнинг эришаётган ютуқлари ва қўшаётган хиссалари алоҳида таҳсинга сазовордир.

2.3. Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолияти

Тадбиркорлик – мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч хисобланади. Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ҳукumat даражасига кўтарилиган масалалардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларининг биринчи босқичида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тез ривожланди. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри худудларида кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик асосан якка тартиbdаги ва оиласвий корхоналар, масъулияти чекланган жамият ҳамда ширкатлар шаклида ташкил этилди. 1991–1995 йилларда уларнинг сони ўртача 140 фоизга ўси².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг “Бозор испохотлари талабларини хисобга олган ҳолда қишлоқ ёшларнинг касбий

¹ <http://www.icc.uz/usb/mmm/>

² Кодиров А. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2001. – №3. – Б. 58.

таглиманини қайта йўналтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 1995 йил 29 июлда 296-сонли карори чиқарилди¹. Бунинг натижасида қишикпокда хусусий секторни ривожлантириш ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, зарур касблар ва мутахассис-никларни эгаллашга ҳамда уларни моддий рағбатлантиришга эътибор каратилди.

Дастлабки босқичда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг тез ривожланиб боришига қуидаги омиллар таъсир этди:

- Кичик хусусий бизнеснинг корхона ва субъектларнинг эркин фаолият олиб боришга ўтиши;
- Кичик хусусийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши, корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, нодавлат кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ташкил бўлиши;
- Уларнинг ривожланиши учун учун эркин иқтисодий муҳитнинг мавжуд бўлганлиги, оиласвий корхоналарнинг кўпайишига олиб келди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи бўлган 1996–1999 йилларда эса кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши республикада бир мунча сусайди. 1996–1999 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аён бўлди. Жумладан, худудлар бўйича таҳлил килганда Тошкент шаҳри ва вилояти, Фаргона водийси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухорода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилди. Бироқ, Қарақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади. 2001 йил 1 январига келиб 159719 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан 125719 таси фаолият кўрсатди. Колган 29 мингтаси фаолият кўрсатмади².

Умуман олганда, ушбу маълумотлар кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишида кўплаб муаммолар тўпланиб колганлиги-дан далолат беради. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни қўллаб-куvvатлаши лозим бўлган ташкилот, ҳокимият органдари раҳбарларининг улар фаолиятига асоссиз равишда аралашиб, турли тўсикларни вужудга келтираётган-ликларини кўрсатиб берди³. Бу тўсиклар қуидагилардан иборат эди:

¹ ЎЗР МДА. М-26-фонд, 1-рўйхат, 25-йигма жилд, 71-варак.

² Кодиров А. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2001. – №3. – Й. 58.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 22.

- Тадбиркор, ишбилармонларни давлат рўйхатидан ўтказишида шаҳарава туман ҳокимият органларида сансалорликка йўл қўйилиб, хатт кўшимча хужжатлар талаб қилиниши;
- Турли давлат ва назорат қилувчи органлар тадбиркор ишбилар монлар фаолиятига ноўрин аралашувларини кўплиги;
- Тадбиркорлар хўжалик шартномалари тузиш масалалари расмиятчилик ва кўзбўямачилик холларига дуч келганликлари;
- Жойларда тадбиркорлардан турли тадбирлар ўтказиш учун маблаглар талаб қилиш йўли билан уларнинг ривожланишига тўсқинлик килиш холларининг мавжудлиги;
- Тадбиркорларга кўмаклашувчи органлар, ташкилотлар ва уюшмалар етарли даражада уларнинг манфаатларини химоя қилмаганликлари.

Ушбу тўпланган муаммоларни ҳал қилиш учун иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлар эркинлигини ошириш, улар фаолиятига давлат ва назорат органларининг ноўрин аралашувини чеклаш лозим эди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи боскичи 2000 йилдан бошлиди. Бу даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти фаоллаша бошлади. Бунинг натижасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар ва хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида қонунлар, карорлар чиқарилди. Чунончи, “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони, 2000 йил 25 май “Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисида”ги Қонун¹, “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқукий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Фармони, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқукбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, 2011 йилни Президент И.А. Каримов томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва Давлат Дастурини кабул қилиниши ёшлар орасида тадбиркорликни ривожланишида аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларга кенг йўл очиб берди².

¹ Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисидаги Қонун. 2000 йил 25 май. <http://lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февраль карори. // Халқ сўзи, 2011, 10 февраль.

Ушбу меъёрий хужжатлар мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенг авж олиб ривожланишини ҳамда иқтисодий тараккиётнинг янги босқичга қўтарилишини англатади.

1996 йил 12 марта тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-куватлаш мақсадида “Ўзбекистонда товар ишлаб чиқарувчиларни тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида”ти Президент Фармони эълон килинди¹. Бунинг натижасида мамлакатда тадбиркорлар манфаатини химоя килишда, ёрдам қўрсатиш вазифаларини ўз зиммасига оловчи товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ишлотларда худудий бўлимлари ташкил этилди. Кичик бизнесни қўллаб-куватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, тадбиркорлар ва бизнесменларга маслаҳатлар билан қўмаклашиш мақсадида илмий-техникавий қўмаклашув жамияти Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-куватлаш марказини тузди. Бу марказлар ўз фаолиятида ёш тадбиркорларга алоҳида эътибор қаратиб келмокда.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулқдорларда эгалик хиссиятини тарбиялашдан иборат. Агар 1991 йили мамлакатда атиги 9,3 минг кичик корхона бўлган бўлса, 2003 йилга келиб уларнинг сони 65 мингдан ошиб кетди. 2008 йилда Республика бўйича фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар қўпайди ва 400 мингтани ташкил этди².

2000 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг 30 % ни ишлаб чиқарган бўлса, 2002 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик асосида иш юритаётган корхоналарнинг улуши саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда 14,1 %, курилиш-пудрат ишларида 36,8%, чакана савдо оборотида 45,8%, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда 75,6 %ни ташкил этди. 2007 йилда эса кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,8 %дан 2008 йилда 48,2 %га қўтарилиди. 2008 йилда Ўзбекистонда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 %дан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ва 55 %ни ёшлар ташкил этаётганлиги диккатга сазовордир³.

Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатадики, йирик бизнес иқтисодиётнинг танаси бўлса, кичик ва ўрта тадбиркорлик унинг кон томирлари, демакдир. 2008 йилга келиб Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес тараққий этиши учун мустаҳкам хуқукий замин, имтиёз ҳамда кафолатлар яратилди. 2001-2002 йилларда республикада рўйхатдан ўтган

¹ <http://www.lex.uz/>

² Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 158.

³ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.159.

кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг факатгина 19 % саноат, 10,6 % курилиш, 1,9 % транспорт ва алоқа тармоклари тизимига тўғри келган Ўзбекистонда 2002 йил 1 январь ҳолатига кичик ва ўрта бизнес субъектларининг умумий сони 201,9 мингтани ташкил этган, унин ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,8 % га етди ва натижада 372 мин ишчи ўрин яратилди¹. 2005 йилда 434200 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2006 йилнинг ўзида кичик бизнес ва тадбиркорли соҳасида кўшимча равишда 290 минг янги иш ўринлари яратилди, б эса мамлакатда очилган янги иш ўринларини 50 % дан ортигини ташкил этди. 2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг сони қарийб 350 мингтага етди ёки 2001 йилдагига нисбатан 2,3 марта кўпайди². 2008 йилда Ўзбекистонда 66 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қарийб 220 мингта, касаначилик соҳасиде эса 97 минг 800 та янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 % дан 2008 йилда 45,3 % га ўсади³.

Мамлакатда бозор иқтисодиёти ривожлангани сайин меҳнат бозоридаги ракобат янада кескинроқ тус олмоқда, жамиятнинг ўқимишли, янгича фикрлайдиган ёш тадбиркорларга эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Жамиятнинг янги ва табиий талаблари етарлича билим, малака ва кўнижмаларга эга бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида имкониятларини чегаралаб, ёшларнинг ишсизлиги даражасининг ошишига сабаб бўлмоқда. Ишсизларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этаётир. Шунинг учун хам жамиятда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва хусусий тадбиркорлик секторининг вужудуга келиши ёшларнинг эркин касб танлаш, истаган фаолият тури билан шуғулланиши учун имкониятлар яратиб бермоқда. Ўзбекистонда кўпгина ёшлар бундай имкониятлардан оқилона фойдаланмоқдалар.

2002 йил охири – 2003 йил бошида республикада фаолият юриётган тадбиркорларнинг 51,6 % ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган⁴. 2000–2008 йилларда хар йили 600 мингдан иборат ёш йигит ва қизлар меҳнатга лаёқатли ёшга (16 ёш) тўлади. Шу муносабат билан ёшларни ишга жойлаштириш муаммоси долзарблигини йўқотгани йўқ. Иқтисодиётнинг расмий секторида 2000–2006 йилларда иш билан банд

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг боскичма-боскич ва баркарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 137.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг хаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 167.

³ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг хаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 160.

⁴ <http://gov.uz/uz/press/economics/7762>

бўлган ахоли таркибида 16–24 ёшли иш билан таъминланган ёшлар 14–15 % ни, 25–29 ёшлилар 20–21 % ни ташкил қилди¹. 2008 йилда республика ахолисининг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшларга тўғри кенса, 16–29 ёшдаги ёшлар эса меҳнат ресурсларининг 34,8 % ни ташкил этди².

Иқтисодиётда ёшларни иш билан таъминлашда нисбатан қулай ҳолат бўлишига қарамай, бир катор вилоятларда ёшларнинг меҳнат сиюҳиятидан керакли даражада фойдаланилмаяпти. Жумладан, 2006 йилда иш билан банд бўлган ахолининг, умуман республика бўйича 12,4 %, Қашқадарё вилоятида 10,9 %, Сурхондарё вилоятида 9,1 % 16–24 ёшдаги ёшларга тўғри келди. Бундай худудий хусусиятлар 25–29 ёшдаги ёшлар гурухида ҳам кузатилади. Ишлайдиган ахолининг 19,4 % 25–29 ёшдаги ёшларни ташкил қилди, бироқ бир катор минтақаларда сезиларли даражада паст. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 17,8 % ни, Навоий вилоятида 17,6 % ни, Сирдарё вилоятида 16,7 % ни ташкил этди³.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ёшлар учун меҳнат фаолиятининг старли даражада муҳим соҳасига айланмоқда. Социологик тадқиқотлар ишлайдиган ёшларнинг 30 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келишини кўрсатди⁴. Тадбиркорлик ёшларнинг моддий манфаатдорлигини таъмин этиб қолмай, уларнинг ижтимоий ҳаракатчанлигини оширади.

Ишбилармонлик, тадбиркорликка ёшларнинг мунособатини ўрганишда кишлок ва шаҳар ёшларини бир ўлчовга солиш ноўриндир. Меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси муаммолари илмий тадқиқотлари натижаларига кўра “Олибсоларликка муносабатингиз кандай?” деган саволга шаҳарлик ёшлар кишлок ёшларига нисбатан 1,5–2 баробар кўпроқ овоз берган бўлсалар, моддий фаровонликка ўришиш йўллари ҳакида сўралган саволларга кишлок ёшларнинг 8,5 фоизи, шаҳар ёшларининг 60 фоизи олибсоларлик билан шуғулланишни лозим кўришини айтган. Ёшларнинг давлат муассасаларида ишлаш истаги сўниб бораётганлигини иқтисодий омиллар билан боғлаш ўринлидир⁵. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат ва нодавлат секторидаги корхоналар ҳамда микро фирмаларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби куйидаги жадвалда⁶ берилган:

¹ Мужчины и женщины Узбекистана. Статистический сборник. – Ташкент, 2007. – С. 105.

² Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги жорий архиви. 2008 йил хисоботлари. – Б. 53.

³ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги жорий архиви. 2006 йил хисоботлари. – Б. 54.

⁴ Труд и занятность в Узбекистане. Статистический сборник. – Ташкент, 2007. – С. 104.

⁵ Иқтисод ва хисобот. – Тошкент, 1997. – №11–12. – Б. 60.

⁶ Ўзбекистон альманахи 2008. – Тошкент, 2009. – Б. 77.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналар ва
микрофирмаларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби**

Корхоналар сони	2003 йил		2004 йил		2005 йил		2006 йил		2007 йил	
	жами 222150	Улущи %да-100,0	жами 237502	Улущи %да-100,0	жами 268636	Улущи %да-100,0	жами 346062	Улущи %да-100,0	жами 391964	Улущи %да-100,0
Давлат	12327	5,5	3941	1,7	3730	1,4	4353	1,3	5660	1,3
Нодавлат	209823	94,5	233561	98,3	264906	98,6	341709	98,7	386304	98,7

Бундан кўриш мумкинки, ёшларнинг нодавлат секторида меҳнат килиши ёки хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишида давлат секторидан нодавлат секторининг ўрни кучайиб ривожланиб бормоқда. Ёшларда давлат корхоналари ва идораларида ишлаш иштиёқи пасайган холда, нодавлат корхоналарида ишлаш истагидаги ёшлар салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2008 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектори таъминлади¹. Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони 2000 йилда 4467100 нафар, 2003 йилда 5439700 нафар, 2006 йилда 7235000 нафар, 2008 йилда 7762800 нафар кишини ташкил этди (2.7.илова)².

Мамлакатда 1991 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда ёшларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, тадбиркор ёшлар фаоллигини ошириш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри худудларида ёш тадбиркорларга кўмаклашиш ва уларнинг бизнес-режаларини кўллаб-кувватлаш натижасида Ўзбекистонда кўплаб кичик бизнес ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб ёшларни иш билан таъминлади.

Шу билан бирга, “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгашининг “Ёшларни ижтимоий-иктисодий кўллаб-кувватлаш, бандлик ва тадбиркорликка кўмаклашиш” бўлими ҳам ёшларнинг ҳаётида учрайдиган турли муаммоларни ҳал этиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Ҳаракатнинг жойларлаги бўлимлари 2001 йилда 95 нафардан ортик ёшларга кичик ва ўрта бизнес корхоналарини очиш ёки фаолиятини ривожлантириш учун банклардан кредит олишда

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 52.

² Ўзбекистон альманахи 2008. – Тошкент, 2009. – Б. 78.

бевосита ёрдам кўрсатди, 2002 йилда 348 нафар ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларининг манфаатларини химоя қилиш тўғрисидаги мурожаатлари Ҳаракат тизимларининг расмий сўрови орқали тегишли идораларнинг амалий кўмагида ижобий ҳал этилди. 413 нафар ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларига мустақил равища тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди. Ҳаракат Марказий Кенгаши томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жойларда “Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш: муаммолари, счими ва истикболи” мавзуудаги семинарлар ўтказилди¹.

2003 йилда 1391 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ер олиш, хусусий тадбиркорлик субъекти фаолиятига ноконуний аралашувни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш каби турли мурожаатлари Ҳаракат тизимларининг расмий сўрови орқали тегишли идораларнинг амалий кўмагида ижобий ҳал этилди. 632 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига мустақил равища тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди². 2004 йилда 1186 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ер олиш, тадбиркорлик субъекти фаолиятига ноконуний аралашувни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш каби турли мурожаатлари Ҳаракат тизимларининг расмий сўрови орқали тегишли идораларнинг амалий кўмагида ижобий ҳал этилди. 593 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига мустақил равища тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди³. 2005 йилда 522 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ер олиш, тадбиркорлик субъекти фаолиятига ноконуний аралашувни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш каби турли мурожаатлари Ҳаракат тизимларининг амалий кўмагида ижобий ҳал этилди. 188 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига мустақил равища тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожла-ниш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди⁴. 2006 йилда 292 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига мустақил равища тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди⁵. 2007 йилда 637 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига мустақил равища тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди⁶.

¹ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2002 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 4

² ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2003 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 4

³ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2004 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 3

⁴ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2005 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 3

⁵ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2006 йил фаолияти юзасидан хисоботи. Умумий хисобот иловаси. – Б. 1-4

ридан кредит олишда ёрдам кўрсатилди¹. 2008 йилда 682 нафар ёш тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларига ер олиш, рўйхатдан ўтказиш ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдамлар кўрсатилди, 888 нафар ёш тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига мустакил равишда тадбиркорлик билан шуғулланиш, ривожланиш учун тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам кўрсатилди². Бу кўрсатилган амалий ёрдамлар ёшларга янада кенг имкониятлар яратиб берди.

Умуман олганда, Ҳаракатнинг доимий диккат эътиборида турган йўналишлардан бири бу ёшларни ижтимоий ҳимоялашда ташкил этилаётган Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари (ЁИХМ) хисобланади. Ушбу марказлар ёшларга ўз муаммоларини ҳал қилиш ва ечим излашни ўргатади. Бугунги кунда республика бўйича 91 та ЁИХМлари ташкил килинган бўлиб, ушбу марказларда 309 та тўгараклар фаолият юритиб келмоқда. 2008 йил давомида 40400 нафардан зиёд ёшлар, шундан: 6600 та кам таъминланган ёшлар ушбу тўгаракларга жалб этилди³. Мазкур марказлар ёшларга маънавий-маърифий, ижтимоий-иктисодий, касбий кўнникмаларни ўргатиш, ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини кўллаб-кувватлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатади. 2008 йил мобайнида ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларнинг бандлик масаларини ҳал этиш борасида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўлимлари томонидан ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлашга кўмаклашиш юзасидан “Ёш тадбиркор-юргита мададкор” лойиҳаси тузилган. Ушбу лойиҳа доирасида республиканинг барча вилоятларида худудий ишчи гурухлар фаолияти шакллантирилди. Худудий ишчи гурухлар томонидан ёш тадбиркорларга “Камолот” тавсияномалари асосида имтиёзли микрокредитлар ажратиш йўлга кўйилди.

Шунингдек, “Ёшлар тадқикотлари маркази” лойиҳаси томонидан Ҳаракатнинг худудий бўлимларида фаолият кўрсатаётган ЁИХМларининг фаоллари ўртасида “Ёшлар ижтимоий хизматлари муаммолари, ечими ҳамда истиқболлари” мавзууда очик мулокот ўтказилди⁴. Мулокот давомида ёшларнинг маҳаллий шароитдаги муаммолари ечими ва уларни тахлил этиш масалалари юзасидан мурожаатлар ўрганилди.

Ҳаракатнинг вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари олиб борган амалий ёрдам ва семинар-тренинглар, тарғибот-ташвиқот ишлари

¹ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2007 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 15

² ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 23

³ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 24.

⁴ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 25.

натижасида жойлардаги тижорат банклари томонидан республика бүйича жами 375 нафар тадбиркор ёшларга кредитлар ажратилди. Шунингдек, Ҳаракат Марказий Кенгаши ҳамда Ҳаракатнинг Қорақалпигистон Республикаси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида Коракалпигистонда ташкил килинган корхоналар ҳамда фермер хўжаликларининг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, уларни қўллаб-куватлаш максадида “Ўлкамизга саёҳат” шиори остида ёш фермерлар марафони ўтказилди. Марафонда ёш фермерларнинг Тошкент, Самарқанд ва Іуҳоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди ва иштирокчилар мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар, диккатга сазовор жойлар ҳамда Ўзбекистоннинг тарихий қадамжолари билан танишдилар. Шунингдек, Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган “Ёш фермерлар ўкув маркази” фаолияти билан яқиндан танишдилар¹.

“Камолот” ЁИҲ ва “Микрокредитбанк” Акционерлик тижорат банки 2008 йил мобайнода жойларда “Ёш тадбиркор-юрга мададкор” лойиҳаси асосида танлов эълон қилди. Танловнинг куйи босқичларида Республика бўйича жами 5232 нафар ёшлар иштирок этди. Танлов асосида жойларда ташкил этилган ишчи гурухларга мурожаат этган 1612 нафар ёш тадбиркорлардан 952 нафарига тавсиялар берилган бўлиб, уларга 2008 йил мобайнода “Микрокредитбанк” Акционерлик тижорат банки томонидан жами 1 миллиард 904 миллион сўмлик кредит ажратилди². Шунингдек, ўтган йиллар мобайнода ёшлар учун қўплаб янги иш ўринлари яратилаётгани, эндигина иш бошлаган ёш тадбиркор ва фермерларга амалий ёрдам қўрсатилаётгани алоҳида эътиборга лойик.

2008 йилда республикадаги жами тадбиркорлик субъектларининг 37 фоизини, фермер хўжаликларининг 26 фоизини ёшлар бошқарди. Айни пайтда касб-хунар коллежлари ва олий ўкув юртларини битириб чиқаёттан ёшлар эгаллаётган энг замонавий билим ва қўникмаларни амалда жорий этиш учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ҳамда бу вазифа ўзининг муносаб ўрнини топиши даркор.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар ким ўзи ҳаётини ўзи қуради ва уни гуллаб-яшнашига, ривожланишига ўзи ҳаракат килади. Иқтисодий тарбияни пайдо бўлишида ёшларнинг иқтисодий билими мухим роль ўйнайди. Аммо, инсон оиласда ҳаётни ҳис кила бориб, иқтисодий тарбияни пайдо қила бошлайди, кейинчалик мактабда ўқиш давом этади, иқтисодий билимлар канчалик эрта таълим предмети тизимиға киритилса, самараси шунча тезрок қўринади. Умуман олганда мактаб мустақил ижод қилиш ва тадбиркорлик фаолияти учун асос бўлиши

¹ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисботи. – Б. 32.

² ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисботи. – Б. 35.

мумкин. Бозор иқтисодиёти айрим зарур сифатларни талаб қилиб, бугунги мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўкув юртлари олдига бу муаммони ечишни кўяди. Бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли шакли ва турилиз ривожлана олмайди. Буларнинг ҳаммаси ёшларни амалий фаолият кўрсатиш жараёнида иқтисодий тарбиянинг пайдо бўлишида алохидаги аҳамиятга эга. Ёшларнинг фикрини нисбий равишда тадбиркорлар фикри билан солишишириб кўрилса, улар биринчи навбатда бизнесда маънавий инсон бўлиш, ўз ишларини тўғри ва ҳалол олиб бориш лозимлигини таъкидлашган.

Ёшлар ўртасида касб танлаш ва тадбиркорлик борасида “Фуқаролик жамияти шаклланишининг мониторинги Мустақил институти” Наманган минтақавий бўлими билан ҳамкорликда Наманган вилоят таълим тизимидағи ёшлар билан социологик сўров олиб борилганда куйидагича маълумотлар юзага келди¹. Жумладан, кўплаб ёшлар савдо-сотик ва тадбиркорлик фаолияти билан бир қаторда ўз хаётини иқтисод, банк иши, молия, электроника, хукукшунослик ва медицина билан боғламоқда. Айрим кизлар ўзини факат оиласга бағишлишни лозим топсалар, бошқа ёшлар эса Олий таълим муассасаларида ўқиб, етук мутахассис бўлишни таъкидлашган. Шунингдек, айрим ёшлар чет мамлакатлардаги олий таълим муассасаларида ўқиб келишни ва яхши мутахассис бўлишни таъкидлаган. Мактаб ўкувчиларини, ўрта маҳсус касб-хунар таълими талabalарини савдо-сотик ва тадбиркорлик фаолияти, олий ўкув юрти талabalariга караганда анча кўпроқ кизиктируммоқда. Шу билан бирга ёшларнинг айримлари касб-хунар эгаллаб келажакда ўз бизнес фаолиятларини олиб боришларини таъкидлаганлар. 40 % мактаб ўкувчилари, ўрта маҳсус касб-хунар таълими талabalari ва олий ўкув юрти талabalari катта корхоналарнинг раҳбари бўлиши мумкинлигини билдиrsa, яна 40 % ёшлар кичик корхоналарни бошкариши ва қолган ёшларнинг тўртгдан биттаси оддий хизматчи бўлишни таъкидлашмоқда. Кувонарлиси шуки, сўровлар натижасида кўплаб ёшлар бизнесда ҳалол ва тартибли бўлишни таъкидлаганлар. Шу билан бирга 70 % ёшлар давлат секторига нисбатан, нодавлат секторида иш фаолиятини олиб боришини таъкидлаганлар.

Хулоса қилиб қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда куйидагиларга алохидаги эътибор бериш керак:

биринчидан, ёшларни тарбиялаш жараёнида уларда ахлоқий ва меҳнат таълимини тадбиркорлик билан боғлашга ўргатиш зарур;

¹ Фуқаролик жамияти шаклланишининг мониторинги Мустақил институти Наманган минтақавий бўлими билан ҳамкорликда диссертант томонидан олиб борилган социологик сўров.

иккинчидан, ёшларнинг табиати ҳам унинг маънавий-аҳлоқий юксалиш даражасини кўрсатади. Иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик бевосита кишилар эҳтиёжига таъсир кўрсатади. Шахснинг ривожланишига интилиши тадбиркорликда ижобий ўзгаришларга олиб келади. Иқтисодий ҳолатнинг қай даражада ривожланганлиги тадбиркорлар ташаббусларига ҳам боғлиқ бўлади;

учинчидан, иқтисодий тарбия бевосита меҳнат тарбияси билан боғлиқ бўлиб ёшларда иқтисодий билимлар асосида тадбиркорлик майданияти юзага келади. Аҳоли таркибида тадбиркор ёшларнинг қўпайиши жамият ривожини ва иқтисодий тараккиётни нихоятда кучайтиради.

Демак, иқтисодий тарбия келажакда ёшларни ҳар томонлама юксалишида ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишида муҳим аҳамият кисб этади. Шундай килиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ислоҳотларни амалга оширишда ёшлар жамият ҳаётининг муҳим бир бўлаги бўлиб, уларнинг ўзини намоён этиши ва интеллектуал қобилияtlарини юксалиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркор ёшларнинг иштироки кенг камровли амалга оширилмоқда.

ШІ БОБ. ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ёшлар ижтимоий ҳәётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиб бориши мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ёшларнинг фаолиятида, мақсад сари интилишларида чексиз меҳнатсеварлик ва тиришқоқлик талаб этмоқда. Жамият ҳеч қачон ёшларнинг интилишларига, ҳаётда уларнинг идеаллари, қизикишлари ва келажакдаги орзу-умидлари ҳамда уларни амалга ошириш йўлларига бефарқ қарай олмайди. Мустақиллик йилларида ёшларга нисбатан “ўтиш даври ёшлари” деган атама ишлатила бошланди. Хусусан, бу даврда ёшларга нисбатан ўта талабчанлик билан қараш ва баҳо бериш, ёшлар жисмоний қиёфасидаги ижобий ва салбий жихатларни ўтиш даври билан боғлаб тушуниш, ёшлар хатти-харакатидаги ҳусусиятларни катталар (кекса авлод) билан боғлаш ҳоллари мавжуд. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиб, у бутун ислоҳотлар жараёнини давлат ва жамият манфаатидан келиб чиқиб бошқариб келмоқда. Шунинг учун давлат ва жамият қурилишида, ёшларнинг билими, уларнинг жамиятдаги ўрни, муаммоларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш мухимдир. Тадқиқот давомидаги илмий-сиёсий таҳлиллар натижаларига кўра, ўтиш даврида ёшлар ижтимоий ҳәётида содир бўлаётган ўзгаришлар кўйидагилардан иборат:

- 1) Эскича фикрлаш ва фаолият олиб бориш юкидан холи бўлган янги ёшларнинг вояга етәётганлиги;
- 2) Таълим тизимининг барча боскичларида ёшларга билим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилаётганлиги;
- 3) Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада мустаҳкамлашда жаҳон тажрибасининг конструктив жихатларини ўзлаштирилаётганлиги;
- 4) Ёшларни иш билан бандлик ва улар меҳнатидан унумли фойдаланиш масаласи, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида ёшларга янги иш ўринларини ташкил этиш;
- 5) Вояга етиб келаётган ёшлар тўғрисида ўйлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, хукукий фаоллигини ошириш бўйича хукumat жиддий бош қотираётганлиги ва бошқаларни таъкидлаш ўринлидир.

Ёшларнинг ҳаёт тарзи миллий менталитетга асосланган ва бу оиласдаги ижтимоий муносабатлар таъсирида юзага келади. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётга бўлган қарашлари инсонлар билан ўзаро мулокот таъсирида юзага келади. Мана шу вактда ёшлар онгида сиёсий қарашлар профессионал қизикиш, онг ривожланиши ва ўзининг хулқ-

штврида ўзгаришлар рўй беради. Бу жараёнларнинг негизида ёниларнинг жамиятдаги ўрнининг ўзгариши, улар хуқук ва мажбуриятларининг ортиши ётади. Шу билан бирга, боланинг ёшлигидан қолган айрим қиликлари унинг характерида янги элементларни келтириб чиқаради. Ҳатто ота-она болага каттиқ гапириши, танбех бериши ёки ёш бола доим ноҳақ, катталар эса доим ҳақ деган гояни сингдириб кўйиши ҳам ёшлар ижтимоий ҳаётида ўзгаришларни келтириб чиқаради¹. Шунинг учун ҳам ёшлардаги ижтимоий ривожланиш ҳар доим ҳам силлик кечавермайди. Ривожланиш натижасида ёшларнинг кучи кўпаяди, ҳаётга кизиқишининг ортиши, энергия пайдо бўлиши кузатилади².

Ёшларнинг ҳаётга интилишлари канчалик мустақил ва эркин бўлмасин, барибир кўп холларда улар ўша вактнинг ўзида ўз тенгдошлари ва атрофидаги инсонларнинг фикрига тобе бўлади. Ёшлик лаврининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у ёшларнинг ўқиши, билим олиши, маълум бир касб танлаш ва уни эгаллаш, фуқаролик хукуқларига эга бўлиш, ўз дунёкарашини шакллантириб, мустақилликка эришиш, оила куриш ва хоказолар билан тавсифланади. Аммо бу мақсадларга осонлик билан эришиб бўлмайди. Сабаби, жамиятни бошқариб турган катта ва ўрта авлод вакиллари ҳаётга янги кириб келаётган ёш авлодни дарров тан олгиси келмайди. Бу муаммо аслида ёшларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади, уларнинг тажрибасизлиги, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан чиниқмаганлиги, назарий билим билан амалиётнинг номутаносиблиги, шунингдек, ёшларга хос сабрсизлик, калта ўйлаш, кизикқонлик ва бошқа белгилар муаммони чигаллаштиради.

Юқоридаги методологик таҳлиллардан келиб чиқиб, ёшларнинг кайфияти ва хулки масалаларини ўрганишда уларни таркибий қисмларга ажратиш мухим аҳамиятга эга.

Ёшларни ижтимоий таркибига кўра куйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) зиёли ёшлар (Олий таълим муассасалари ва ўрта маҳсус касбхунар таълими талабалари, ижодкор ёшлар ва бошқалар);
- 2) тадбиркор ёшлар (ишлаб чиқарувчилар, савдогарлар, майда тадбиркорлар ва бошқалар);
- 3) давлат бошқаруви тизимида фаолият кўрсатувчи ёшлар (харбийлар, давлат органларидаги хизматчилар);
- 4) ишсиз ёшлар;
- 5) криминаллар³.

Бу турдаги ёшлар орқали уларнинг ҳаёт тарзи, ижтимоий холатини, ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос

¹ Хўжаниёзов З. Болага каттиқ гапирманг // Amu tongi. – Коракалпогистон, 2010, 18 fevral.

² Абдуллаева М. Ўтиш даври сабоклари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2001. – №1. – Б. 73.

³ ЎзР“Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2001 – 2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 38.

хусусиятларини ва ижтимоий муаммоларини ҳар томонлама очиб бериш мумкин. Ёшлар – катта авлоддан жамиятни маънавий-маданий, ижтимоий қабул қилиб олувчи, ворисийлик конуниятини амалга оширувчи мерос сохибидир. Ёшлар таълим, касб-хунар, мутахассислик, маданият, санъат ва бошқа ижтимоий функцияларни эгаллашни ўзига мақсад қилиб олади.

Ёшлар масаласи барча даврларда долзарб мазмун касб этиб келган. Шунинг учун, барча тарихий даврларда “замонавий ёшлар қиёфаси”ни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ривожлантириб бориш барча жамиятларнинг олдиғаги долзарб масалалардан саналган. Ёшлар муаммолари ўрганилар экан, ёш авлоднинг ижтимоий хаётга кириб келиши ва катта авлод билим, тажрибаларига нисбатан ворислик, касбий малака ва аклий салоҳият, ўзининг хаётий режаларини шакллантириш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш каби омиллар таҳлил этилади.

1991 йилдан мамлакатда бошланган янги иқтисодий шароитга ўтиш ёшлардан меҳнатнинг янгича шаклларига ўтишни ва катта миқдордаги кучни талаб қилмоқда. Шундай шароитда иқтисодий ўсиш ёшлардан янада тежамкор, хушёр, сергак, ҳар томонлама ўйлаб фикр юритишни талаб этмоқда.

1991 – 2008 йиллар давомида республика олий таълим муассасалари ва ўрта маҳсус касб-хунар таълимида таҳсил олаётган ёшлар ижтимоий хаётида кескин сифатий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг натижасида олий таълим муассасалари ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими талabalари, ижодкор ёшлар ўз куч ва билимларига суюниб жамиятда ўз ўринларига эга бўлиб бормоқдалар. Ёшларни тарбиялаш биринчи оиласидаги вазифа бўлса, кейинги ўринда маҳаллада, мактабда, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида, жамоада, жамиятда кенг жамоатчиликнинг ҳам юксак бурчи саналади.

Республика миқёсида иктидорли, истеъододли ёшларга ижод намуналарини чоп этиш, кўргазмаларини ташкил этиш, турли танлов ва мусобақаларда катнашишда ташкилий ҳамда молиявий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 1991 – 2000 йилларда турли танлов ва мусобақаларда катнашган ёшларга давлат томонидан ташкилий ҳамда молиявий ёрдамлар кўрсатилди. 2001 – 2008 йиллар мобайнида Коракалпогистон Республикасида 299 та ҳолат бўйича 3 млн. 764 минг сўм хисобида, Андижон вилоятида 108 та ҳолат бўйича 890 минг сўм хисобида, Бухоро вилоятида 84 та ҳолат бўйича 2 млн. 283 минг 400 сўм хисобида, Жizzах вилоятида 164 та ҳолат бўйича 2 млн. 787 минг сўм хисобида, Кашиқадарё вилоятида 130 та ҳолат бўйича 3 млн. 269 минг 800 сўм хисобида, Навоий вилоятида 27 та ҳолат бўйича 283 минг сўм хисобида, Наманган вилоятида 159 та ҳолат бўйича 4 млн. 635 минг сўм

хисобида, Самарқанд вилоятида 92 та ҳолат бўйича 3 млн. 52 минг 200 сўм хисобида, Сирдарё вилоятида 37 та ҳолат бўйича 515 минг сўм хисобида, Сурхондарё вилоятида 73 та ҳолат бўйича 3 млн. 953 минг сўм хисобида, Тошкент вилоятида 102 та ҳолат бўйича 3 млн. 71 минг 100 сўм хисобида, Фарғона вилоятида 242 та ҳолат бўйича 6 млн. 856 минг 600 сўм хисобида, Хоразм вилоятида 114 та ҳолат бўйича 9 млн. 56 минг 800 сўм хисобида, Тошкент шаҳрида 60 та ҳолат бўйича 2 млн. 425 минг сўм хисобида маблағлар сарфланди¹. Натижада республиканинг турли вилоят, туман ва қишлоқларида яшаётган минглаб иқтидорли ёшлар ўз истеъоддларини намойиш этишга муваффак бўлдилар.

Ишсиз, бекорчи ёшлар жамиятдаги энг оғрикли нуқта бўлиб, ўтиш даврида улардаги муаммоли ҳолат долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, 1991 – 2000 йиллар орасида бепарво, лоқайд ёшлар, билим олишга ва хунар эгаллашга эътиборсиз бўлиб вақтларини бекорга ўtkазиб, турли хил жиноят йўлларига кириб кетдилар. Буни қуйидаги сабаблар билан изохлаш мумкин:

– Собик тузумдан мустақил тарақкиёт ва янги жамиятга ўтиш жараёнида табиий бир қатор соҳаларда қийинчиликларга дуч келинди. Натижада сабр-қаноати етарли бўлмаган, енгил йўл билан катта ютуқларга эришган, фаровон яшаб, маълум қийинчиликларга дуч келган айrim кишилар ўз турмуш шаклини янгилаш учун йўл ахтариб нотўғри йўлга кириб қолдилар. Айrim нопок кимсалар ўсиб келаётган ёшларни ҳам ўзларининг атрофларига тўплаб, нотўғри йўлларга яъни, наркобизнес, фохишибозлик ва бошқа салбий ҳаракатларга киришларига имкониятлар яратдилар. Бунинг устига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига бир неча иродаси бўш ва маънавияти паст ёшлар якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланиш ўрнига енгил йўл билан бойишни хоҳлаб жиноий йўлларга кириб кетдилар;

– айrim ёшларнинг ҳам иш билан таъминланиши муаммо бўлиб, дипломи, маълумоти бўлса ҳам, кўнгилдаги ишни топа олмади ёки кам иш ҳақи оладиган жойда ишлашни хоҳламади. Яна енгил йўл ахтариб нотўғри, ёмон, салбий ҳаракатларга қўшилиб қолди;

– исломга оид билимларни яхши билмаган ёшларнинг айrim қисми, ислом никобидаги ваҳҳобийлик, хизбут-тахрир, акромийлик каби диний экстремистик гурухлар таъсирига тушиб қолдилар. Маълум маънода даҳрийликдан кутулдик деб, диннинг энг яхши томонлари билан, динни никоб қилиб кийган экстремистик ҳаракатларни айrim ёшлар ажрата олмай қолиб салбий, ёт, бегона, заарли ғоялар ва қарашларга қўшилиб қолдилар;

¹ ЎзР“Камолот”ҶА. “Камолот” ЁИҲ тизимлари томонидан ёшларнинг манфаатларни ҳимоя килиш борасида 2001 – 2008 йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот. – Б. 2.

– оиласдаги тарбияда айрим ёшлар қаровсиз бўлиб, ота-она факат пул топиш илинжида фарзандларига бепарво бўлади. Натижада қаровсиз қолган ёшлар яна ўзи тўтри деб билган ва кўнглига келган ишларни қилиб турли ижтимоий муаммоларга дуч келдилар.

Ишчи ва хизматчи ёшлар деганда, ёшларнинг бандлик ҳолати республика меҳнат биржалари томонидан расмий равишда рўйхатга олинган аҳолининг 16–30 ёшидаги катлами ҳақидаги маълумотлар асосида тахлил қилинади. Ўзбекистонда 1991–1996 йиллар орасида ёшлар орасида ишсизлар сони 5 фоизни ташкил қилди. Бунинг натижасида мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий таркибий ўзгаришлар ёшлардан янгича “маънавий ахборот салоҳиятини” талаб этаётганига эътибор қаратилади¹. Бу ҳозирги таркибий ва технологик ўзгаришларга мос тарзда ёшларни қайта ўқитиш, касбга тайёрлаш, янги ихтисослик, квалификациялар беришни англатиб, қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлаб чиқариш саноатини йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қўшма корхоналар куришни тақозо этди.

Шу билан бирга ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш аввало ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ёшларнинг янги ишлаб чиқариш жараёнларига тайёрлик ҳолати каби омиллар билан бевосита боғлик бўлиб, бу боғликлик тобора ортиб борди. Статистик маълумотларга кўра², аҳолининг бандлиги ва ишсизлик Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда иқтисодий фаол аҳоли 8708,82 (минг киши) 100 фоиз, иқтисодиётда банд бўлганлар 8680,0 (минг киши) 99,7 фоиз, расмий ишсиз деб рўйхатга олинганлар 28,8 (минг киши) 0,3 фоиз, ишсизлик нафақасини олаётганлар 16,8 (минг киши) 0,2 фоиз кўрсаткични ташкил этган; 2000 йилда иқтисодий фаол аҳоли 9018,4 (минг киши) 100 фоиз, иқтисодиётда банд бўлганлар 8983,0 (минг киши) 99,6 фоиз, расмий ишсиз деб рўйхатга олинганлар 35,4 (минг киши) 0,4 фоиз, ишсизлик нафақасини олаётганлар 20,2 (минг киши) 0,2 фоиз кўрсаткични ташкил этган; 2005 йилда иқтисодий фаол аҳоли 10224,0 (минг киши) 100 фоиз, иқтисодиётда банд бўлганлар 10196,3 (минг киши) 99,7 фоиз, расмий ишсиз деб рўйхатга олинганлар 27,7 (минг киши) 0,3 фоиз, ишсизлик нафақасини олаётганлар 15,7 (минг киши) 0,2 фоиз кўрсаткични ташкил этган; 2007-2008 йилларда эса иқтисодий фаол аҳоли 11299, 2 (минг киши) 100 фоиз, иқтисодиётда банд бўлганлар 11276,0 (минг киши) 99,8 фоиз, расмий ишсиз деб рўйхатга олинганлар 23,2 (минг киши) 0,2 фоиз, ишсизлик нафақасини олаётганлар 11,6 (минг киши) 0,1 фоиз кўрсаткични ташкил этган³.

¹ <http://www.fdu.uz/fdutz/sotsiologiya/manbalar/maruzalar/11.doc>

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 61.

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг жорий архиви. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 61–62.

Республика бўйича 16–30 ёшдаги ёшларни ишсизлиги муаммоси киёсий таҳлил қилинганда 1997–2000 йилларда Тошкент, Навоий, Жиззах вилоятларида ишсизлар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилмади. Бошқа худудларда ишсизлар сони ўси. Жумладан, Қорақалпогистон Республикасида 1997 йилда 16400 тани, 2000 йилда 19400 тани ташкил этди, Андижон вилоятида 1997 йилда 17200 тани, 2000 йилда 18700 тани ташкил этди, Бухоро вилоятида 1997 йилда 12500 тани, 2000 йилда 14700 тани ташкил этди, Сурхондарё вилоятида 1997 йилда 7500 тани, 2000 йилда 9800 тани ташкил этди, Тошкент шаҳрида 1997 йилда 8500 тани, 2000 йилда 10900 тани ташкил этди, Самарқанд вилоятида 1997 йилда 12000 тани, 2000 йилда 26700 тани ташкил этди. Наманган, Фарғона, Қашқадарё каби вилоятларда ҳам расмий ишсизлик ошиб борди¹.

Шу билан бирга Республикада ишсизларни меҳнат биржалари орқали иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қорақалпогистон Республикасида 1997 йилда 10400 та, 2000 йилда 11700 та, Андижон вилоятида 1997 йилда 14400 тани, 2000 йилда 13100 та, Бухоро вилоятида 1997 йилда 9400 тани, 2000 йилда 13100 та, Сурхондарё вилоятида 1997 йилда 5100 та, 2000 йилда 7200 та, Тошкент шаҳрида 1997 йилда 7500 та, 2000 йилда 9800 тани ташкил этди, Самарқанд вилоятида 1997 йилда 9700 тани, 2000 йилда 20600 та ишсизлар иш билан таъминланди².

Меҳнат биржаларининг кўмагида ишга жойлашиш даражасини хисоб-китоб килиш йўли билан меҳнат бозорида ёшларнинг рақобат-бардошлигини аниқлаш мумкин. Жумладан, республика бўйича 1995 йилда меҳнат билан шуғулланадиган ёшга қадам қўювчи ёшларнинг (16–18 ёш) ишга жойлашиш даражаси 66,1 % ни, 2000 йилда 67,2 % ни, 2005 йилда 74,3 % ни ташкил килди. 19–29 ёшдаги гурӯхга кирадиган ёшларнинг ишга жойлашиш даражаси тегишли равишда 1995 йилда 61,5 % ни, 2000 йилда 70,5 % ни, 2005 йилда 80,5 % ни ташкил килди³. Бундан кўриш мумкинки, ёшларни иш билан таъминлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ёшларнинг муайян бир қисми норасмий иқтисодиётда, яъни вактинчалик ва бир марталик ишлар билан таъминланган. Ўзбекистонда 1991–1996 йиллар оралиғида норасмий иқтисодиётда иш билан таъминланган ёшлар сони ортиб борди. Шу билан бирга, 2003 йилда 29,3 фоизга нисбатан 2007 йилда 34,5 фоизи норасмий иқтисодиётда иш

¹ Узбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2001 йил хисоботлари.

² Узбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги жорий архиви маълумотлари. 2001 йил хисоботлари.

³ Узбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги жорий архиви. 2005 йил хисоботлари.

билин таъминланганларга тўғри келди. 2008 йилда ушбу секторда иш билан таъминланганларнинг 30,9 % ёшлар улушига тўғри келди¹. Кўпчилик ёшлар, асосан қишлоқ ёшлари, аввало касбий маҳоратга ва малакага эга бўлмаган ёшлар ички миграция оқимларини ташкил килади. Вилоятларнинг чекка худудларидан марказларга ёки пойтахтга иш излаб келадилар. Уларнинг ярмидан кўти аввал иқтисодиётнинг расмий секторида бирор-бир доимий иш билан шуғулланмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлари халқаро меҳнат бозорига фаоллик билан кириб бормоқда. БМТ расмий маълумотига кўра, халқаро мигрантлар умумий сонининг учдан бир кисми 15–30 ёшдаги ёшларга тўғри келади². Ўзбекистонда ёшларнинг меҳнат миграцияси умумжахон қунунларига мувофиқ юз бермоқда. Ўзбекистоннинг ташки миграциясидаги иштироки ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тадқик қилингандা. Хусусан, ташкил этилган меҳнат миграцияси бўйича асосий ҳамкорлар Корея Республикаси ҳамда Россия бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Ташки мөннат миграцияси билан шуғулланувчи Агентлик” ва Корея тадбиркорлар Ассоциацияси билан имзоланган шартномага мувофиқ, 1995–2008 йиллар давомида Ўзбекистондан 24 мингдан ортик киши Корея Республикасида ишлаб кайтди. Россияда миграция конунчилигининг эркинлашуви, юқори иш ҳаки имкониятларининг мавжудлиги натижасида шартномалар имзоланди³. Шунингдек, Ўзбекистон-лик мөннат мигрантлари Россиянинг деярли барча худудларида мөннат қилмоқдалар.

2000–2008 йиллар давомида ишчи кучи экспорти соҳасида Ўзбекистон томонидан хукукий асосларнинг яратилиши, бу масалага эътиборнинг кучайиши туфайли, мамлакатда фукароларни хорижга ишга юборишни ташкил этиш миқдори ўсди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси-нинг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарорига ва “Ташки мөннат миграцияси билан шуғулланувчи Агентлик ҳакидаги Низом”га мувофиқ, хорижда мөннат фаолиятига эга бўлган Ўзбекистон фукароларига ўрнатилган тартибда ижтимоий ҳимоя таъминланади. 2000–2005 йиллар давомида мөннат мигрантлари орасида 30–40 ёшдагиларнинг салмоғи юқори бўлиб, 30 ёшгача бўлганлар 20 фоизни, 31–40 ёшгача бўлганлар 45 фоизни ташкил этган⁴.

2007 йилда республикадан ташқарига иш излаб чиқканларнинг учдан бир кисмини 36,3 фоизини 16–30 ёшдагилар ташкил қилди⁵.

¹ Ўзбекистон Республикаси Мөннат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий архиви. 2005 йил хисоботлари.

² Народонаселение мира в 2006 г. Миграция молодежи. – Ташкент: UNFPA, 2007. – С. 35.

³ <http://mexnat.uz/uzb/default>

⁴ <http://mexnat.uz/uzb/default>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Мөннат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий архиви. 2007 йил хисоботлари.

Ёшларни иш билан таъминлашда Республика худудларида жойлашган меҳнат биржалари ва “Камолот” ЁИҲ кенг фаолият олиб бормоқда. Бунинг натижасида мамлакатнинг турли худудларида янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ЁИҲнинг худудий ва маҳаллий бўлимлари томонидан ўтказиб келинаётган “Ёшлар ва бандлик”, бўш иш ўринлари ярмакалари алоҳида аҳамиятга эга¹.

2001–2008 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ёшлар учун бир неча марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмакалари ташкил этилди. Жумладан, 2001 йилда “Камолот” ЁИҲ бўлимларининг тегишили ташкилотлар билан хамкорлиги натижасида республика бўйича вақтингча ишсиз юрган 25026 нафар ёшлар иш ўринлари билан таъминландилар, 2002 йилда 14512 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш ўринлари билан таъминландилар, 2003 йилда 32981 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш ўринлари билан таъминландилар. Ҳаракат бўлимларининг қошида 91 та касб ўргатиш марказлари ташкил этилиб, ҳаракатнинг ташкилий-молиявий кўмагида 673 нафар ёшлар турли шаклдаги касб ўргатиш марказлари курсларига бепул, 1275 нафар ёшлар имтиёзли нархларда касб ўрганиш учун жойлаштирилди. 2004 йилда 35815 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш ўринлари билан таъминландилар, 2005 йилда 19084 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш ўринлари билан таъминландилар. Жойлардаги Ҳаракат бўлимларининг иштирокида ташкил этилган 43 та касб-хунар ўргатиш, ўқитиш курслари, спортга жалб қилиш тўгаракларида ёшлар кенг фаолият олиб борди. 2006 йилда 11054 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш ўринлари билан таъминландилар. 2007 йил давомида республика бўйича иш билан таъминлаш бўйича мурожаат этган ёшлардан 23123 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. 2008 йилда эса 138078 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш ўринлари билан таъминландилар, шу жумладан, 17470 нафар йигит-кизлар Ҳаракат тизимларининг бевосита аралашуви ва ёрдами билан ишга жойлаштирилди. Республика миқёсида Ҳаракат бўлимлари томонидан ташкил этилган 296 та касб-хунар ўргатиш, ўқитиш курсларига 12370 нафар ёшлар жалб этилган бўлса, спортга жалб қилиш тўгараклари, ижтимоий аҳамиятли масалаларни тарғиб этиш марказларига 4881 нафар ёшлар жалб этилди². Шу билан бирга, республика миқёсида жойларда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмакаларида 18146 нафар ишсиз ёшлар иш билан таъминланди,

¹ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботлари. – Б. 28.

² ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 4.

Камолот корхоналарида эса 658 та доимий ва 2000 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилди¹.

Ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва ракобатни кўллаб-куватлаш ҳамда ривожлантириш хусусидаги худудий дастурлар асосида 2007 йилда йирик саноат корхоналарида 2934 та касаначилик иш ўринлари яратилди. 2008 йилда жами 48 минг 607 та, шу жумладан аёллар учун 20 минг 900 та иш ўринлари яратилди².

Ёшларни иш билан таъминлаш 2008 йил ҳолатига Республика худудлари бўйича киёсий тахлил этилганда Қоракалпогистон Республика-сида 4059 нафар, Андикон вилоятида 5287 нафар, Бухоро вилоятида 331 нафар, Жиззах вилоятида 2630 нафар, Қашқадарё вилоятида 1014 нафар, Навоий вилоятида 534 нафар, Наманганд вилоятида 4211 нафар, Самарқанд вилоятида 1522 нафар, Сирдарё вилоятида 2223 нафар, Сурхондарё вилоятида 1832 нафар, Тошкент вилоятида 4148 нафар, Фарғона вилоятида 2042 нафар, Хоразм вилоятида 66 нафар, Тошкент шаҳрида 2357 нафар ишсиз ёшлар ишга жойлаштирилди³.

Харакат Марказий Кенгаши, унинг жойлардаги бўлимлари аралашуви натижасида 5336 та ҳолат бўйича ёшларнинг бошка турли хил муаммолари ўзининг аниқ ечимини топди ёки уларни ечиш юзасидан амалий чоралар белгиланди⁴. Республика бўйича 8500 дан ортиқ давра сұхбати, мутахассислар иштироқида учрашувлар, 6500 га якин семинар-тренинглар ва 7800 дан ортиқ спорт тадбирлари ташкил этилган бўлса, тадбирларга 975 650 нафардан ортиқ ёшлар жалб этилган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги 2008 йилдан бошлиб республикада автоматлашган “Мехнат бозори” ахборот тизимини яратди⁶. Бу ахборот тизими орқали республика бўйича вакант иш ўринлари ҳакида маълумот олиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ ёшлари деганда факат ўқимаган, ишсиз ёшларни ёки оддий қишлоқ аҳолисини тушун-маслик керак. Аслини олганда, қишлоқ ёшларининг қизиқишилари, дунёқараашлари, ўқишга интилишлари бу ижтимоий гурухни жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Президент И.А. Каримов томонидан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон килиниши

¹ Юсупов Р. Ёшлар билан ҳамфирк // Turkiston. – Тошкент, 2009, 21 yanvar.

² Орипов Р. Иш жойи накд // Тошкент ҳақиқати. – Тошкент, 2008, 26 марта.

³ ЎзР “Камолот” ЙИҲ ЖА. “Камолот” ЙИҲ тизимлари томонидан ёшларнинг манфаатларни химоя килиш борасида 2008 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот. – Б. 1.

⁴ ЎзР “Камолот” ЙИҲ ЖА. 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 5.

⁵ ЎзР “Камолот” ЙИҲ ЖА. “Камолот” ЙИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 38.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги жорий архиви. 2008 йил хисоботлари.

ва Давлат дастури¹ни қабул килиниши қишлоқларни янада юксалиши хамда ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди². Натижада қишлоқ ёшлари учун ҳам кенг қамровли шаҳардан колишмайдиган имкониятлар эшиги очилди. Бу ўринда республиканинг турли ҳудудларидағи қишлоқ ёшларининг орзу умидлари рӯёбга чиқди ва уларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ва ёшлар хукуқларини химоя килиш мақсадида тегишли ташкилий-хукуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 45-моддасида вояга етмаганларнинг хукуклари давлат химоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, унинг 64-моддасида, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни бокиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши белгиланган³.

2001–2007 йиллар мобайнида “Камолот” ЁИХ томонидан олиб борилган ишлар натижасида 5965 нафар вояга етмаган ёшлар ИИБ профилактик рўйхатидан чиқарилди⁴. 2008 йилда Республика ҳудудлари бўйича ИИБ профлактика хисобидаги ёшлар сони 6457 нафарни ташкил килди. Шундан 300 нафар вояга етмаган ёшлар “Камолот” ЁИХ тавсияномаси асосида ИИБ профлактика хисобидан чиқарилди⁵. 2008 йил охирига келиб Республика миқёсида вояга етмаган ёшларни қайта тарбиялаш колонияларида уларнинг холидан хабар олиш, ўкув куроллари ва бошқа анжомлар тақдим қилиш, байрам дастурхони ёзиш бўйича жами 224 та тадбир ўтказилди ва 9 млн. 358 минг 900 сўм микдорда маблағлар сарфланди. Жумладан, Корақалпоғистон Республикасида 19 та тадбирга 480 минг сўм микдорда, Бухоро вилоятида 32 та тадбирга 732 минг сўм микдорда, Наманган вилоятида 9 та тадбирга 285 минг сўм микдорда, Самарқанд вилоятида 84 та тадбирга 2 млн. 428 минг 600 сўм микдорда, Тошкент вилоятида 29 та тадбирга 1 млн. 67 минг 900 сўм микдорда, Тошкент шаҳрида 41 та тадбирга 4 млн. 497 минг 400 сўм микдорда маблағлар сарфланди⁶. Бу ўтказилган тадбирлар ва сарфланаётган маблағлар ёшларни камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили Давлат Дастири. 2009 йил 27 январь // Халқ сўзи, 2009, 2 март.

² Шукуров Н. Қишлоқ ёшларининг фаоллиги ошади // Turkiston. – Тошкент, 2009, 7 yanvar.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 10–13.

⁴ ЎзР“Камолот” ЁИХ ЖА. “Болаларнинг гайриижтимоий харакатларини олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция. 2007 – Б. 4.

⁵ ЎзР“Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХ 2008 йил хисоботи. Прокуратура презентация. – Б. 26.

⁶ ЎзР“Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХ тизимлари томонидан ёшларнинг манфаатларни химоя килиш борасида 2008 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот. – Б. 2.

1991 йилда Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар 44,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 1995 йилда 44,6 фоизни, 2001 йилда 41,9 фоизни, 2005 йилда эса 38,7 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида 2007–2008 йилларда содир этилган жиноятлар, хукуқбузарликлар жами 83905 та бўлиб, 13–15 ёшда жиноят содир этганлар 0,8 фоизни, 16–17 ёшда жиноят содир этганлар 2,9 фоизни, 18–24 ёшда жиноят содир этганлар 19,2 фоизни, 25–29 ёшда жиноят содир этганлар 17,0 фоизни, 30 ва ундан катта ёшда жиноят содир этганлар 60,1 фоизни ташкил этган. Жиноят содир этган вактида хеч каерда ишламайдиган, ўқимайдиган ишсиз шахслар 44,0 фоизни ташкил этган¹.

Бундан кўриш мумкинки, ёшлар ҳаётидаги муаммоларнинг ҳал этишнинг турли йўллари кенг жамоатчилик учун ниҳоятда долзарб ахамият касб этмоқда. Ёшлар ижтимоий ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда куйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Республика, вилоят, шаҳар, туман, корхона, хўжалик, ўкув юртларида ташкил этилган маънавият-маърифат марказлари ишини янада фаоллаштириш;
2. Маънавият ва маърифат соҳасида фаолият кўрсатадиган ходимларни танлаш, қайта тарбиялаш ишига алоҳида эътибор бериш;
3. Мехнат биржалари ва бандликка кўмаклашувчи марказлар иш фаолиятини янада кучайтириш;
4. Оила, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш, уларни ҳамкорлиқда иш юритишини таъминлаш зарур;
5. Ёшларни бўш вактларини самарали ташкил этиш учун турли спорт тўғаракларига эътибор қаратиш керак;
6. Ёшлар хукуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда хукуқбузарликларни олдини олиш учун турли хил давра сұхбатлари, семинар тренинглар, кўрсатувларга алоҳида эътиборни янада кучайтириш керак.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати, биринчидан, миллати, ирки, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўгрисида ғамхўрлик килиш; иккинчидан, ёшларни хукуқий ва ижтимоий жиҳатдан химоя килиш; учинчидан, ёшлар ташаббусларини қўллаб-куватлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига кафолат бериш; тўртингидан, жамиятни ривожлантиришга, айниқса, республика ёшлари ҳаётига оид ижтимоий сиёсат ва дастурларни ишлаб

¹ Узбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент: 2008. – Б. 149-151.

чикиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирик этишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг янгиланиши ва ривожланишида ижтимоий-сиёсий жараёнлар ислоҳотлар учун муҳим асос бўлмоқда. Ўзбекистонда янгича дунёкарашга асосланган ёшларнинг ижтимоий ҳаётда замонавий билим ва тажрибага эга бўлиши, меҳнат ва маънавий муҳитга холисона ёндошиши, ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини теран англаб етишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий ҳаётига кенг суръатда тезлик билан кириб келган уяли алока воситалари, компьютер, интернет кабилар “замонавий ёшлар” киёфасини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар ёшлар дунёкарашида ҳам катта ўзгаришлар килишни талаб қиласди. Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялашда шахсга мос сифатларни ёшларда карор топтириш асосий вазифа сифатида турибди. Президент И.А. Каримов томонидан 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ва давлат дастурининг¹ қабул қилиниши ёш баркамол авлодга бўлган ғамхўрликдан нишонадир. Давлат томонидан бундай эътиборни қаратилиши ёш баркамол авлоднинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга янада кенг имкониятлар берди. Бунинг натижасида қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- болалар ва ёшларнинг хуқук, манфаатларини химоя килишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг хуқукий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-хуқукий базани такомиллаштириш, амалдаги конунчилик ҳамда меъёрий хужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, кишлоқ кизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуналарини, стадионлар ва иншоотларни куриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юкори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

- илм-фанны янада ривожлантириш, иктидорли ва кобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чикариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чикиш; ёш оиласаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни хуқукий ва ижтимоий муҳофаза килишни таъминлаш, жисмонан ҳамда ҳар томонлама

¹ Баркамол авлод йили Давлат Дастури. 2010 йил 27 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

ривожланган баркамол авлодни Ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкилиқбозлиқ ва гиёхвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний-экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилиш.

Хулоса қилиб таъкидлайдиган бўлинса, Ўзбекистон Республикасининг ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик тизими ҳалқаро ҳуқуқнинг демократик тамойилларига мос келиши билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ижобий жиҳатларини ҳам ўзида тўлиқ ифодалайди. Республикада “Камолот” ЁИҲ ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларини ечишда қўмаклашиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан бир қатор самарали ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, “Ёшлар ва бандлик”, “Ёшлар ва ишибилармонлик”, “Ёшлар ва маънавий, маърифий ишлар”, “Ёшлар ва экология” дастурлари ишлаб чиқилди. Ана шу дастурлар буйича ҳаракатнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ҳамкор ташкилотлар қўмагидан унумли фойдаланган тарзда бир қатор ишларни амалга оширди¹.

Демак, Ўзбекистонда бугун эркин фикрлайдиган, мамлакат тараққиётига ўзига хос муносиб ҳисса қўшаётган янги баркамол ёш авлод вакилларининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг мавжуд муаммолари давлат томонидан амалга оширилаётган амалий ишларда ўз ечимини топиб бормоқда. Ёшлар масаласи доимий эътиборда бўлиб улар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари давлат, жамият, маҳалла, мактаб, оила ҳамкорлигида тартибга солиб келинмоқда. Ёшлар иқтидорларини ривожлантириш ва қобилиятларини шакллантириш учун давлат томонидан турли хил кўрик танловлар ўтказилиб келинмоқда. Ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши уларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

¹ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. 28.

3.2. Давлат томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш масаласи

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати ахолининг, хусусан, ёшларнинг умумий холати, эҳтиёжлари, муаммоларидан келиб чиқиб, ижтимоий таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд ижтимоий-иктисодий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ахолининг моддий ва ижтимоий таъминотга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хуқукий чора тадбирлар мажмуини камраб олган¹. Унинг мақсади эса, ўтиш даври ижтимоий-иктисодий ларзаларидан ахолини айниқса, ёшларни ҳимоя қилишга қаратилган. Шу сабабли ҳам, ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати икки хил усулда олиб борилмоқда:

1) Мехнат лаёқатини йўқотган, кам таъминланган, иктисодий фаолият юритиш имконияти бўлмаган ахолини моддий жиҳатдан таъминлаш. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида кўйидагича белгиланган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хукукига эга”²;

2) Умумий таълим олиш, малакали тиббий хизматнинг бўлиши, бозор иктисодиёти шароитларида нархларнинг ўсишига қараб давлат томонидан маошларни ошириш, республика халқ истеъмол товарлари бозорини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари барпо қилиш ва бошқа кўринишдаги ижтимоий ҳимоя турлари билан ахолини ҳимоялаш усули.

Бу усулларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистоннинг бозор иктисодиётiga ўтиш амалиётида бир-бирини ўзаро тўлдирмоқда. Ўзбекистонда ахолининг кам таъминланган, моддий ҳимояга муҳтож қисмига, ижтимоий таъминотни амалга ошириш масаласи билан шугулланадиган давлат муассасалари, идораларнинг яхлит тизими яратилди. 1991 йилда ижтимоий ҳимоя учун сарфланган маблаг 2 млрд. сўмни ташкил қилди. 1991–1996 йиллар мобайнида энг кам иш ҳаки ва пенсиялардан солик олинмайдиган бўлди. 1992 йил 4 февралда “Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун қабул килинди. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ахолини ижтимоий ҳимоялаш тизими

¹ Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иктисодиёти. Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. – Тошкент, 1998. – Б. 185.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 9.

тубдан ўзгартирилди¹. Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб бериладиган бўлди. Бола боқувчи оналарга тўланаётган нафақалар миқдори кўпайтирилди ва муддати ҳам икки йилгача узайтирилди.

1993 йил 4 марта Президент И.А. Каримов фармони билан Ўзбекистоннинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” таъсис этилди². Бунинг натижасида соғлом авлод камолотига алоҳида эътибор қаратилди. 1993 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов фармони билан “Соғлом авлод учун” хукуматга карашли бўлмаган ҳалқаро ҳайрия жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг кўп киррали фаолиятини республика бўйича жойлашган 14 та минтақавий филиаллар ва 100 дан ортиқ таянч масканлари амалга оширмоқда³. Жамғарманинг максади жисмонан бақувват, маънан етук фарзандлар тарбиялашни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, оиласа соғлом авлодни туғилиши ва тарбияланиши учун кенг имкониятлар яратишга кўмаклашишдан иборат.

1994 йил 24 августда Президентнинг “Кам таъминланган оиласарни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига⁴ кўра ижтимоий ҳимоя масаласига эътибор ниҳоятда кучайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оиласарни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли Қарори⁵ эълон қилинди. Шу билан бирга 1996 йил 10 декабрда “Болали оиласарни давлат томонидан кўллаб-кувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” Президент Фармони чиқарилди⁶. Бунинг натижасида кўп болали, кам таъминланган оиласарга ижтимоий ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирлар кенг ривожлантирилди.

Президент И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”⁷ асарида “Ёшлиарни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оиласи мустаҳкамлаш бугунги қунда барчанинг асосий вазифаси, балки инсоний бурчига айланишини истардим”, - деб таъкидлади.

Мамлакатда 1997 йилдан бошлаб ҳар йили янги ўқув йили бошида мактабнинг биринчи синфига ўқишига борған болаларга Президент

¹ Jo'raev N. O'zbekiston tarixi. Milliy istiqlol davri. – Toshkent: SHarq, 2006. – B. 104.

² Jo'raev N. O'zbekiston tarixi. Milliy istiqlol davri. – Toshkent: SHarq, 2006. – B. 106.

³ <http://www.sau.uz/>

⁴ Конституционное право Республики Узбекистана. – Ташкент: Шарқ, 1995. – С. 335–378.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. // Хабарнома. – Тошкент, 1994. – №15, июль-сентябрь. – Б. 68-69.

⁶ Jo'raev N. O'zbekiston tarixi. Milliy istiqlol davri. – Toshkent: Sharq, 2006. – B. 105.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 52.

совғалари – ўкув қуроллари ва дарсликлар тақдим этилиши ҳам эзгу анъанага айланди. Шу билан бирга кам таъминланган оилаларнинг бошлангич синфларда ўқийдиган фарзандлари эса қишки кийим-бош билан таъминланмоқда. Масалан, 2001–2002 ўкув йилида 2243 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул дарсликлар ва китоблар, ўкув қуроллари, кийим-кечак, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул, имтиёзли нархдаги йўлланмалар олиб берилди¹.

2002–2003 ўкув йилида 2108 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон болалар, вояга етмаганлар назорати комиссияси хисобида турган ўсмирларга бепул дарсликлар ва китоблар, ўкув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул, имтиёзли нархдаги йўлланмалар олиб берилди².

2003–2004 ўкув йилида 5877 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон болалар, вояга етмаганлар комиссияси хисобида турган ўсмирларга бепул дарсликлар ва китоблар, ўкув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул, имтиёзли нархдаги йўлланмалар олиб берилди³.

2004–2005 ўкув йилида мактаб ўкувчиларини бепул дарсликлар ва ўкув қуроллари, қишки кийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди, 2006–2007 ўкув йилида 521 минг нафар ўкувчига 15 миллиард сўмлик ўкув қуроллари ва дарсликлар берилди⁴, 2007–2008 ўкув йилида 485 минг 918 нафар ўкувчига Президент совғаси сифатида 5 миллиард 505 миллион сўм микдорда ўкув қуроллари тақдим этилди⁵.

Демак, Ўзбекистонда давлат томонидан ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-куvvатлаш ўзига хос ижтимоий сиёсатга айланди. Шу билан бирга, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада тақомиллаштириш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларини тугатган битиравчиларни тўлиқ ишга жойлаштириш, янги иш жойлари ташкил этишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилди.

Айниқса, Қоракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ишбилармонлик ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар, сервис, касаначилик соҳаларини ривожлантириш эвазига ташкил

¹ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2002 йил фаолияти тўғрисидаги хисботи. – Б. З.

² ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2003 йил фаолияти тўғрисидаги хисботи. – Б. З

³ ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2004 йил фаолияти тўғрисидаги хисботи. – Б. З

⁴ Бекмуродов А., Гафуров У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу мукаддас ватандан азиздир инсон. – Тошкент: Гафур Гулом, 2010. – Б. 125.

⁵ Жонохонов М. Мустакил юрганинг истиқболли ёшлари // Халқ сўзи, 2008, 23 май.

этилган янги иш ўринларининг асосий қисмини ёшлар банд этаётгани кувонарлидир¹.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда 2002 йилда асос солинган “Сен ёлғиз эмассан” болалар жамғармасининг фаолияти алоҳида эътиборга моликдир². Жамғарма томонидан болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар амалга оширилиб, айниқса мамлакатдаги 26 та меҳрибонлик уйларида, 2 та болалар шаҳарчаси, 2 та SOS болалар маҳалласи, 13 та болалар уйлари (6 ёшгача)да яшаётган 3500 та етим болаларга алоҳида ғамхурлик кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда истеъодди ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг кобилияти ва истеъодини ўстириш бўйича маҳсус жамғармалар ташкил этилди. Ёшларни рағбатлантириш мақсадида атама стипендиялар ташкил этилди. Олий ўкув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг юкориси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясидир. Ушбу стипендия 11 йўналиш бўйича бакалаврлар ва магистрларга ҳамда 5 йўналиш бўйича аспирантларга берилади. Бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улугбек, Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари ҳам таъсис этилган³. Жумладан, 1993–2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндорлари 200 нафардан ортиқ ёшларни ташкил этди. А.Навоий, М.Улугбек, А.Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номли стипендия совриндорлари бўлган талаба ёшларни ташкил этди⁴.

Шу билан бирга, Камолот ЁИҲ томонидан таъсис этилган “Камолот” стипендияси олий ўкув юртларининг кундузги бўлим талабаларидан республика бўйича 20 нафарига ҳар бир ўкув йили давомида бериб борилади. Жумладан, 2002–2003 ўкув йилида 12 нафар, 2003–2004 ўкув йилида 14 нафар, 2004–2005 ўкув йилида 15 нафар, 2005–2006 ўкув йилида 16 нафар, 2006–2007 ўкув йилида 15 нафар, 2007–2008 ўкув йилида 18 нафар талабалар “Камолот” стипендияси совриндори бўлдилар⁵. Ёшларни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар баркамол авлоднинг ижодий иктидорини янада ривожланишига кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий архиви. 2008 йил хисоботлари. – Б. 48.

² <http://www.sen.uz/>

³ Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-аҳлоқий тарбия бошкармасининг 1993–2008 йил хисоботлари.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-аҳлоқий тарбия бошкармасининг 1993–2008 йил хисоботлари.

⁵ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2001–2008 йиллар давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. 38

2000–2010 йиллар давомида Ўзбекистон ёшлари турли халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб 6 та олтин, 14 та кумуш, 60 бронза, 69 та олий даражали дипломлар билан тақдирланишиді¹. Бундан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-кувватлашнинг самарали тизими амал килмоқда. Тадқиқ этилаётган даврда мамлакат таълим муассасаларини олий маълумотли малакали ўқитувчилар ва мухандис-педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизми жорий этилди.

1991–2008 йиллар давомида мамлакатда бир томондан, ёш оиласлар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди ва уни амалга оширишнинг зарур бўлган хуқукий асослари яратилди, иккинчи томондан, ёш оиласларни моддий қўллаб-кувватлаш тизими шаклланди, учинчи томондан эса, ёш оиласларнинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хуқукий онги ва маданиятини янада юксалтириш йўлида кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Бу борада эришилаётган ютуклар Президент И.А. Каримов томонидан 2007 йил 18 майда қабул килинган “Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон² ижроси бўйича ёш авлодни, хусусан, ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг изчил давомидир.

Мазкур фармонга мувофиқ, ёш оиласларни уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга кўйишда ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оиласларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Жумладан, ёш оиласларга уй-жойлар сотиб олиш, реконструкция қилиш ва қуриш учун 17, 1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди³. 2008 йил давомида “Савдогарбанк” Тошкент вилоятидаги ёш оиласларга 210 миллион сўм ипотека ва 49 млн. сўм микрокредит берди⁴. “Ўзсаноатқурилишбанк” Фаргона вилоят минтақавий филиали ёш оиласларга жами 1056,9 млн. сўм кредит маблағлари ажратиб, шундан 570,3 млн. сўм ипотека кредити, 329,0 млн. сўм истеъмол кредити ва

¹ Истиклол солномаси. Ёшлар телеканали 2011 йил 30 август.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони 2007 йил 18 май. Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси конунларининг хужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16-18.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. // Тошкент ҳақиқати, 2008, 19 июль.

⁴ Йўлдошев А. Савдогарбанк билан ишончли ҳамкорлик // Тошкент ҳақиқати, 2008, 26 март.

157, 6 млн. сўм микрокредитлар берди¹. Республика миқёсида давлат томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар миқдори жами 135,7 млрд. сўмни ташкил этди². Аҳамиятли томони шундаки, бундай кредитлар эвазига ёшларнинг мустакил ҳаётга дадил қадам кўйиши, мустакил меҳнат фаолиятини бошлиши, барқарор даромад манбаига зга бўлиши, уй-жой ва майший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустаҳкамланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, “соғлом она-соғлом бола” гоясини ўзида мужассам этган давлат дастури асосида Корақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоятда замонавий тиббий ускуналар билан жихозланган диагностика, скрининг (инглизча “оммавий саралаш”деган маъно билдириб, хомиладор аёлларни маҳсус текширув усулларини ўз ичига олади)³ марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этишга маблағлар сарфланди.

Ўзбекистонда ислохотлар мукаррарлигининг муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳакикатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади. Бу асосий узлуксиз устувор йўналиш жамият сиёсий барқарорлиги учун, қуйидаги омилларни белгилаб бермоқда:

1. Мақсадли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир. Бу гоят муҳим масала бўлиб, иктисадий тикланиш даврида истиқлол ва тараққиёт йўлига ишонч кўплаб муаммоларни ҳал этувчи омил бўлиб ҳисобланади.

2. Мақсадли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишга қаратилган. Муносиб турмуш тарзи ва фаолият инсон омилининг етук шарти бўлиб қолмоқда.

3. Мақсадли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш ислохотларни муваффакиятли ўtkазиш кафолатидир. Ўзбекистон жамиятида турли таъсирчан воситалар асосида ислохотларни муваффакиятли якунлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Фуқароларнинг манфаатдорлиги ошиб борган сайин ислохотлар жараёни ҳам тезлашиб бормоқда.

4. Мақсадли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш жамиятда бошланган ривожлантириш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қиласи.

¹ Рашидов А. Ўзсаноатқурилишбанк // Фарғона ҳакикати, 2010, 17 март.

² Бекмуродов А., Ғафуров У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу мукаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2010. – Б. 26.

³ <http://newscreening.ucoz.com/.2010-1>

Президент И.А. Каримов томонидан мустақиллик давридаги хар бир йилнинг инсон қадри ва манфаатларини эъзозлаш босқичларига айлантирилганлиги ҳамда муайян бир эзгу ном билан аталаётганлиги инсонларга ҳамдамлик, меҳр-муруватлиликнинг ажойиб намунасиdir. Ўзбекистонда 1996 йилга келиб дастлабки ижтимоий дастурлар қабул килинди¹. Йилларга алоҳида ном беришдан мақсад шу заминда яшаётган хар бир инсоннинг ҳаёти янада мазмунли, завқли, тўлақонли бўлишига етарли шароит ва имкониятларни яратишдан иборат.

1998 йилни “Оила йили” деб эълон қилиниши оилани ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, “Оила кодекси” қабул килинди, Республика “Оила” илмий-амалий маркази ташкил этилди ва ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чикилди. Оила манфаатларини таъминлаш борасидаги давлат дастури комплекс мазмунга эга бўлиб, у 150 дан ортиқ тадбирни ўз ичига олди ва тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 144,8 миллиард сўм маблағ ажратилди².

1999 йил “Аёллар йили” деб эълон қилинди. Давлат дастурига биноан оила, оналик ва болалик масалаларининг жамият миқёсида устувор аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиккан холда, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, аёллар маънавиятни юксалтириш, бошқарув фаолиятидаги иштирокларини таъминлаш каби ишлар амалга оширилди.

2000 йилга “Соғлом авлод йили” деб ном берилиши ва шу номда Давлат дастурини қабул қилиниши³ натижасида соғлом баркамол авлодни тарбиялаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби долзарб вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратилди.

2001 йил “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилинди⁴. Давлат дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида кўпдан-кўп янги ижтимоий масалалар ҳам ҳал этилди. Айниқса, Ўзбекистондаги 90 фоиз аёллар тиббий профилактик кўрикдан ўtkazildi, “Она ва бола скринги” марказлари ташкил этилди, ҳомиладор аёллар ва ҳомилани турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва кам-қонликка қарши дори-дармонлар билан таъминлаш, болаларни касалликларга қарши эмлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

¹ ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 3- йигма жилд, 58- варак.

² Бекмуродов А.,Faafurov У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу муқаллас ватандар азиздир инсон. – Тошкент: Faafur Fулом, 2010. – Б. 117.

³ Бекмуродов А., Faafurov У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу муқаллас ватандар азиздир инсон. – Тошкент: Faafur Fулом, 2010. – Б. 118.

⁴ Бекмуродов А., Faafurov У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу муқаллас ватандар азиздир инсон. – Тошкент: Faafur Fулом, 2010. – Б. 119.

2003 йил “Обод маҳалла йили” деб номланиб, маҳаллаларни янада обод килиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мамлакатдаги 5 минг 630 та маҳалла худудида кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш хисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилди. Бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари янги иш ўрнига эга бўлди. Тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармалари томонидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имконият яратди¹.

2004 йил “Мехр-мурувват йили” деб номланди ва Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблаги сарфланди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш буйича белгиланган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди². Шунингдек, ота-онасиз колган болаларни, ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор кучайтирилди. Шу билан бирга 2004–2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ишлаб чиқилди ва Молия вазирлиги хузурида бюджетдан ташқари маҳсус “Мактаб таълими” жамғармаси ташкил этилди³.

2005 йил “Сиҳат-саломатлик йили” деб номланди ва Давлат дастурига биноан Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Жizzах, Бухоро, Хоразм, Кашқадарё, Сирдарё, Фаргона ва Наманган вилоятларидаги катор туманларда марказий касалхоналар зарур асбоблар билан таъминланди, қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди ва капитал реконструкция қилинди, тез тиббий ёрдам марказлари ва янги шифохоналар ишга тушди⁴. Тиббиёт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги иккита медицина олий ўкув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинди ва Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблаги, 151

¹ Бекмуродов А.,Faфуров У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу мукаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Faфур Ғулом, 2010. – Б. 121.

² Бекмуродов А., Faфуров У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу мукаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Faфур Ғулом, 2010. – Б. 122.

³ ЎзР “Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2005 йил давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 31.

⁴ ЎзР “Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2005 йил давомидаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 124.

миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфлангани ҳам муҳим аҳамият касб этди¹. Давлат дастури асосида 23 минг нафар қаровчисиз қария ва ногирон кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатилгани, республикадаги барча “Саховат”, “Муруват”, ва “Мехрибонлик” уйлари ҳамда маҳсус мактаб-интернатларга ҳомийлар томонидан 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилганини, кам таъминланган оиласаларга мансуб салкам 725 минг нафар бошлангич синф ўқувчисига 16 миллиард сўмликдан зиёд кийим-бош билан таъминланганлиги ҳам бу борадаги муҳим ишлар сифатида қайд этиш лозим².

2007 йил “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинди ва давлат дастури³ доирасида еттига устувор йўналишдан иборат юзлаб муҳим тадбирлар амалга оширилди. Айниқса ёш оиласаларни муаммоларини ечиш, уй-жой сотиб олиш ва иморат куриш, рўзгорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. “Камолот” ЁИҲ томонидан ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оиласалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим. Республика худудида жойлашган 28 та “Мехрибонлик уйи” ҳамда 86 та ихтисослашган мактаб-интернатга Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус, 4 та оиласалар учун “Дамас” микроавтобуслари берилди⁴.

“Ижтимоий ҳимоя йили”да аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм микдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфланди⁵.

2008 йилни “Ёшлилар йили” деб номланиши натижасида давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151

¹ Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Янгиланиш ва баркарор тараккиёт йўлидан янада изчил харакат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир” номли маърузаси. // Халқ сўзи, 2007, 12 февраль.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент: Узбекистон, 2007. – Б. 167.

³ “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастури 2007 йил 24 январь // Халқ сўзи, 2007, 25 январь

⁴ Кенгбоев Ж. Эртасини ўйлаган ҳалқ фарзандини эъзозлайди // Халқ сўзи, 2008, 30 январь.

⁵ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иктисолиётимизни баркарор ривожлантириш ўйлида. – Тошкент: Узбекистон, 2008. – Б. 159.

миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи сарфланди. Мамлакатда ёш оиласалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди. 2008 йил охирида 52 та та кўпқаватли уй битказилиб, 1 минг 900 та ёш оила квартира билан таъминланди. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди¹. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш доирасида кам таъминланган 246 та ёш оиласа бепул қорамол берилди, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган муҳтоҷ фуқароларга бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари хисобидан 704,7 миллион сўм миқдорда пенсия ва нафақалар тўланди².

2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб номланиши ва давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар хисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ ажратилди. Жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағлари ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш учун сарфланди³.

1991–2008 йиллар мобайнида Ўзбекистонда олиб борилган кучли ижтимоий сиёsat ўзининг муайян тажрибаларига эга бўлди. Бу тажриба иқтисодий ривожланиш учун ҳам муҳим асос бўлди. Шундай қилиб, мақсадли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш муайян мамлакат учун катта имкониятлар тизимини яратиши муқаррардир. Умуман олганда, жамиятда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш бўйича мунтазам иш олиб бориш ҳозирги давр заруриятидир. Ёшлар ижтимоий-иктисодий муносабатлар шаклланаётган янги демократик жамиятда ўз қизиқишлиридан келиб чиқсан ҳолда, индивидуаллик, ақл билан иш тутиш, эркин касб танлаш каби хаётий зарур бўлган фазилатларни шакллантиришлари лозим. Айнан мана шундай ёшлар барқарорликнинг асосий кафолатига, жамиятнинг тараққиёт ва юксалиш сари боришида мустаҳкам таянч ҳамда ҳаракатлантирувчи кучга айланишмоқда.

Хулоса шуки, мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар кичик ва ўрта бизнесни, оиласалар тадбиркорликни ривожланти-ришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куvvatлаш асосий вазифа сифатида ҳал этилди. Мустақиллик йилларида аҳолининг айниқса, ёшларни

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 59.

² Ёшлар ҳакида ғамхўрлик – давлат сиёсатининг устувор йўналиши. ЎзАА. // Халқ сўзи, 2008, 10 июн.

³ Бекмуродов А.,Faфуров У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу мукаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Faфур Ғулом, 2010. – Б. 128.

ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди:

биринчидан, соҳа фаолиятини тартибга солишнинг хукукий асослари яратилди, ахолини турмуш даражасини яхшилаш мақсадида узлуксиз равишда иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар миқдорини ошириш юзасидан имтиёзлар жорий этилди;

иккинчидан, ахолининг катта қисми кишлоп жойларида яшаганилиги хисобга олиниб, уларни моддий жиҳатдан кўллаб-куватлаш давлат сиёсатининг дикқат марказида бўлди;

учинчидан, Республикада ногиронликни олдини олиш, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш, касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш маҳаллий давлат органларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди;

тўртингидан, ахолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват, ҳамжиҳатлик, саҳоватпешалик, миллатларарабо тотувлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда ёшлар менталитетида азалдан ривожланиб келаётган бағрикенглик муносабатларини карор топтириш муҳим аҳамият касб этди.

3.3. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштироқини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари

Ўзбекистонда демократик давлат куриш йўлида ёшлар фаолиятини жонлантириш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда, ҳаракатларини мувофиқлаштириш долзарб аҳамиятга эга. Чунки, ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий янгиланишнинг муҳим субъектлари-дан бўлиб, ижтимоий ҳаётда рўй берадиган ривожланиш ва ўзгаришларга ўзларининг ижобий таъсирларини ўтказмоқдалар. Ёшлар ижтимоий тараққи-ётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнамоқдалар. Ўзбекистоннинг порлок келажаги қандай бўлиши ёшларнинг маънавий-мағкуравий дунёқара-шига, ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнлардаги фаоллигига боғлиқдир. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда бир оддий ҳакиқат барчамиз учун аён бўлиши керак, олдимизда турган энг эзгу ва фаровон ҳаёт ҳам, Ўзбекистонинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, аввалимбор, янги авлод ўниб-ўсисб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишишига боғлиқдир”¹.

¹ Каримов И.А. “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суюнчи ва таянчи бўлсин // Маърифат, 2001, 21 январь.

Бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларни изчил ва қатъйлик билан давом эттириш ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. 1991–2008 йиллар давомида миллий давлатчиликни шакллантириш, янги иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳукукий тизимнинг шаклланишида, ёшлар тараққиётнинг ҳал қиливчи кучига айланди. Ўзбекистон олдига кўйган мақсадларни амалга ошириши учун ёшларга хос бўлган ижтимоий хусусиятлар, уларнинг дунёқараси, билим доираси, мутахассислик даражаси, маънавияти, инсоний фазилатлари жамиятнинг умумий даражаси ва тараққиётига ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Конун, 1992 йил “Ўзбекистон ёшларини чет мамлакатларга ўқишга юбориш тўғрисида”ги қарор, 1993 йилда “Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларига энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун Давлат мукофотини топшириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, 1993 йил “Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” ҳамда “Ижодкор ёшларнинг уйжой шароитла-рини яхшилаш тўғрисида”ги қарорлар, 1995 йил “Бозор ислоҳотлари талабларини хисобга олган ҳолда кишлоқ ёшлари касб-хунар таълим мининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси Қарори, 1996 йил Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисидаги Фармон, 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-куватлаш “Умид” жамғармасини тузиш тўғрисида Фармон, 1999 йил Зулфия номидаги Давлат мукофотини ҳамда 2000 йилда “Ниҳол” мукофотини таъсис этилиши, 2000 йилни “Соғлом авлод” йили деб эълон қилиниши ва Давлат Дастурининг кабул қилиниши, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши, 2003 йил “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортта жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор, 2004 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг истикболли ёш педагогик ва илмий кадрлар малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси Бошқарувининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони, 2007 йил “Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ва

Динлат дастурларининг қабул килиниши¹ ёшлар сиёсатининг амал килиш боскичларида ёшлар кайфиятлари, ҳаётий максадлари, орзу-умидлари, интилишлари ва қандай яшашга қизиқишларини илмий үрганиш, улардан тұғри хулоса килиш, ёшлар интилишларини ижобий шарттың бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришишда мухим аҳамият касб иди.

1991–2000 йиллар давомида мамлакатда ёшларга оид қонунчилик шарттың ёшлар ташкилотларини шакллантиришга алохидан эътибор берилди. Сиёсий партияларнинг ёшлар билан иш олиб борувчи ёшлар қанотлари шаклланди. Мамлакатда 2001 йилдан бошлаб мустакил ёшлар ижти-моий ҳаракати жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомилластириш йўналишларига алохидан эътиборни қаратди².

1991–2005 йиллар давомида мамлакатдаги ёшлар кайфиятлари ва уларнинг ислоҳотлар жараёнларига нечоғли тортилганлиги, ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилашга қаратилган хоҳиш истаклари нуқтаи-назаридан ўзига хос икки турдаги қарама-карши вазият ва хусусият ўзини ёрkin намоён этди:

Биринчидан, янгилик ва модернизация қилиш жараёнларига камарбасталик, улар моҳиятини чукур англаш, ислоҳотлар максад ва мазмунини кўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижти-моий овозига эга бўлиш учун ҳаракат, ўзига ишонч, ўз салоҳиятини жамият тараққиёти учун сарфлашга тайёрлик, шахс сифатидаги комилликка интилиш, ўз тараққиётини жамият ривожи билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёрлик, очик назар билан қараш ва соғфўнгиллилик;

иккинчидан, ёшлар ўртасида бокимандалик, бефарқлик, бошқарув тизимларига ишончсизлик, барча нарсани мен учун давлат яратиб берини лозим деган асосга қурилган кайфият, ёт ғояларга нисбатан субтисизлик, зиддиятларга мойиллик, ўз ижтимоий ҳолатидан норозилик, бирон ишга яроқсизлик, ўз келажагига ишочсизлик, конфликтли вазият ва ҳолатлардан чиқиб кета олмаслик, мана шундай ҳолатларни ўзи яратиш, қонунларни билмаслик, билимсизлик, тушкунлик.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият, қонунларга бўйсуниш, янги демократик тамойилларни англаш ва қабул қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ҳамда қарашлар мавжуд бўлди. Мазкур вазиятнинг мураккаблиги айниқса, унинг қарама-карши томонлари, ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш,

¹ Ражабов К., Ҳасанов Ф., Шоймардонов И., Тожибоев Б. Ўзбекистон тарихининг мухим саналари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 110–131.

² ЎзР“Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2001–2008 йиллардаги фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 37.

унинг омма онгига таъсирчанлигини ошириш лозимлигини кўрсатди. Бунинг натижасида янги методик технологияларнинг жорий этилиши, ёшлар ичига кириб бориш усусларининг кенгайтирилиши каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Бу ўринда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этди.

1991–2008 йиллар давомида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини кузатиш, айрим ёшларнинг сиёсий ва хукуқий онги пастлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда жамиятда хукуқий демократик давлат қуриш учун аввало ёшларнинг хукуқий онгини ошириш ва сиёсий маданиятини юксалтириш керак. Чунки, улар ҳам ҳокимият қарорлари қандай кабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чукурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилишга ёшлар бевосита йўналтирилмоқда. Жамият ёшларининг сиёсий, хукуқий онгини юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бугунги кунда демократик тараққиётнинг бош мезонига айланди. Бу ўринда амалга оширилган вазифалар асоси барча ёшлар тафаккурида хукуқий давлат ҳамда фаол фуқаролик жамияти ғояларини англаш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам жамиятдаги демократик жараёнлар ва ёшлар фаоллиги бир-бири билан узвий боғлиқ. Бунда ёшларнинг таълим-тарбияси онги, дунёқараши, тафаккури ҳал қилувчи восита сифатида хизмат киласди.

1991–2008 йиллар давомида Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотларнинг ижобий натижаси кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўргасидаги муносабатларнинг тамомила янгича погонага кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб колди¹. Ушбу вазифа амалга оширилишининг асосида эса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ётади. Улар сиёсий-хукуқий онг даражасининг юксалиб бориши эса Конституция ва бошқа конунларни ҳурмат қилиш, жамият барқарорлиги учун масъулиятни доимо хис қилиб туриш каби жиҳатлар билан изоҳланади. Ёшларнинг сиёсий-хукуқий онги юксалган сари улар ижтимоий-сиёсий жараёнларга тобора яқин кириб борадилар ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этадилар. Ҳозирда Ўзбекистон олдида турган асосий долзарб вазифа ёшларнинг жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам Президент И.А. Каримов “Бир нарсани яхшилаб англаб олиш керакки, умумий ва маҳсус билимга эга, онгли, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга

¹ ЎзР“Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2008 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. – Б. 7.

юрис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади”¹-деб таъкидлайди.

Демак, ёшларга катта ишонч билдириб, уларни рағбатлантириш, рухлантириш ҳам катта самара беради. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшлар иштирокини такомилаштириш ва ижтимоий фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳам жуда каттадир. Бу ўринда радио, телевидения, интернет, телефон, илмий-оммабоп журнал ва газеталар ҳам муҳим ахамият касб этади. 1991–2008 йиллар давомида ёшлар ижтимоий ҳаётига тезлик билан кириб келган уяли алоқа телефонлари, интернет кабилар ёш авлод дунёқарашини янада кенгайтирди. Шу ўринда Ўзбекистон телевиденияси ва радиосида ташкил этилган “Ёшлар” канали бу йўналишдаги ишларнинг энг юқори боскичи ҳисобланади². Бу каналда ёшларни ўқишлари, ижодий изла-нишлари, дам олишлари ва бутун фаолиятлари ҳакида баҳс юритилади. Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига таалуқли таклиф ва истаклар ўртага ташланиб, мухокама килинади.

Шунингдек, аҳолининг асосий кисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали тўла ечилимаган муаммоларига эътиборни жалб этиш, уларни ҳаётда ҳақиқатан ҳам ҳал кильтувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчиликнинг дикқат марказида туриши шарт. Демак, ёшларнинг жамоат ишларида қатнашиши асосига курилган ижтимоий фаоллиги, уларни тенг хукукли субъект бўла олиш қобилияти ва истагини ривожлантиради. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштироки жамиятнинг бошқа қатламлари, гурухлари билан биргалиқда амалга ошиб боради. Ёшларни асосий вазифаларидан бири, сиёсий-хукукий онгни шаклланишида муҳим ўрин тутган конституция ва қонунларни яхши билишdir. Қонун ва коидаларни билиш, уларга риоя қилиш ёшларнинг ижтимоий онг даражасини кўрсатади. Ёшлар шундай масъулиятли вазифаларни бажариш учун асосан тарих, сиёсатшунослик, социология, психология, хукук соҳасидаги билимларни пухта эгаллашлари ва янгиликлардан боҳабар бўлишлари керак.

Ўзбекистонда 1991–2008 йиллар давомида қабул килинган амалдаги қонун хужжатларида ёшлар хукуклари, манфаатлари ва эркинликлари тизими тўла шакллантирилди. Ҳар бир қонун, фармон ва қарорлар олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳиятига мослиги нуқтаи-назаридан 2008 йилда танқидий таҳлил қилинди³. Бунда қайси қонун хужжатлари такомилаштиришни тақозо этади ва яна қандай янги хукукий хужжатлар қабул қилиниши

¹ Каримов И.А. Умидли ёшлар. – Тошкент: Академия, 1999. – Б. 2.

² Истиқлол солномаси. Ёшлар телекенали 2011 йил 30 август.

³ Ўз.Р “Камолот”ЕИХ ЖА. “Камолот” ЕИХнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 53.

лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ёшларнинг долзарб замонавий эҳтиёж ва манфаатларини хисобга олган ҳолда соғлиқни саклаш, меҳнат, ижтимоий таъминот, таълим соҳалариға оид қонун хужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мамлакатда 1991–2008 йиллар давомида ёшлар манфаатлари ва хукукларига дахлдор бўлган 130 дан ортиқ норматив-хукукий хужжатлар ишлаб чиқилди (3.1.илова)¹.

Ёшлар манфаатлари ва хукукларига дахлдор бўлган ҳалқаро-хукукий хужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги қиёсий тахлил қилиниб, амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича аниқ асосланган таклифлар тайёрланди. Амалдаги қонун хужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларда ёшларнинг ижтимоий таъминоти ва меҳнат қилиш хукуқини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Фикримизча, бу таклифлар ёшларнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши, ўкув юртларини битириб чиқаётган ёшларнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун янада кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, уларнинг билим олиш хукуки, касб малакасини ошириш, спорт турлари билан шуғулланиш ва бошқа бир қатор хукук-эркинликларини таъминлашга ҳамда қонуний манфатларини химоя қилишга қаратилган тегишли қонун хужжатларини такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг сиёсий-хукукий билим ва дунёкарашини кенгайтириш, четдан бўлаётган турли мағкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бера оладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга.

Жамиятда туб ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг иштироқини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2008-йил “Ёшлар йили” якунлари бўйича социологик сўров ўtkазdi². Сўров натижаларига кўра, ёшлар Президент И.А. Каримов томонидан ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни ва ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга этиши, ўз истеъодини намоён этиши, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбия топиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган чора тадбирларни юқсан қадрлайдилар. Ўзбекистон ёшларининг фаол ҳаётий қарашлари юқори даражада экани, ўз мамлакатига фойда келтириш учун муносиб билим ва касб эгаллашга интилаётгани аникланди. Йигит-

¹ Ўз.Р “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 55.

² “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жорий архиви. 2008 йил хисоботлари. – Б. 78.

кизларнинг 73,3 фоизи учун бу ҳаётий қадрият эканини таъкидлаган. Айникса, уларнинг ярмидан кўпини эгаллаган касби, иш ҳақи ва меҳнат шароитлари қаноатлантиради. Ҳар икки нафардан бири ўз ишида хизмат пиллапояларидан кўтарилишга интилади.

Сўров қатнашчиларининг жавобларига қараганда, уларнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланишга қизиқиши ниҳоятда катта. Ёшларнинг 94,6 фоизи “Дунёда давлатлар кўп, аммо Ўзбекистон ягона ва бетакрордир” деган фикрга қўшилиши уларнинг ватанпарварлиги юкори эканини тасдиқлайди. Шу билан бирга, тадқиқот давомида йигит-кизларнинг ҳукукий саводхонлик даражаси аниқланди. Уларнинг қўпчилиги ҳукукий саводхонлик ниҳоятда зарур деб ҳисоблайди. Бундай хулоса сўров қатнашчиларининг яшаш жойи, ёши, маълумоти даражаси ва ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ. Қўпчилик ёшлар, яъни 90 фоизи ўз келажагига ишонади. Улар буни яхши мутахассис бўлиб етишиш ҳамда Ўзбекистоннинг равнақ топишида ўз хиссасини қўшиш билан боғлайди¹.

Умуман олганда, ижтимоий сўров Ўзбекистоннинг шаҳар ва кишлекларидаги барча ёшларнинг ижтимоий фаоллик даражаси юкорилиги ҳамда руҳи кўтаринки эканидан далолат беради. Ёшлар давлат томонидан ўзларига берилган имкониятни юкори баҳолаши ва ундан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ислохотлар жараённида янада фаол иштирок этиш учун фойдаланиш ниятида эканини кўрсатди. Бу ўринда ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларни амалга оширишда авваламбор, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлида мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод қадрларини тайёрлаш масаласи муҳим ҳал қилувчи даражада турибди. Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлат ва жамият, кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида Ўзбекистонда ёшлар эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳар томонлама ижтимоий-ҳукукий кафолатлашга қаратилган Давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

1991–2008 йиллар давомида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшлар иштирокини такомилаштириш учун ўзига хос бўлган ёшлар жамоат ташкилотлари тизими яратилди. Бу даврда ёшлар жамоат ташкилотлари тизими республика вилоятларида ҳам фаол иш олиб борди. Жумладан, “Умид”, “Фидойи ёшлар клуби”, “Бунёдкор ёшлар” телеклуби, “Истеъод”, “Илҳом”, ёшлар жамоатчилик марказлари, Ёшларнинг ижод марказлари, “Келажак бунёдкорлари”, “Истиқлол келажаги”, “Ёш ватанпарварлар” каби ташкилотлар мустақиллик

¹ “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жорий архиви. 2008 йил хисоботлари – Б. 79.

йилларида ёшлар билан ишлашини ўз мақсадига айлантириди. Шу билан бирга, барча вилоятларда “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармаларининг филиаллари, Урганч шаҳрида “Пахлавон Махмуд” хайрия жамғармаси, вилоятлардаги “Ёшлар маркази” фаолияти, Фарғона шаҳридаги “Қалқон” марказий спорт клуби, Республика худудларида фаолият олиб бораётган ёшлар экологик харакатлари, Наманган вилоятида фаолият олиб бораётган “Ёшлар экопарламенти” ва “Ёшлар маркази”, Бухоро вилояти болалар ва ўсмирларининг “Ёшлар маркази”, Тошкент шаҳар ташаббусни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш “Нихол” маркази, “Эко авлод” нодавлат ташкилоти, “Ёшлар бизнес маркази”, Кашиқадарё вилоятида “Навбаҳор”, Самарқанд вилоятида “Яшил тўлкин” болалар экологик харакати кабилар ёшларнинг фуқаролик жамият тараққиётида тутган ўрнини такомиллаштирмоқда ва истиқбол йўналишларини белгилаб бермоқда¹.

Модернизация ва либераллаштириш жараёнларидан келиб чиқсан холда, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий хаётида ёшлар иштирокини такомилаштириш учун ўзига хос бўлган куйидаги истиқболли ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш мумкин:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар катламларини қўллаб-куватлаш, бу вазифани давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида кабул қилиш. Давлат томонидан бирламчи ёрдамга муҳтож қатлам сифатида болалар, ёшлар ва талабаларни алоҳида таъминлаш;

- ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига камарбасталик, ислоҳотларга ишонч фазилатларини тарбиялаш;

- ёшлардаги фаоллик, куч ва қудрат, ёшлик салоҳиятининг ислоҳотлар жараёнига тортилишини таъминлаш учун “бюрократия, коррупция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик” кайфиятларидан жамиятни мунтазам тозалаб бориш;

- ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётига тез кўниши, янги йўналишларни қўллаб-куватлаш, ёшлар ташаббусларининг “чўкиб” колишига йўл кўймаслик;

- ёшларни ўз ватани ва оиласининг ватанпарварларига айлантириш, инсонпарварликни хаёт тамойилига, мамлакат ривожи учун кайгуришини фуқаролик мезонига айлантиришга эришиш, соғлом авлод тарбиялаш фаолиятини қўллаб-куватлаш ва барча зарур имкониятларни яратиш;

- мамлакат миллий тикланиш ва тараққиётидан энг биринчи наф олувчи ижтимоий қатлам сифатида ёшларни тан олиш, модернизация ва либераллаштириш жараённида ислоҳотларини амалга оширувчилар

¹ ЎзР “Камолот” ЁИҲ ЖА. “Камолот” ЁИҲнинг 2008 йил фаолияти юзасидан хисоботи. – Б. 28.

сифатида улардан кенг фойдаланиш, ёшлар тадбиркорлигига янада кенг имкониятлар яратиш;

– ёшлар интелектуал салохиятини дунё мамлакатлари даражасида мунтазам бўлишига эришиш, мамлакат иқтисодиёти ривожини ёшлар интелектуал захиралари билан узвий боғлаш ва фойдаланишга эришиш;

– ёшлар ўртасида сиёсий-хукукий онг ва тафаккур тамойилларини кенг сингдириш, уларнинг ўз тарихини билиши билим ва кўникмаларга иш бўлишлари учун табиий ривожланиш тизимларини яратиш ҳамда унумли фойдаланиш.

Демак, мустақиллик ёшларга ташаббускорлик имкониятларини кенг яратиб берди. Ёш авлодни бошланган эзгу ишларнинг давомчиси сифатида ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш ва уларга ҳаётда тўғри йўл кўрсатишдан иборат. Инсон-демократик жамиятнинг олий қадрияти бўлса, ёшлар унинг истиқболли захира бойлиги хисобланади. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари уларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, доим янгиликка интилиши ва ҳаракатда эканлиги билан ажralиб туради. Жамият ҳаётига кириб келаётган ҳар бир янгиликни ёшлар тезда ўзлаштириб оладилар. Чунки, ёшлар кизиқувчан, турли янги лойиҳалар ва таклифларга бой бўлиб, бу лойиҳаларни барчаси жамият ҳаёти билан боғлик. Бу лойиҳа ва ташабbusларни амалга ошириш жамият ҳамда давлат олдидаги масъулиятли вазифа хисобланади. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштиришда ёшлар ташкилотларини нуфузини янада ошириш талаб этилади. Қолаверса, маҳаллий давлат органлари, фуқароларни ўзини-ӯзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, маҳалла, мактаб, оила ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим.

Шу билан бирга Ўзбекистонда ҳар бир ёш фуқаро биринчидан, ўз ҳақ-хукукини танийдиган бўлиши ва бунинг учун курсадиган фаол бўлиши керак;

иккинчидан, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин ҳамда имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;

учинчидан, атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат ва фикр билдира олсин;

тўртинчидан, шахсий манфаатини мамлакат ва ҳалқ манфаати билан уйғун холда кўриб, фаолият юритсин.

Мавжуд манбалар, архив хужжатлари негизида олиб борилган тадқиқот натижаларини ўрганиш, тахлил қилиш ва қиёслаш асосида куйидаги *хулосаларга* келинди:

– Ўзбекистон демографик холатининг тахлили ёшларнинг ижтимоий ҳайётда катта куч эканлигидан далолат берди. Мустақиллик даврида ёшларга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб бунёдкорлик даври бошланди;

– мустақил Ўзбекистонда ёш авлоднинг хар томонлома камол топиши учун замон рухига мос янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилди ва улар амалиётга тадбиқ этилмоқда;

– “Камолот” ЁИҲ мамлакатда ислоҳотларни амалга ошириш ва модернизациялаш жараёнлари ўтаётган бугунги даврда ёшларни қўллаб-куватловчи асосий ҳаракатга айланди;

– тахлил килинган даврда республикада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни янада ривожлантириш имкониятига зга бўлинди. Ўзбекистонда илм-фан ва таълим соҳасидаги ёш кадрлар ҳамда илғор фикрловчи, ташаббускор, фидойи, иктидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим-тарбия жараёнлари кенг кўламда ўрганилиб, уларни амалиётда тадбиқ этиши чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

– Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш максадида маданият, санъат ва спорт бўйича кўрик танловлар мунтазам равишда ташкил этилди ҳамда давлат томонидан уларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда;

– мамлакатда замон рухига мос равишда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид қонунлар чиқарилди ва дастурлар кенг амалга оширилмоқда;

– ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари тахлил этилди ҳамда кучли ижтимоий сиёсат асосида ёшлар давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватланмоқда;

– Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, ёшларни ҳар томонлама салоҳиятли баркамол инсон қилиб вояга етказишда, таълим ва тарбия жараёнининг узвийлиги, маънавий маърифий ишларнинг доимийлигини таъминлаш лозим. Чунки мамлакат мустақиллиги, миллатнинг эртангি куни, унинг тараққиёт даражаси, яъни, иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, маънавий жиҳатдан юксалиш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бориши ёшлар зиммасидадир.

